O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 11-iyun, chorshanba | № 47 (7552)

Da'vat

Ota donoligi bolalar uchun chinakam saboqdir.

DEMOKRIT

Ibrat

Toshkent temir yo'l transporti muhandislari instituti talabalari uchun to'rtta tennis korti va voleybol, basketbol, qo'l to'pi kabi sport maydonchalariga ega bo'lgan keng tarmoqli majmua qurilib, foydalanishga topshirildi.

БОЛАЛАР СПОРТИНИ ОММАВИЙ СПОРТГА, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ОММАВИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

Хабар қилинганидек, 4 июнь куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисда 2003 йил 7 февраль куни ўтказилган Ҳомийлик кенгаши йиғилиши баённининг бажарилиши, жорий йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва Жамғарманинг 2003 йил бюджетини тасдиқлаш, спорт анжомлари, кийим-кечаклари ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ўз ҳудудимизда ишлаб чиқариш, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари, шунингдек, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 4-каналини спорт каналига айлантириш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Қуйида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мазкур йиғилиши баёни эълон қилинмоқда.

Аввало, мажлис иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимовнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг 2003 йил 7 февралдаги йиғилиши баённининг бажарилиши ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан болалар спортининг ҳолатини тўрт йўналиш (1-4 синф, 5-9 синф, коллеж ва лицейлар, маҳаллалардаги спорт шаҳобчалари) бўйича ўрганиш асосида спорт билан мунтазам шуғулланаётган 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган болаларнинг сонини аниқлаш ва танқидий баҳо беришга қаратилган таҳлиллар ўтказилгани маълумот учун қабул қилинди.

Ўтган даврда Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан болаларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун равишда камол топишини таъминлаш, мамлакатимизда болалар спортининг асосий йўналиш ва турларини ривожлантиришнинг тиббий ва илмий асосларини яратиш бўйича тавсиялар асосан ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Шунингдек, умумий таълим мактаблари учун 2003-2004 ўқув йилига мўлжаллаб жисмоний тарбия ва болалар спортига оид ўқув дастурлари, дарслик, методик қўлланмалар ҳамда плакатлар тайёрлаш дастури тузилган. «Соғлом оила» мусобақаларини ўтказиш Низоми ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур мусобақалар Наврўз байрами арафасида маҳаллалар миқёсида бошланиб, ҳозирги кунда давом этаётир.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан мамлакатдаги мавжуд мактаб, коллеж, лицей ва маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш учун зарур спорт анжомлари ҳамда спорт кийимларига бўлган эҳтиёж аниқлаб чиқилган. Миллий қадриятлар ва анъаналарни инобатга олган ҳолда спорт кийимлари намуналари яратилди ва уларнинг кўргазмалари ўтказилган.

Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг бакалавриат, магистратура ва махсус сиртқи бўлимларига болалар спорти учун ва уни ташкил қилиш юзасидан педагог-мураббий кадрлар тайёрлаш, шунингдек, спорт журналистикаси ва психологияси мутахассисликлари бўйича таълим бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Мажлисда жойлардан билдирилган таклифлар асосида 2003 йилда республика ҳамда ҳудудлар миқёсида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури ва Жамғарманинг 2003 йил бюджети лойиҳалари ишлаб чиқилгани, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳалари тайёрлангани, ҳомийлардан Жамғарма ҳисоб рақамига 1 июнга қадар 8,2 миллиард сўм ва 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тушгани ҳақидаги ахборотлар ҳам маълумот учун қабул қилинди.

Шу билан бирга, бу борада айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди. Хусусан, марказда ва жойлардаги айрим мутасадди раҳбарлар ўта муҳим, миллатимиз келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган бу улуғвор масаланинг моҳияти ва аҳамиятини ҳали-бери тўла тушуниб етмагани сезилмоқда. Шу боис уларнинг фаолиятида юзаки қараш, расмиятчилик ҳолатлари

(Давоми 2-бетда)

АНДИЖОНДА СПОРТ БАЙРАМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОТАХОНЛАР ДУОСИ ЁШЛАРГА МАДАД

Халқимизда яхши бир одат бор. Катта тадбирлар, қутлуғ анжуманларда, албатта, кўпни кўрган, тажрибали, эл-юрт орасида обрў-эътибор топган қариялар, оқсоқоллар дуоси олинади. Бу гал ҳам худди шундай бўлди.

Элимизнинг азалий одати, қадриятларимизга содиқ ҳолда «Баркамол авлод» ўйинлари авж паллага кирган кунлари Андижон Олимпия заҳиралари спорт коллежига Андижон вилоятининг энг бобрў, ўз меҳнати, фидойиликлари билан эл назарига тушган бир гуруҳ оқсоқоллари, иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари ташриф буюрдилар.

Отахонлар спорт коллежи манежида, сузиш ҳавзаларида ҳамда янги стадионда бўлишиб, ўтказилаётган мусобақаларни кузатдилар. Спортнинг барча турларида маҳорату матонатларини намойиш этиб, ўз вилоятлари, шаҳарлари шарафини муносиб ҳимоя қилаётган оловқалб ёшларни, уларнинг чаққон, дадил ҳаракатларини кўрган пиру бадавлат қариялар беихтиёр дуога қўл очишди. Отахонларнинг самимий тилаклари, қутлуғ дуолари ёш спортчиларга олам-олам куч-ғайрат бағишлаганлиги шубҳасиз.

Ёшлар беллашувларини мароқ билан томоша қилаётган отахонлар билан суҳбатлашдик.

Саидаҳмад Исаев, истеъфодаги полковник, тарих фанлари доктори, профессор:

— Янги коллежни, муҳташам стадионни кўриб, тўғриси, ҳайратга тушдим. Мен жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатларида, Европанинг йирик шаҳарларида бўлганман. Шундай кошоналар айтиш мумкинки, саноқли. Ўзбекистонимиз учун бундай иморатлар дурдона. Бу албатта, юртимиздаги тинчлик, осойишталик натижаси. Замонамизга, шундай имкониятлар учун фақат шукрона келтирмоқ керак. Биз урушларни, ҳаробаларни, очликни кўрдик. Илло, ёш авлод бундай кунларни кўрмасин. Катта спорт байрами фаровонлигимиз белгисидир.

„Насриддин Ҳасанбоев, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси:

— Менимча, ушбу иморатлар, спорт мусобақалари мамлакатимиз Президенти таъкидлагандек, «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» деган ҳикматомуз иборанинг ҳақиқатга айланаётганидир. Биз шундай спорт мусобақалари ёшларимизни ҳар томонлама чиниқтиради, деб ҳисоблаймиз. Чиниққан, бақувват, баркамол авлод юртимизнинг порлоқ келажагини ўз қўллари билан қурадилар.

Одилжон Эргашев, биология фанлари номзоди, меҳнат фахрийси:

— Спортнинг бирор тури билан мунтазам шуғулланган инсон соғ-саломат бўлиши, ўз юрти учун катта наф келтириши аниқ. Бу борадаги юртбошимиз юритаётган сиёсатни ниҳоятда тўғри деб баҳолайман. Соғлом инсонлар соғлом жамиятни ташкил қилади, жамият саломатлиги юксак тараққиёт, фаровонликнинг энг асосий шартидир. Ёшларнинг «Баркамол авлод» спорт мусобақаларини кўриб, шу фикрлар хаёлимдан кечди.

(Давоми 7-бетда)

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

XALQARO ANJUMAN

Poytaxtimizda O'zbekiston Respublikasi Monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasi hamda BMTning savdo va taraqqiyot bo'yicha konferensiyasi hamkorligida raqobat siyosatini takomillashtirish va iste'molchilar huquqini himoya qilish masalalariga bag'ishlangan xalqaro anjuman bo'lib o'tdi.

PROKURATURA VA OAV

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasida "Sud-huquq sohasidagi islohotlarni targ'ibot qilishda prokuratura organlari va ommaviy axborot vositalari o'rtasidagi hamkorlik istiqbollari" mavzuida ilmiy-amaliy anjuman o'tkazildi.

G'OLIB O'QUVCHILAR

Qozog'iston Respublikasining Taraz shahrida taekvondo bo'yicha bo'lib o'tgan xalqaro turnirda Buxoro viloyati Vobkent tumanidagi 20-maktab o'quvchisi Shavkat Ochilov o'z vazn toifasida chempion bo'ldi. Shu tumandagi 5-maktab o'quvchisi Bobur Qayumov kumush, 21-maktab o'quvchilari Azamat Madaminov va Sirojiddin Umarov, 1-maktab o'quvchisi Isroil Murodov bronza medali sohibi bo'ldilar.

(Давоми 2-бетда)

Ta'limda xalqaro hamkorlik

ҲАЛҚ ТАЪЛИМИГА — 1028 ТА КОМПЬЮТЕР

Мамлакатимиз билан АҚШ ҳукумати ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг ўтган йили АҚШга қилган ташрифидан сўнг, ҳамкорликнинг янги-янги жиҳатлари намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда АҚШ ҳукуматининг бошланғич ва ўрта таълим доирасидаги ишларни бошлаганини ҳам ана шундай ҳамкорликнинг янги жиҳати дейиш мумкин.

Куни кеча АҚШ ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг икки янги, биргаликдаги қўшма дастурининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Американинг мамлакатимиздаги элчиси Жон Хёрбст ва халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов иштирок этишиб, мазкур қўшма дастур лойиҳаларининг фойдали жиҳатлари хусусида сўз юритишди. Мазкур лойиҳалар Американинг халқаро ривожланиш бўйича Агентлиги (USAID) ва Ўзбекистонда бошланғич ҳамда ўрта мактабларнинг ўқитиш даражасини юксалтириш йўналишида молиялаштирилган. Биринчи лойиҳа доирасида АҚШ ҳукумати мактабларга 1028 та компьютерни беғараз бериш, шунингдек, нафақат компьютер технологиялари, балки дастурий таъминот ва китоблар тақдим этишни кўзда тутади. Иккинчи қўшма дастур эса USAID лойиҳаси доирасида бошланғич ва ўрта таълимга «PEAKS» бюджетидан 3,5 млн. АҚШ доллари ажратди. Ушбу лойиҳа мактабларда ўқитиш сифатини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, жамоатчилик ва ота-оналарни болаларга таълим бериш жараёнига жалб этиш, маъмурий ҳамда педагогик салоҳиятни кўтаришга, умуман, мактаб инфратузилмасини яхшилашга хизмат қилади.

Маълумки, таълимни ривожлантириш академияси (АЕД) таълим бўйича USAID дастурларини бажарувчи ташкилотлар концорциумида етакчи шерик ҳисобланади. АЕД шериклари — таълим соҳасида фаолият юритаётган Ўзбекистон очиқ жамият институти — СОРОС кўмак жамғармаси, болаларни қутқариш жамғармаси (Буюк Британия) ва Abt Associates каби катта тажрибага эга бўлган ташкилотлардир.

Тадбирда иштирок этган Марказий Осиёдаги USAID ташкилоти директори Жорж Дейкун сифатли таянч таълим иқтисодий ўсиш мезонларидан бири ва малакали кадрлар тайёрлаш учун асос эканини таъкидлади. PEAKS мактаблар ва кичик уюшмалар каби маҳаллий шериклари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Ушбу кичик уюшмалар фаолиятига ота-оналар, ўқувчилар, жамоатчилик ва диний ташкилотлар ҳамда тадбиркорларни жалб қилиш — буларнинг барчаси таълим сифатини оширишнинг калитидир. Бу қўшимча инвестициялар, жумладан, маҳаллий жамғармалар сармояларини ҳам жалб қилиш имконини беради ҳамда ўқитувчиларнинг қизиқишларини оширади. Шунингдек, мактаб, туман, вилоят ХТБ мутасаддилари билан ишловчи жамоатчилик ташкилотлари салоҳиятини ҳам кўтаради.

— Бундан олти йил муқаддам Ўзбекистонда волонтёр бўлиб ишлагандим, — дейди USAID ташкилоти вакили Стив Ларрадей. —Иш жараёнида Ўзбекистон ёшларида илмга чанқоқликни ҳис қилдим. Ва менда уларни энг замонавий техника ҳамда технологиялар билан таъминлашга ҳисса қўшсам, деган фикр пайдо бўлганди. Ҳозир эса ана шундай жараёнга ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

— Бугун мактабимизга USAID ташкилоти томонидан замонавий компьютер маркази тақдим қилинди, — дейди Ҳамза туманидаги 145-мактаб директори Валерий Гладышев. —Марказнинг имкониятлари жуда кенг. Ҳаттоки, бу ерда ўқитувчиларга ҳам сабоқ бериш имконияти мавжуд. Айниқса, бундай марказлар республикамизнинг юздан ортиқ умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилиши бизни қувонтирмоқда. Демак, булар таълимни янгилашга, ўқитишнинг янги усулларини қўллашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шерали НИШОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ТАЪТИЛ КЎНГИЛЛИ ЎТАДИ

"Орол болалари" оромгоҳи дастлабки дам олувчиларини қабул қилди. Халқаро "Экосан" жамғармаси ва Қорақалпоғистон касаба уюшмалари федерацияси, Элликқалъа туман Ҳокимлиги тасарруфида бўлган бу соғломлаштириш маскани "Оролбўйи" худудида яшовчи аҳолининг фарзандларини соғломлаштиради. Умумий ҳудуди 20 гектардан ортиқроқ майдонни эгаллаган даргоҳда айни кунда иккита асосий ётоқ корпуси, 3 та қўшимча ётоқхона, ошхона, "Оқчақўл" соҳилида, жойлашган барча чўмилиш, сузиш воситалари, жумладан эшкакли ва двигателли қайиқчалар, дам бериладиган қайиқчаларга эга бўлган сузиш ҳавзаси, ювиниш хоналари, рақс ва ашула, спорт майдончалари, ўқиш заллари ва кутубхона болалар ихтиёрида.

— "Элликқалъа туман ҳокимлиги ташаббуси билан апрель-май ойларида оромгоҳдаги мавжуд барча ётоқхоналар, ошхона, сузиш ҳавзалари, турли хилдаги сузиш ва қутқариш воситалари, кино ва театр биноси, ўйингоҳлар, йўл ва йўлакчалар сифатли таъмирдан чиқарилди. Ўндан ортиқ фермерлар билан болаларни ёз мавсумида мева ва полиз маҳсулотлари билан доимий равишда таъминлаб туриш учун шартномалар тузилди, — дейди биз билан суҳбатда оромгоҳ етакчиси Қурбонназар Қаландаров. — Яна бир янгилик. Дам олиш масканида фаолият кўрсатадиган олий маълумотли мураббийлар, тиббиёт ходимлари, ошпазлар танлов асосида ишга қабул қилиндилар. Мақсад — мавсум давомида бу ерда дам олиб хордиқ чиқарадиган, саломатликларини мустаҳкамлайдиган 2000 нафардан ортиқ болаларнинг хотирасида оромгоҳимиз ҳақида фақатгина яхши фикрлар қолдириш."

Муҳаммадсобир АЙТИМОВ

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

БАРКАМОЛЛИК БОҒЧАДАН БОШЛАНАДИ
2-бет

ТАЪЛИМ ТАКОМИЛИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИН
3-бет

МАҲАЛЛА — ТАЪТИЛДАГИ МАКТАБ
4-бет

СУРХОНДАРЁДА ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР АНЖУМАНИ
8-бет

Tashabbus

МАКТАБ ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ҚУРИЛАЯПТИ

Зомин туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф-лар ўқийдиган биноси эскириб, йил сайин нураб бормоқда. Шунинг учун ҳам Пшағор қишлоғи аҳолиси мактабнинг бошланғич синфларга мўлжалланган биноси ўрнида 240 ўринли, 13 хонадан иборат тамоман янги мактаб қуришга киришдилар. Мактаб биносининг қурилиш-лойиҳа ҳужжатларига асосан қурилишга 100 миллион сўмлик маблағ сарфланади.

Айни кунда ота-оналар, ҳомий ташкилотлар ҳам моддий ёрдам кўрсата бошладилар. Чунончи, шу мактабни 1983 йилда битирган собиқ ўқувчилар 3 тонна цемент олиб келишди. Шу қишлоқ фуқароси, жаҳон уруши қатнашчиси Боймирза Бобоёров мактаб қурилишига 20 минг сўм пул ва битта қўй ҳадя этди. Мактаб ота-оналари қўмитасининг раиси Эргаш Туротов эса 10 минг сўм маблағ ажратди ва ҳозирда мактаб қурилиши ишларини мувофиқлаштиришга ташкилотчилик қилмоқда. Бу Навоий қишлоқ фуқаро-«Молгузар» ли-ташаббусда лар йиғини, ширкат хўжаги раҳбарлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

4-ХҲТК муҳандиси Баҳром Қўшбоқов эса доимий равишда техникалар ажратиб турибди.

—Мактабни ҳашар йўли билан қуриш ишлари тобора қизғин тус олмоқда, — дейди 5-мактаб директори Нишонбой Умурзоқов. — Бу ташаббусда қишлоқ фуқаролари қатори мактабимиз жамоаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Мақсадимиз янги ўқув йилигача ушбу мактаб биносини қуриб фойдаланишга топширишдир.

СОБИҚ БИТИРУВЧИЛАР МАКТАБГА БЕЭЪТИБОР ЭМАС

Жиззах шаҳридаги А.Навоий номидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг ташкил топганига 70 йилдан ошди. Мактабнинг собиқ битирувчилари ҳозирда мамлакатимизнинг турли вилоятларида барча жабҳаларда меҳнат қилишмоқда. Ҳаётда ҳамиша ташаббус ва яратувчанлик билан яшаш мактаб ўқувчиларининг доимий шиори. Муҳими, ана шу анъанани собиқ ўқувчилар ҳамон давом эттиришмоқда.

Шу йилнинг баҳорида мактабнинг бир гуруҳ собиқ ўқувчилари ўзлари ўқиган билим масканини капитал таъмирлаб беришга ахд қилишди. Бу ташаббусдан бехабар қолган айрим тенгдошлари "Нега бизга ҳам айтишмади?" — деб озгина хафа ҳам бўлишди. Шундан сўнг ушбу ташаббусга барча битирувчилар (меҳнат фахрийларидан ташқари) таклиф этилди.

Шу тариқа мактабда таъмирлаш ишларини амалга оширувчи ташкилий қўмита тузилди. Унга "Жиззах-таъмир" корхонаси раҳбари Холмурод Лапасов бошчилик қилмоқда. Айни кунда иш қизғин. Ҳар ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб, қилинган ишлар сарҳисоб қилиб борилаяпти.

Ҳозирда, энг аввало, мактабнинг катта кўчага туташган йўлини асфальтлаш ишларига муҳим эътибор қаратилган. Мактаб ҳовлисида кераксиз бўлган майдончалар бузилиб, ўрнига 4 та гулхона ташкил этилди. Бу мактаб ҳовлисидаги экологияни яхшилаш, гулзорларни кўпайтиришга ҳисса қўшди. Бундан ташқари, мактабнинг асосий биноларини туташтирувчи ўтиш йўлакчаларининг томи шиферланди. Спорт зали, иситиш қозонлари сифатли таъмирланди.

Бундай хайрли ишда собиқ битирувчиларнинг ўзига хос муносиб улуши бор. Масалан, Азимжон Исломов 2 тонна цемент берган бўлса, Набижон Ғаниев асфальт келтирди. Қаҳрамон Сувонқулов қурилиш маҳсулотларидан ёрдам бераяпти. Яна кимдир мактабга мусиқа асбоби (пианино) совға қилса, кимдир китоб топширди...

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Маърифат" мухбири

Shuningdek, undan siz o'qishga kirish uchun qanday hujjatlar kerak bo'lishi, test o'tkazilish kuni va vaqti, imtihon paytida abituriyentlarga qo'yiladigan talablar, javoblarni tanlash jarayoni, sinov vaqtida olib boriladigan va man qilingan holatlar haqida ma'lumotlar olishingiz mumkin.

Bo'yinlariga osilgan medallariga boqib, uni ko'z-ko'z qilayotgan bu bolakaylar kelgusida dunyo miqyosidagi musobaqalarda ishtirok etish uchun intiladilar.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

AQSHDA G'AFUR G'ULOM YUBILEYI

Ulug' shoirimiz G'.G'ulom tavalludining 100 yilligiga bag'ishlangan tantana Nyu-York shahrida ham bo'lib o'tdi. Anjuman Amerika Buxoro yahudiylari kongressi tashabbusi bilan uyushtirildi.

MAXSUS ADABIYOTLAR HADYA QILINDI

Yaponiyadagi eng boobro' o'quv dargohlaridan biri bo'lgan Keyo universiteti tomonidan Samarqand davlat chet tillar institutiga yapon tilini o'rganuvchilar uchun maxsus adabiyotlar hadya etildi.

«BOLA BAXTI — OLAM BAXTI»

Respublika o'quvchilar saroyida «Bola baxti — olam baxti» deb nomlangan teatrlashtirilgan tomosha bo'lib o'tdi. Unda badiiy havaskorlik jamoalari o'z mahoratlarini namoyish qildilar.

EKOFESTIVAL

Poytaxtdagi «Bog'i Eram» istirohat bog'ida «O'zbekiston barqaror ekorivojlanish yo'lida" shiori ostida Jahon atrof-muhit kuniga bag'ishlangan ekologik festival bo'lib o'tdi. «Ekosan» jamg'armasi va Toshkent shahar hokimligi hamkorligida tashkil etilgan ushbu ekofestivalda vazirliklar, idoralar, jamoat tashkilotlari, diplomatik korpus vakillari, fan, madaniyat arboblari, poytaxt aholisi va mehmonlar ishtirok etdi.

YANGI ELCHIXONA QURILADI

Toshkentda AQSH elchixonasining yangi binosini qurish to'g'risidagi bitim mamlakatimiz Prezidenti Islom Karimovning o'tgan yil mart oyida AQShga buyurgan rasmiy tashrifi chog'ida imzolangan edi. 2002 yil mayda Toshkentda O'zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish va tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash davlat qo'mitasi bilan AQSH elchixonasi o'rtasida poytaxtning Yunusobod dahasidagi 4,5 gektarlik maydonni xarid qilish to'g'risidagi bitimga qo'l qo'yildi.

БОЛАЛАР СПОРТИНИ ОММАВИЙ СПОРТГА, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ОММАВИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Жамғарма олдида турган вазифаларни тўла амалга оширишда тўсиқ бўлмоқда.

Мамлакатдаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризациядан ўтказиш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига етарлича эътибор берилмаяпти. Янги болалар спорт иншоотлари ва шохобчаларини қуриш бўйича тайёрланган лойиҳаларда уларни маҳаллий шароитга мослаштириш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Баъзи жойларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти ва таълим тизимидаги жисмоний тарбия дарслари масаласини тушунишда чалкашликка йўл қўйилаётир. Бу борада Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Жамғарманинг ваколат ва масъулиятини қатъий белгилаб қўйиш зарурлиги уқтирилди.

Жамғарма тизимига, хусусан, унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларига Жамғарма олдида турган мақсад-вазифаларни чуқур тушуниб етмаган, фаоллик ва ташаббускорлик, фидойилик фазилати етарли бўлмаган кишиларни ишга қабул қилиш ҳолларига йўл қўйилаётир.

Бундан ташқари, халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини кенг, умумхалқ ҳаракатига айлантириш борасида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талаб даражасида эмаслигига ҳам эътибор қаратилди.

Ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида, аввало, қишлоқларда жойлашган ўқув юртларида ҳафта давомидаги спорт дарслари ҳажмини кўпайтириш масалаларини қайта кўриб чиқиш ва янги ўқув йилида татбиқ қилиш тавсия этилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2003 йилга мўлжалланган бюджети жорий йилнинг 9 ойлик натижаларига кўра қайта кўриб чиқиш шарти билан тасдиқланди.

Ҳомийлардан тушиши белгиланган миллий ва эркин муомаладаги валюта маблағларининг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш Бош вазир ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилди. 2003 йил 1 июль муддати билан тўпланган валюта ҳажмини ҳомийлар ҳисобидан яна 1 млн. долларга кўпайтириш кўзда тутилиши қайд этилди.

Жамғарманинг 2004 йилга мўлжалланган бюджетидаги миллий ва эркин муомаладаги валюта маблағларининг ҳажми ҳақида Бош вазир ўринбосари Р.Азимов ва молия вазири М.Нурмуродов томонидан 2003 йил 15 ноябргача таклиф киритилиши белгилаб қўйилди. Жамғарма маблағларини сарф этиш ва назорат қилиш вазифаси ва масъулияти молия вазири М.Нурмуродов зиммасига юклатилди.

«Ўздавархитектқурилиш» қўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоят ҳокимлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда қурилиши мўлжалланаётган спорт иншоотларининг лойиҳалари бўйича аниқ таклифларни уч ҳафталик муддатда ҳар қайси вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисида топшириқ берилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига, Халқ таълими вазирлигига, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказига болалар спорти учун пухта замин яратиш мақсадида, мамлакат ва ҳудудлар миқёсида спорт билан мунтазам равишда шуғулланаётган 6-17 ёшдаги болалар сони ҳақидаги аниқ таҳлилга асосланган тўлиқ маълумотни икки ҳафта муддат ичида тақдим этиш вазифаси топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига илмий ва тиббий асослар ҳамда ҳудудларнинг табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда, истиқболли спорт турларини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган таклифларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот қилиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов раислигида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ва мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат таркибда комиссия тузиш белгиланди. Комиссия зиммасига мамлакатдаги мавжуд спорт иншоотларини инвентаризация қилиш ва улардан унумли фойдаланиш масаласини ўрганиб, бир ой муддатда таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

Йиғилиш баёнида қайд этилганидек, Болалар спорти иншоотларининг қурилиш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида Жамғарма ҳузурида қурилиш объектлари дирекцияси ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Дирекция зиммасига Ҳомийлик кенгаши тасдиқлаган қурилиш иншоотлари рўйхати асосида лойиҳалаштириш, қурилиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва бошқа тегишли вазифалар юклатилди. К.Тўлаганов уч ҳафта муддатда Дирекция тузилмаси ва Низомини ишлаб чиқиб тасдиқлашни ва бир ой муддатда унинг таркибини малакали кадрлар билан тўлдиришни таъминлаши зарурлиги белгилаб қўйилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ҳамда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларига мазкур масала бўйича 2003 йил учун тасдиқланган қурилиш ва таъмирлаш дастури асосида ташкилий чора-тадбирларни белгилаш, шу жумладан, қурилиш ташкилотлари ўртасида ўз вақтида ишлаб чиқилган намунавий лойиҳаларни белгиланган тартибда тендерлар ўтказиш йўли билан танлаб олиш, қурилиш объектларини ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий хусусиятларини инобатга олган ҳолда жойлаштириш ва бошқа барча зарур ташкилий ишларни ўз вақтида амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Молия вазирлигига барча қурилиш ишларини Жамғарманинг тасдиқланган бюджети асосида ўз вақтида молиялаштириш, кўзда тутилган харажатларни белгиланган миқдорда ва мақсадли сарфланишини назорат этиш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон Республикасида болалар спорт анжомлари, кийим-кечаклар ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилган ишлар маъқулланди. Барча вилоятларда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан ишлаб чиқилган спорт кийимлари кўргазмаларини ўтказиш ва бу кўргазмалар фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш зарурлиги қайд этилди.

Бу борада икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига тегишли қарор лойиҳасини тақдим этиш вазифаси Бош вазир ўринбосари М.Усмоновга топширилди.

Ўзтелерадиокомпания, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, ЎзА, бошқа оммавий ахборот воситаларига болалар спортини ривожлантиришнинг асосий мақсад ва вазифалари, стратегик йўналишлари бўйича ахборот ва тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш тавсия этилди.

Бош вазир ўринбосари Р.Азимов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзтелерадиокомпания, Матбуот ва ахборот агентлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Оммавий спорт тарғиботини кучайтириш тўғрисида» қарор лойиҳасини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритиши лозимлиги таъкидланди.

Қарорда спорт журналистикаси соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ўзига хос миллий тизимини шакллантириш, спорт нашрлари ва бу соҳага ихтисослашган бошқа оммавий ахборот воситаларининг моддий-техникавий базасини яхшилаш, спорт журналистларини рағбатлантириш, мамлакат телевидениесида махсус «Спорт» каналини ташкил этиш чора-тадбирлари кўзда тутилиши зарур.

Ушбу баён ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ва Бош вазир ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши раиси, Президент Ислом Каримов тасдиқлаган ушбу йиғилиш баёни яна бир бор шундан далолат берадики, мазкур Жамғарма фаолияти ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ва уни тарғиб этишни том маънода таъминлашга, энг муҳими, бу борадаги эзгу интилишларни умумхалқ ҳаракатига айлантиришга қаратилгандир.

(ЎзА)

Seminar

МЕТОДИК ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб маънавий-мафкуравий ҳаётимизда улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Мустақиллик мафкураси асосида ўз мақсадларимизга етиш, ёт ғоялардан ҳимояланиш, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш муҳим эҳтиёжга айланди. Зеро, миллий истиқлол ғояси жамиятимиз ривожининг асосини ўзида мужассам этади. У ёш авлод қалби ва онгида эзгу ғояларга садоқат ва келажакка ишонч туйғусини тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Куни кеча Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳамкорликда "Миллий истиқлол ғояси ва маънавий-маърифий тарбия" мавзусида анжуман ўтказишди. Анжуманда Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А.Собиров иштирок этиб, шаҳар мактабларида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди. Сўнг Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олим "Уч буюк мезон: қонун, мафкура ва маънавият" мавзусида ўқитувчилар билан баҳс-мунозара ўтказди.

Анжуман давомида семинар-тренинг ҳам бўлди. Бунда ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзуларни ўқувчилар онгига сингдиришда янги педагогик технологиялар, интерфаол усуллардан фойдаланиш бўйича методик ёрдам кўрсатилди.

Янги педагогик технологиялар асосида ёш авлодга таълим бериш, яъни дарс — мунозара, давра суҳбати, ўйин, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларга бўлиб ўқувчилар қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, олижаноб фазилатлар, миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш муҳим омилдир. Бу анжумандан сўнг чиқарилган хулосалардир.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Маърифат" мухбири

ОРОМГОҲЛАР ЧОРЛАЙДИ

Жиззах вилоятида ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Вилоятдаги турли ташкилот ва корхоналарга қарашли 18 та оромгоҳ мавжуд. Уларда бу йили ёзги таътилда 2080 нафар ўқувчининг дам олиши режалаштирилган.

Айни кунда болалар оромгоҳлари дам олувчиларни бағрига чорлаяпти, улар педагогик мутахассислар билан таъминланди. Яқинда вилоят малака ошириш институтида шаҳардан ташқари оромгоҳларда ишлайдиган педагогик кадрларнинг семинари бўлди. Семинарда тарбиячи, етакчи, жисмоний тарбия ва мусиқа мутахассисларига тегишли маслаҳатлар, услубий йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Мухбиримиз

Anjuman

БУЮК АДИБГА ЭҲТИРОМ

Куни кеча Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги Абдулла Авлоний номидаги 328-мактабда маърифатпарвар аллома таваллудининг 125 йиллигига бағишланган адабий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда А.Авлонийнинг қизи Ҳакима ая, жияни, Миллий академик драма театрининг таниқли артисти Гавҳар Зокировалар ҳам иштирок этиб, боболари ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар.

Тадбир сўнгида мактаб ўқувчилари А.Авлоний асарларидан саҳна кўринишлари ижро этдилар. Хуллас Республикамиз бўйлаб А.Авлоний таваллудининг 125 йиллиги нишонланаётган бир пайтда ўтказилган ушбу тадбир буюк маърифатпарвар олим, улкан адиб, драматург, жамоат арбобига издошларининг миннатдорчилик туйғусининг ёрқин ифодасидир.

Зарифа ИСМОИЛОВА,
услубчи

"ЯНА КЕЛИБ ТУРАМИЗ..."

Айнан мана шундай сўзларни Мирзо Улуғбек туманидаги 332-мактабгача таълим муассасаси 6-"Камалак" гуруҳи тарбияланувчилари ўзларининг "Хайр, жонажон боғчам" номли хайрлашув кечасида баралла айтишди. Бу тадбирда дилбандларининг ижро этган куй-қўшиқ, рақсларини, шеърлари-ю ҳаракатчан машқларини кўриб, уларни олқишлаш учун келган оналар ҳам иштирок этишди. 22 нафар кичкинтойлар саҳнага ташриф буюрган сехргарга келажакда ким бўлишларини айтиб беради. Шунда сехргар ким бўлмоқчи бўлсангиз ҳам ҳозирдан шунга интилишингиз керак, ҳўш, сиз орзуларингиз рўёби учун нимага қодирсизлар, деб болаларни сўроқлади. Бунга жавобан қурувчи-муҳандис бўламан деган болалар турли шакллар ёрдамида уйлар қуришди, хонанда, режиссёр, рақоса бўлишни хоҳлаганлар эса қўшиқлар айтиб, рақсга тушишди. Қизиқарли саволлар орқали болажонларнинг билганлари синовдан ўтказилди. Мусиқа мураббийси О.Тўраева, гурух тарбиячиси Г.Исандеева ёрдамида ёш битирувчилар 3-4 йилдан бери жонажон бўлиб қолган боғча тарбиячилари билан хайрлашув кўшиғини жўр бўлиб айтаётганларида юм-юм йиғлаётган Шаҳло, Мадина исмли қизалоқларни кўриб кўпчиликнинг кўзида севинч ёшлари қалқиди.

— Бу байрам биз учун ҳам қувончли, ҳам ҳаяжон бўлди. Шунча пайтдан бери ўрганиб қолган ажойиб, ёқимтой ўғил-қизларимиз мактабга боришади. Ўзларининг яхши хулқлари, аълочилиги каби гўзал хислатларини кичик ёшли укаларига мерос қилиб қолдиришиб, улғайиш мобайнида боғчамиз шаънига олқишлар ёғдиришади. Ва биз тарбиячилар ҳам уларнинг камолидан, муваффақиятидан руҳланиб, янада ғайрат-шижоатли бўлиб меҳнат қиламиз, — дейди муассаса мудираси Ирина Морозова.

Дарҳақиқат, қўлларида совғалари ва битирувчи альбомини ушлаганича кўзлари жовдираб турган бу ширинтойларга қараб, йўлингиз оқ бўлсин, дегимиз келади.

Шаҳноза ТУРСУНОВА

Tadbir

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ + БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

Тошкент вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Қибрай туман халқ таълими ходимлари билан ҳамкорликда 25-мактаб ва 8-мактабгача таълим муассасасида «Мактабгача таълим ва бошланғич синфлар таълим-тарбияси жараёнида эркин шахсни камол топтиришнинг илмий-педагогик асослари» мавзусида илмий-амалий семинар-кенгаш ўтказди. Семинарга вилоят мактабгача таълим муассасалари ходимлари, бошланғич синф ўқитувчилари, методистлари қатнашдилар.

Семинарда педагогика фанлари номзоди М.Худойберганова «Мактабгача таълим ва бошланғич синфлар таълим-тарбияси жараёнида эркин шахсни камол топтиришнинг илмий-педагогик асослари» мавзусида маруза қилди. Катта ўқитувчи Н.М.Зиганшина болаларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантиришга доир «Келинг, бирга ўйлаб кўрамиз» мавзусида тренинг машғулотини ўтказди. Шунингдек, Р.Мадрахимованинг «Ўйлаб жавоб берамиз» мавзусида боғча болалари билан ўтказган мужассам машғулоти, мактаб ўқитувчилари Н.Қосимованинг «Масала ечишни ўрганамиз» С.Муродовадан тренинг дарслари ҳамда «Ўйнаб куйла болажон», «Фарзанд камоли-юрт жамоли» мавзуларидаги эрталиклар кузатилди.

Семинарда сўзга чиққанлар мазкур тадбир болалар боғчаси билан бошлан-ғич синфлар ўртасидаги таълим-тарбия жараёнининг узвийлигини, амалга оширишда вилоятда олиб борилаётган ишларнинг ёрқин намунаси эканлигини билдириб, бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш лозимлигини таъкидладилар.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири







Давлат тест маркази томонидан ўқув юртларига кириш учун чиқарилаётган "Ахборотнома"нинг навбатдаги 5-, 6-, 7-, 8-, 9-, 10-, 11-, 12- сонлари нашрдан чиқди. Уларда ўзбек тили ва адабиёти, инглиз тили, француз тили, немис тили, тарих, математика, физика, биология, кимё, географиядан берилган тест саволлари билан бир қаторда фанларнинг 2002 йилдаги тест натижалари таҳлили кўрсаткич ва муаммолар, республика вилоятлари бўйича тест топшириқларига абитуриентлар жавобларининг самарадорлиги, ўқишга кирувчиларга фанлар бўйича тавсиялар илова қилинган.

"Ахборотнома"нинг 12-сонида абитуриентларга қабул ва тест жараёнида керак бўладиган маълумотлар берилган. Шунингдек, ундан сиз ўқишга кириш учун қандай ҳужжатлар керак бўлиши, тест ўтказилиш куни ва вақти, имтиҳон пайтида абитуриентларга қўйиладиган талаблар, жавобларни танлаш жараёни, синов вақтида олиб бориладиган ва ман қилинган ҳолатлар ҳақида маълумотлар олишингиз мумкин.

Азиз абитуриентлар, сизларга тест жараёнида омад тилаймиз.

БАРКАМОЛЛИК БОҒЧАДАН БОШЛАНАДИ

Tadbir

Ёш бола ҳамма нарсага қизиқувчан бўлади, шу боис укаларимиз, фарзандларимизнинг «у нима?, бу нима?» деб сўрайверишига барчамиз кўникиб кетганмиз. Аслида боланинг серсавол бўлгани яхши, чунки атрофдаги нарсаларнинг моҳиятига қизиқиб, у ҳақда мулоҳаза қилаётган болакай ўзи берган саволига жавоб излайди, уни олгач эса тасаввури янада кенгаяди. 5-7 яшар чоғлари боланинг фикрлари энг ривожланадиган, ҳар бир касбга қизиқаверадиган даври ҳисобланади. Масалан, кино кўрадиган бўлса, ундаги қаҳрамонларга, ажойиб машиналар кўчадан ўтса ҳайдовчи, телевизорда футбол кўрсатишса, футболчи бўлиб қолгиси келади. Лекин шуни аниқ биламанки, бугунги кичик ёшдаги болаларнинг кўпчилиги спортчи бўлишни орзу қилишади. Чунки, мамлакатимизда спортга берилаётган эътибор, бу борада олиб борилаётган катта спорт байрамларининг аҳамиятлилигини улар ҳам жажжи қалблари билан ҳис қилиб турибдилар.

Акмал Икромов тумани ХТБ тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари ҳам бу масъулиятли вазифани чуқур англаган ҳолда, мурғак қалбларни ҳозирдан жисмоний баркамолликка йўналтириш мақсадида бир қатор самарали тадбирларни ўтказмоқдалар. Май ойининг охирги кунларида тумандаги 469-болалар боғчасида Турон миллий якка кураши бўйича 217-, 393-, 469-мактабгача таълим муассасалари ўртасида беллашувлар бўлиб ўтган эди. Ушбу тадбирда болажонлар миллий кураш сирлари, ўзбек миллий спорт ўйинларини намойиш қилдилар. Куни кеча эса 604-боғча-мактаб мажмуасида «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» номли спорт фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Тумандаги мавжуд 21 та мактабгача таълим муассасаларида таълим олаётган 300 нафардан зиёд болажонлар спортнинг 10 дан ортиқ тури бўйича қизғин беллашдилар. 6 та боғчада шўъбаларда «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақалари алоҳида ўтказилиб, унда 1-ўринни 601-«Наврўз», иккинчиликни 401-«Сказка», 3-ўринни 388-«Мойчечак» номли мактабгача таълим муассасалари эгалладилар ва уларга туман ХТБнинг совғалари— ўйинчоқлар ҳамда барча иштирокчиларига махсус нишон топширилди.

—Бугунги тадбирда ғолиб чиққан кичкинтойларга бир қаранг, уларнинг кўзларида қувонч, нур порлайди. Бўйинларига осилган медалларига боқиб, уни кўз-кўз қилаётган бу болакайлар келгусида дунё миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиш учун интиладилар. Ҳозирги ўтказаётган мусобақаларимиз мана шундай эзгу мақсадлар учун хизмат қилади, деган умиддаман, — дейди туман ХТБ мактабгача таълим услубчиси Шаҳзода Шукурова.

Тадбирда иштирок этган шаҳар ХТББ бошлиғининг муовини Ж. Камолов, туман ҳокими муовини З. Асадов, туман ҳокимлиги спорт қўмитаси раиси Р. Саркисянц ва маҳалла фаоллари ҳам болажонларнинг спортга қизиқишлари нақадар кучлилигини кўриб, уларга муваффақият тиладилар, келажакда улардан юртимиз шарафини ҳимоя қила биладиган чемпионлар етишиб чиқишига ишонч билдирдилар. Мусобақа сўнгида туман ХТБ мудири, тадбир ташкилий қўмитаси раиси А. Раҳматуллаев барчани табриклаб, болажонларга совғалар улашди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
«Маърифат» мухбири

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

Самарқанд вилоятида яшовчи Х.Маматовадан

САВОЛ: 1. Психологнинг ойлик иш ҳақи ўқувчи сонига қараб белгиланадими? Бир ставка дарс берса бўладими?

2. Мактабнинг ўз ҳисобчиси ва банк билан ўзи алоҳида ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқига эга, иқтисод қилинган пулдан мукофот тарақасида ўқитувчиларга берса бўладими?

ЖАВОБ: 1. Психологларга синфлар сонига қараб штат бирлиги берилади: 7-10 та синф учун 0,5 штат бирлиги ва 17-22 та синф учун 1 ставка штат бирлиги берилади. (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳамда тасдиқлаган штат бирлиги асосида 22.10.1997 й.)

2. Мактаб юридик мақомга эга бўлиб, банкда ўзининг ҳисоб рақами бўлса, иқтисод қилинган пулдан мукофот тариқасида ўқитувчиларга берилиши мумкин, бунинг учун унинг Низомини ишлаб чиқиш ҳамда педагогик кенгаш ва касаба уюшмасининг қарори асосида мукофотлаш мумкин.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

«Vatan tuyg'usi nima?», «Vatanni nega sevamiz?» mavzulari bir-birini to'ldiradi, shuning uchun bu mavzularni uyg'unlashtirib, bir sarlavha ostida berilsa, matn boyitilsa va amaliy mashg'ulotda mustahkamlansa, to'g'riroq bo'lar edi.

Yangi bog'dagi har bir niholning o'z nazoratiga olgan o'quvchisi va yana har bir o'quvchining esa o'z parvarishiga olgan niholi bor.

Milliy istiqlol g'oyasi

ТАЪЛИМ ТАКОМИЛИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИН

Аввал хабар қилганимиздек, Республика таълим марказида 1-4, 5-6 ҳамда 7-9-синфларда энг зарур фанлар бўлган «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари», «Ватан туйғуси» ҳамда «Одобнома» фанларининг муҳокамасига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг турли вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган ўқитувчилар, «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» каби қўлланмаларнинг муаллифлари ва Халқ таълими вазирлигининг расмий вакиллари иштирок этиб, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг ўқитилишини такомиллаштириш» мавзусида ўзаро фикр алмашдилар.

Ушбу семинар-кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Ф-1331 фармойиши ижросининг таҳлили сифатида ўтказилди, десак муболаға бўлмайди.

Семинар-кенгашда асосан «Одобнома», «Ватан туйғуси» ҳамда «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанлари борасида яратилган қўлланмаларнинг синфлар ва мавзулар кесимида ўзаро мослиги, қўлланмаларнинг мураккаблик даражаси, материалларнинг ўқувчилар ёшига мослиги, мавзулар такрорланишининг мавжудлиги, яъни мазкур фанлардаги мавзулар она тили, адабиёт, тарих ва бошқа фанларни ўқитишда такрорланиш ёки такрорланмаслиги каби масалалар экспериментатор ўқитувчилар томонидан муҳокама этилди.

Унга мувофиқ ушбу фанлардан сабоқ берувчи экспериментатор ўқитувчилар кенгашда юқоридаги уччала қўлланмалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Уларнинг фикрича, 1-синф «Одобнома» дарслигидаги мавзулар матни кенгроқ берилиши, болаларга хос ҳаётий, ибратли ҳикоялар баён этилиши мақсадга мувофиқ. 2-синф «Одобнома» дарслигида эртакларга кўпроқ ўрин берилган. Аслида, болалар ҳаётидан олинган замонавий, одоб-ахлоққа доир мавзулар берилиши лозим.

3-синф дарслигидаги «Она табиат – гўзаллик манбаи» бўлими ўрнини «Ҳадиси шарифда одоб хусусида» бўлими билан алмаштириш керак. 1-бўлимда берилган «Иқтисодиёт тамойиллари. Бозор муносабатлари» мавзусини соддалаштириш ёки бошқа мавзуга ўзгартириш зарур.

4-синфдаги алломалар, буюк сиймолар ҳақидаги мавзулар ўқув йилининг бошида ўтилиши мақсадга мувофиқ бўлса, дарслик мавзуларига ҳозирги давримиз олимлари, замонамиз қаҳрамонларининг ҳаёти ва фаолиятлари ва асарларидан парчалар киритиш лозим. Ҳар бир синф ўқув қўлланма мавзуларидаги мураккаб тушунчалар учун саҳифа тагига ёки илова тарзида изоҳли луғатлар берилиши шарт. Дарсларни самарали ташкил этиш, мавзуларни баён этишда қулайлик яратиш мақсадида кўргазмали қуроллар, рангли плакатлар, альбомлар, видеотасмалар, турли хил услубда ўтилган дарс ишланма намуналари ва тавсияларни кўпайтириш лозим. Ва ниҳоят дарсликлар муқовасининг техник жиҳатдан пухта ишланиши узоқ муддат давомида яхши сақланишига имкон яратади.

«Ватан туйғуси» ўқув қўлланмасининг айрим мавзулари ўқувчиларнинг ёшига мос эмас, бироз оғирроқ, чунки мавзуларнинг ўта илмийлиги сабабли ўқувчилар уларни ўқишда чарчаб қоладилар. Масалан: «Ўзбек модели нима?», «Ўзбекистон – Ватаним маним» мавзуларини ёритишда анча мураккабликлар бор.

Бунда баъзи мавзулар матнида янги атама, тушунча, рақамларнинг кўп миқдорда берилиши ўқувчини чалғитиб, тарбиявий таъсирини сусайтиради.

5-синф қўлланмасидаги «Ватанни нега севамиз» номли 5-мавзуси 4-мавзу билан алмаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. «Ўзбекистон – Ватаним маним» мавзуси билан «Ўзбек халқи» тушунчаси мавзуларини алоҳида-алоҳида мавзу сифатида бермасдан, балки битта дарсда ўқувчилар онгига сингдириш мумкин, мавзуларда такрорий фикрлар учрайди.

5-синф қўлланмасида муаллифлар «Демократия», «Эркинлик» каби тушунчаларни ўқувчи ёшига мос ўхшатма орқали жуда моҳирона усулда бера олган. Бироқ, 6-синф ўқув қўлланмасида (73-бет) шу жиҳатни ҳисобга олмаганлар, мавзуларда такрорланишлар мавжуд. Масалан: «Ватан туйғуси нима?», «Ватанни нега севамиз?» мавзулари бир-бирини тўлдиради, шунинг учун бу мавзуларни уйғунлаштириб, бир сарлавҳа остида берилса, матн бойитилса ва амалий машғулотда мустаҳкамланса, тўғрироқ бўлар эди. «Конституция оламига саёҳат» дарси 6-синфда фан сифатида ўқитилишига қарамай, ундаги баъзи мавзулар «Ватан туйғуси» фанида ҳам такрорланади.

6-синф «Ватан туйғуси» ўқув қўлланмасида «Ўзбек модели нима?» мавзусида ўқувчилар ўзбек моделининг беш тамойилини билиши мумкин. Лекин унинг моҳиятини ҳамма ўқувчилар ҳам тушуниб етмайди. Айниқса, «Ватан туйғуси», «Ватанни нега севамиз?», «Она Ватан нима?», «Ҳуқуқий демократик давлат нима?», «Эркин фуқаролик жамияти нима?» каби мавзуларда ўхшашликлар мавжуд. «Миллий қадриятларимиз» мавзуси «Биз буюк маънавият эгасимиз» мавзуси билан кетма-кет берилса, имкониятлар кенгроқ очилар эди.

Баъзи мавзуларнинг ҳажми ва мураккаблик даражаси ҳисобга олинган ҳолда вақт ажратилмаган. Масалан: «Истиқлол нима?» мавзусига 3 соат камлик қилса, «Ватанимиз тимсоллари» мавзусига ажратилган 4 соат кўп, чунки давлатимиз рамзларини 1-синфдан бошлаб барча ўқувчилар ёд биладилар. Худди шундай 6-синфда «Ватанни англаш» мавзусига 2 соат вақт ажратилган, бу эса жуда кам. Ушбу мавзулар она тили, адабиёт, тарих, ҳуқуқ ва бошқа фанлар билан боғлиқ ҳолда берилган. Амалий машғулотларга ажратилган мавзуларга матн бериш керак. Айрим мавзулардаги матнларни қисқартириб лўнда ва аниқ қилиб бериш лозим.

«Юртимизда қандай жамият барпо этилмоқда» бобини 7 ёки 8-синфларда ўтиладиган «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув қўлланмаси таркибига кўчириш лозим.

5-6-синф ўқув қўлланмалари анча бой, қизиқарли, аммо ўқувчилар учун мураккаб, уларни соддалаштириб, мақол, ҳадис, ҳикматли сўзлар билан бойитиш лозим.

Бундан ташқари ўқув қўлланмалари мавзуга мос расмлар, суратлар билан бойитилса, дарсликлар ўқувчиларга янада тушунарли бўлиб, мавзуларни ёдда тутишга қулайлик (расмлар бор, лекин оз миқдорда) туғдиради.

Қолаверса, мавзулар кетма-кетлигига ва такрорланмаслигига аҳамият берилиши, ўқувчиларнинг ёш хусусияти инобатга олиниши, ундаги мавзу матнларини соддалаштириш лозим. Дарслик асосида методик қўлланма яратиб, уларни таълим бошқа тилларда ўқитиладиган мактаб ўқувчилари учун ҳам таржима қилиш шарт.

7-синфлар учун «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув қўлланмасининг айрим мавзулари ўқувчиларнинг ёши ва билим даражасига мос эмас. Дастурдаги соатларни тақсимлашда мавзуларнинг содда ва мураккаблиги, айрим мавзуларнинг бошқа фанлар билан узвий боғланганлиги, мавзуларнинг кетма-кетлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Масалан: «Инсон ва табиат» мавзусига 1 соат етарли, чунки бу мавзу табиий фанлар таркибида ўрганилади. 13-мавзу «Санъат ҳаётимизда» мавзуси 17-мавзу: «Мулоқот маданияти"дан олдин берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Амалий машғулотлар 1 соат, 2 соат деб эмас, «Мавзу якунлангач бажариш учун» деб берилиши керак, чунки музейга саёҳат, ёрдамга муҳтожларни излаб топиш 1 соатда ҳал бўлмайди.

8-синфларга ўқитиладиган «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» 34 соатга мўлжалланган бўлиб, берилган мавзулар жуда тор, қайта кўриб чиқиб кенгайтириш керак. Президент асарларидан парчалар киритиш зарур. Чунки, ўқувчида изланишидан олдин айнан қайси асарни ва маърузаларни ўрганиб чиқиши лозимлиги ҳақида тушунча ҳосил бўлади.

«Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув қўлланмасининг 9-синфларга бағишланган қисми ҳам 34 соатга мўлжалланган.

Дарслик дастур билан унчалик мос эмас. Дастурдаги: "Мафкуравий иммунитет нима?" деб номланувчи 1-мавзу, дарсликда 8-мавзу бўлиб келган. Дастурда 8-мавзу "Жаҳолатга қарши маърифат" мавзуси бўлса-да, бу мавзу ўрнига маънавият ҳақида умумий тушунча берилган. Мавзулар саҳифаси мундарижа саҳифаси билан тўғри келмайди. 9-мавзуда маънавият мавзуси очиб берилган, холос.

Умуман 9-синф дарслигини кенгайтириш зарур. Дастур ва дарслик мослигида хатоликлар бор.

2-мавзудаги «Ғоянинг хусусиятлари ва турлари» матнида ғоянинг турларига мисоллар аниқ берилган, аммо 4-мавзудаги «Тараққиёт ва мафкура» мавзусидаги фактлар ноаниқ бўлиб, мавзунинг 4 соатга режалаштирилиши нотўғридир.

Ўқув қўлланмада амалий машғулотлар учун материаллар берилмаган, «Маънавият» қисми учун ривоятлар, ҳикоялар, ҳадислардан намуналар берилса, яхши бўлар эди.

«Сир сақлаш» мавзуси 7-синфда берилган, бу мавзу 9-синфга кўпроқ мос, «Шахсий гигиена» мавзуси эса 7-синфга кўпроқ мос бўлиб, «Ичкиликбозлик», «Гиёҳвандлик» мавзуси эса 9-синфга тўғри келади.

8-синф учун яратилган ўқув қўлланмада «Вақт мезони, бўш вақтдан тўғри фойдаланиш», «Шахсий гигиена талаблари», «Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва кашандалик», «Миллий байрам ва анъаналар», «Маросимларга иштирок этиш», «Наврўз тарихи ва одобномаси» мавзуларига вақт кўп ажратилган. Шулардан 7 соат олиниб «Кириш» қисми учун 1 соат ва 1 - мавзудан 7-мавзугача 1 соатдан қилиб берилса яхши бўлар эди.

«Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш» мавзулари 7-синфда, «Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар», «Миллий истиқлол мафкураси» ҳақидаги мавзулар 9-синфда ўтилса тушунарли бўларди. Айрим мавзулар 8-синф дастурларида ҳам, 9-синф дастурларида ҳам такрорланган.

9-синфдаги 10-мавзу «Оила муқаддас даргоҳ» деб номланади. Гап оила ҳақида кетар экан, оиланинг муқаддас даргоҳлиги, ота-она ва фарзанд бурчлари, оилада меҳнат тақсимоти, фарзанд тарбияси, оиладаги иқтисодий масалалар ўз ўрнида жуда тўғри, кетма-кет берилган, бироқ бу мавзулар фикримизча, 8-синфда ўтилиб, 9-синфда болалар ёшини, уларнинг битирувчи синф эканлигини ҳисобга олган ҳолда миллий истиқлол ғоясига маъно ва мазмун бахш этувчи, давлатимизнинг сиёсий масалалари ҳақида, болаларга хос тилда сиёсий ахборотлар берилса яхши бўлар эди.

9-синф дарслигидаги «Меҳмон кутиш», «Рўзғор сирлари», «Дастурхон тузатиш» каби мавзулар яна бир бор кўриб чиқилса, ёмон бўлмасди.

Қўлланмада «Хотира ва қадрлаш куни» ҳақидаги Фармойиш 1999 йил 12 майда деб нотўғри берилган, ваҳоланки ушбу фармон 1999 йил 2 мартда эълон қилинган эди.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари 8-синф дарслигидаги «Ватан равнақи», «Юрт тинчлиги», «Халқ фаровонлиги» каби мавзуларда очиб берилган. Юқорида берилган ушбу мавзулар 9- синфга берилиб яхлитлик ҳолига келтирилгани маъқул. Дарсликдаги мавзулар дастурга мос эмас. Дарсликларнинг (7-8-9-синфлар) «Миллий истиқлол ғояси» учун ажратилган мавзуларига вақт кам ажратилган, «Маънавият асослари» қисмида эса бунинг акси. Бу ҳолат дастурга мосликни бузади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX-сессиясида белгиланган устувор йўналиш ва тамойиллар ҳам дарсликка киритилмоғи шарт, шунингдек, мазкур фан бўйича семинар-кенгашлар тез-тез ўтказиб турилиши билан биргаликда бу фан бўйича олимпиадалар ўтказилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мавзуларнинг мағзини очишда «Эртак», «Ривоят», «Мақоллар», «Панд-насиҳат», одоб ва ахлоққа оид ҳадислардан фойдаланилиши керак.

Экспериментатор ўқитувчилар шуни таъкидлашдики, деярли барча дарсликларда мавзулар мураккаб берилган, ўқувчиларнинг ёш хусусиятига мос эмас.

Дарсликларнинг тил услубини соддалаштириш керак. Иллюстрацияси талабга жавоб бермайди. Расмлар қизиқарли, рангли, бола эътиборини ўзига жалб қиладиган безаклар орқали берилмаган.

Умуман, «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанидаги мавзулар она тили, адабиёт, тарих, биология ва бошқа гуманитар фанларда такрорланади. Масалан: Адабиёт фанида «Комил инсон ғояси», «Она тили – миллат руҳи», «Мулоқот қоидалари» мавзулари; Тарих фанида: «Мустақиллик ва маънавият», «Тараққиёт ва мафкура», «Ватанпарварлик», «Миллий ифтихор туйғуси» мавзулари; Табиат фанида: «Инсон ва табиат», «Экологик маданият» мавзулари; Биология фанида: «Шахсий гигиеник талаблар», «Соғлом турмуш тарзи – саломатлик гарови» мавзулари: Иқтисод фанида: "Тараққиётнинг ўзбек модели", "Оиланинг моддий таъминоти", «Сарф-харажат», «Исрофгарчилик», «Тежамкорлик ва ижтимоий ҳамкорлик» мавзулари; Меҳнат таълими фанида: «Уй тутиш қоидалари», «Оилада меҳнат тақсимоти», «Ёшлар ва кийиниш маданияти» мавзулари берилган.

Юқоридаги фанлар доимо бир-бирини тўлдириб келади ва ўқувчилар билимини мустаҳкамлайди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган вақт мобайнида ҳар бир соҳада ўзига хос мактаб шаклланмоқда. Юртимизда мустақилликдан олдинги даврда қатор янгиликлар, ихтиролар ва ҳаттоки маълум соҳа даражасида ўзига хос мактаблар яратилган. Лекин бугунги кунга келиб, ўша мактаблар ва тажрибалар ҳар томонлама эскириб қолди ёки янада такомиллаштирилишга муҳтожлик сезмоқда. Шу туфайли Юртбошимиз томонидан ўртага ташланган ва дунё аҳлига «Ўзбек модели» номи билан маълуму машҳур бўлган тараққиётимизнинг ўзига хос йўналиши ўлароқ юртимиздаги барча соҳаларда туб бурилишлар ҳамда янгиланишлар кечмоқда. Мана шу жараён оқибати туфайли таълим тизимини янада такомиллаштириш, унинг олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини назорат этиш, бордию таълим тизимининг қайсидир жараёнида оқсаш сезилаётган бўлса, ушбу муаммоларни ўз вақтида бартараф қилиш мақсадида юртимиз бўйлаб бир қанча вақтлардан буён қатор тадбирлар ўтказилиб келинади. Ушбу тадбирлардан кўзланадиган мақсадлар дарсликларни янада такомиллаштириш ва мамлакат равнақини юксалтириш, баркамол авлодни камол топтириш ҳамда келажак авлод учун озод ва обод ватан қолдиришдир.

"Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанлари ушбу мақсадларни амалга ошириш, ёш авлод қалби ва шуурини она Ватанга, миллатга муҳаббат билан тўлдириб, унинг равнақи йўлида хизмат қилишга ундайди. Ушбу фанлар бўйича яратилган қўлланмаларни янада такомиллаштириш, шу нуқтаи назардан бугуннинг долзарб вазифасидир. Бу борада амалиётчи ўқитувчилар билдирган мулоҳазалар қўлланмалар муаллифларига қўл келиши шубҳасиз.

Хусан НИШОНОВ,
Абдулҳамид МУХТОРОВ,
«Ma'rifat» мухбирлари

2003-yil — "Obod mahalla yili"

ЭЗГУЛИК БЕШИГИ

... Павелнинг мактабдан тез-тез қолиб, синфдан-синфга кўчирилмай юрганини эшитган Қулназар оға бу нохушликларнинг илдизини синчиклаб ўрганди. Сабабини эса боладан эмас, унинг атрофидаги муҳитдан топгандек бўлди. Англадики, кўнглида йигитлик ғурури уйғона бошлаган йигитча ёлғиз онасию опаси олдида ўзини бурчдор сеза бошлаган. Шунданми у гоҳо ўқишларини ҳам йиғиштириб қўйиб, ногирон онаизори ёнидан жилмай унга қарарди. Онасининг қистови билан мактабга борган кунлари ҳам хаёли хаста онасида бўларди... Қулназар оға маҳалла фаоллари, мактаб маъмурияти билан фикрлашиб, Павелнинг уйида ўқишини ташкил этди. Ўзи тез-тез бу хонадондан хабар олиб турди. Ва кўп ўтмай Павел уйда хотиржам, дарсларини яхшигина ўзлаштириб оладиган бўлди.

Бу Зарафшон шаҳридаги "Тинчлик" фуқаролар йиғини раиси Қулназар Сансызбоев фаолиятидаги бир воқелик холос. 6 мингга яқин аҳоли 1350 та оилани бирлаштириб турган маҳалла оқсоқолининг ҳаётида бу каби хайрли ишлар жуда кўп. Ўзбек, рус, қозоқ, қорақалпоқ сингари турли миллат вакиллари, уларнинг урф-одатлари, анъаналарини ҳурмат қилиб, ҳаётий қарашлари билан ҳисоблашиб кўнглига йўл топиш маҳалла раисию фаолларига осон кечмайди. Айниқса, маҳалладаги бир ярим мингга яқин қалби қайноқ ёшлар тарбияси, улар учун маҳаллани меҳр-шафқат, оқибат, аҳиллик қўрғонига айлантириш катта меҳнат, маҳорат талаб этади. Шаҳарнинг дарвозаси очиқ. Лекин тўрт томони бетон деворлар билан ўралган ҳар бир уй маҳалланинг бир парчаси. Гоҳи у бетон деворлар дарду ситамни яширса, гоҳи фожеаларнинг илдиз отиб кетишига йўл очади. Чунки бетон деворлардан бўйлаб, худди қишлоқлардагидек ҳар соння бир-бировдан огоҳ бўлиб яшаш қийин... Йилимизнинг маҳаллага боғланиши, эътибору имконларнинг шу нуқтада жамланиши эса ана шу огоҳлик, огоҳлик орқали бирлик, ҳамжиҳатлик, ҳамфикр меҳр-мурувватлилик каби олижаноб туйғуларни улуғлаш демакдир. Инсонларки бир-бирига қўл чўзиб, кўнгиллар ёруғ бўлиб яшамас экан, маҳалланинг обод бўлиши ҳақида ўйлаш бир ёқлама фикр юритмоқдир...

"Тинчлик" худудида "Шодлик" меҳрибонлик уйи жойлашган. Бу масканда барча шарт-шароитлар муҳайё бўлса-да, кўнгиллардаги кемтиклар гоҳи ўсмирни боши берк кўчаларга бошлайди. Билиб-билмай ножўя қадамлар ташланади. Маҳалланинг педагог-тарбиячиси Қумри Ҳасанова ҳамиша ана шундай нохушликларнинг олдини олиш ҳаракатида.

— Аксарият тадбирларни ана шу "Меҳрибонлик уйи"да ташкил этамиз, — дейди у. — Яқиндагина шу даргоҳда "Менинг маҳаллам", "Маҳалла гўзали" кўрик-танловларини ўтказдик. Беллашувларга тайёргарлик жараёнида йигит-қизлар билан дилдан суҳбатлашдик. Улар ҳамиша меҳрга мурувватга интиқ. "Шодлик" болаларидан "тарбияси оғир"лар рўйҳатига олинганларини турли тўгараклар, тадбирларга жалб этиш билан "даволадик" десам бўлади. Шунингдек, маҳаллада "Ёлғиз қарияларга ёрдам бериш" гуруҳи ҳам тузилган. Бу гуруҳга "меҳрибонлик уйи" тарбиячилари ҳам киритилган. Мақсад кексаларни ҳурматлаш баробарида масъулият, меҳр-оқибат, ўзидаги яхши фазилатларни намоён этиш ҳислатларини улғайтириш.

Маҳаллада истиқомат қилаётган нуронийлар кўмагига таяниш ҳам педагог тарбиячининг эътиборида. Лекин ҳали тажриба тўплаш зарурлиги сезилиб турибди. Ҳудуддаги ўттиздан ортиқ кўп қаватли уйларда ўсиб, улғаяётган ёшларнинг ҳар бирининг яшаш тарзини ўрганиш, кези келганда ифтихор этса арзигулик замондошларимиз билан уларни турли тадбирдларда тез-тез юзлашиб туришини ташкил этиш қийиндиру, имкон қадар қилиш мумкин. Бу ўз-ўзидан одамларни бир-бирига яқинлаштиради, танитади. Биз маҳалладаги ибратли оилалар, педагогга кўмакдошлар, худудда истиқомат қилувчи олиму шоирлар, ижодкорлар ёки ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида ободонлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўрганимизда Қумрихон шошиб қолди. Маҳалла ҳаётини акс эттирувчи альбомлар, деворий газеталар, йигит-қизларни касб-ҳунар танлашларига кўмаклашувчи кўргазмалар ҳам афсуски йўқ эди...

Зарафшон ёшлар шаҳри, бунёдкорлар маскани. Саноати, иқтисодий салоҳияти юксак бу юртнинг фуқаролари, эртанги кунларининг ворислари саналмиш ёшлари ҳар жиҳатдан муносиб бўлса бу Ватаннинг ҳақиқий бойлигидир. Бу бойлик — маънавий етуклик маҳаллада камол топади. Донишмандларимиз айтганларидек: Маҳалла эзгулик бешиги, чинакам тарбия ўчоғидир.

Ойбуви ОЧИЛОВА
"Ma'rifat" мухбири

«MA'RIFAT»ГА ЁЗИНГ!

СИЗНИ ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТАМИЗ

«Ma'rifat» газетасининг ҳар ойда ўтказиб келинаётган энг яхши муаллифлар танловининг 2003 йил май ойи якунлари танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилди. Айтиш жоизки, бешта номинация бўйича таҳлилга тортилган барча журналистик материаллар ғолибликка муносиб жиҳатлари билан танловнинг жиддий ўтишини таъминлади. Қуйида танловнинг навбатдаги ғолибларини эътироф этамиз:

Энг яхши саҳифа —А.Абдиевнинг 2003 йил 3 май сонида берилган «Бефарқ бўлманг биродарлар» номли саҳифа материали.

Энг яхши мақола — А.Мавруловнинг қаламига мансуб «Миллий истиқлол ғояси ва конформистик дунёқараш» деб номланган мақола (2003 йил 3 май).

Энг яхши интервью — Қ.Раҳимбоеванинг 2003 йил 31 май сонида чоп этилган Ўзбекистон халқ артисти Ойбарчин Бакировадан олган «Юсуфбек ҳожининг қизи» сарлавҳали интервьюси.

Энг яхши янгилик — М.Исроиловнинг «Мини банк» кредитлар ажратмоқда» деб номланган (2003 йил 28 май) таълимдаги янгилик.

Шундай қилиб, баҳорнинг сўнгги ойида ўз ижодлари билан газета саҳифаларига ўзига хос мазмун бахш этган ҳамкорларимизга келгуси фаолиятларида ҳам муваффақиятлар тилаб қоламиз.

БОЛАЛАРБОП МЕБЕЛЬ

Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълимни ривожлантириш мақсадида мактабгача таълим ёшидаги болалар учун зарур бўладиган мебель, турли ўйинчоқлар ва спорт анжомлари кўргазмасини ўтказди. Кўргазма «Ўқув-Таълим-Таъминот» Бош бошқармасининг кўргазма залида ташкил этилди.

Уни ўтказишдан асосий мақсад мактабгача таълим муассасалари иш самарадорлигини янада яхшилаш, уларнинг моддий ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, шу асосда тарбияланувчиларни мактаб босқичига саводли қилиб тайёрлашдан иборат. Шунингдек, ўйинчоқлар, ўйин воситалари ва жиҳозларни тарбиячиларнинг мураккаб воситаларда ижодкорлик, тадбиркорлик билан меҳнат қилиб, ички имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатишга ўргатиш, миллий ўйинчоқларнинг янги авлодини яратиш ҳам кўргазманинг мақсадларидан бўлди. Мазкур кўргазмада нафақат мактабгача таълим ходимлари балки, бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари, халқ ҳунармандлари ўз ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан иштирок этдилар.

Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлидинов, вазир ўринбосари У.Мусаев, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва барча вилоят халқ таълими бошқармаларининг бошлиқлари, мактабгача таълим ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув методик марказ тингловчилари, Тошкент шаҳар мактабгача таълим муассасаларининг мутахассислари кўргазмада иштирок этиб, буюртмачига айландилар.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

КОЛЛЕЖДА ИСТИҚЛОЛ БОҒИ

Tashabbus

«Яхшидан боғ қолади». Ана шу нақлга амал қилган яратувчан халқимиз азал-азалдан ҳали у, ҳали бу санаю қутлуғ кунга атаб боғ яратишни ўзига удум қилиб олган. Ота-боболаримизда ҳатто оилада янги фарзанд дунёга келса, унга атаб ниҳол ўтказиш урфи бўлган экан.

Қашқадарё вилоятидаги Баҳористон иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи жамоаси аъзолари ҳам боболари удумларини давом эттиришиб, савобли ишга қўл урдилар. Жамоа аъзолари коллеж ҳовлисидаги неча-неча йиллардан буён фойдаланилмай келган 2 гектарлик майдонда боғ бунёд этиш ишига киришдилар.

Ўтган йилнинг кузидаёқ ҳайдалиб, оби-тобига келтирилган майдонга баҳорнинг дастлабки кунлариданоқ 400 туп чўл иқлимига мос ток ниҳоллари ва 1000 туп олма, зардоли, шафтоли, гилос, бодом ниҳоллари ўтказдилар.

—Янги ташкил этилган боғимизга «Истиқлолнинг 12 йиллиги» деб ном бердик, — дейди коллеж директори Гулмаҳмат Кенжаев. — Боғимизда парвариш ишларини бошлаб юбордик. Энг асосий иш — «Ўзбекистон» жамоа ширкат хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтаётган катта каналдан сув олиб келишни ҳал қилдик...

Коллеж ўқувчиларию устозлари ҳар бир ёш ниҳолни меҳр билан парваришлашга астойдил киришдилар. Экилган ниҳолларни бехато ундириб олиш учун ўқувчиларнинг барчаси бирдек ишга киришган. Бу иш, албатта, муваффақиятли амалга оширилади. Негаки, янги боғдаги ҳар бир ниҳолнинг ўз назоратига олган ўқувчиси ва яна ҳар бир ўқувчининг эса ўз парваришига олган ниҳоли бор.

Абдували ОБИДДИН,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

O'quvchi-yoshlarni muayyan bir kasbga qiziqtirish borasida kollej ustozlari bilan bir qatorda maktab o'qituvchilari, sinf rahbarlari, ota-onalar va mahalla faollarining hamkorlikdagi sa'y-harakatlari o'zining ijobiy natijalarini beradi.

Boloniya universitetida Osiyo va Afrika institutlari bilan hamkorlikda arxeologik tadqiqotlar olib borilmoqda hamda 2002 yil sentyabr oyida "Samarqand: kecha, bugun, ertaga" mavzuida xalqaro ko'rgazma uyushtirildi. Ushbu ko'rgazmaning italyancha varianti shu yilning 20 iyunida Boloniyada ochilishi kutilmoqda.

Ma'rifat

МАКТАБДАН — КОЛЛЕЖГА

Мирзо Улуғбек технология коллежида ўтказилган "Очиқ эшиклар куни"дан лавҳа

Айни пайтда умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфини битирган ўқувчи-ёшларни таълим тизимининг кейинги босқичи — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига жалб қилиш борасидаги ишлар қизғин тус олган. Бу борада пойтахтимиз ЎМКҲТ муассасаларида махсус ташкил этилган ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича маслаҳат (консультатив) гуруҳларининг фаолияти диққатга сазовордир. Бундай гуруҳлар "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ЎМКҲТ муассасаларига қамраб олиш ва 2003 йилдан бошлаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилиш жараёнида ўқувчи-ёшларнинг тўғри ва самарали касбий ёндошишини таъминлаш бўйича Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳамда ЎМКҲТ бошқармасининг қўшма буйруқларига асосан айни кунда пойтахтимиздаги барча ЎМКҲТ муассасаларида ташкил этилган.

Яқинда пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар коллежида бўлиб, бу ердаги маслаҳат гуруҳи иш фаолияти билан яқиндан танишдик. Ташриф буюрган кунимиз коллежнинг "Очиқ эшиклар куни"га тўғри келиб, бу ҳам мақсад-муаммомизни ойдинлаштиришга ёрдам берди.

— Маслаҳат гуруҳи фаолиятини юқори даражада таъминлаш, ўқувчиларнинг бўлажак касбларга лаёқатларини аниқлаш ва зарур тавсиялар берилишини ташкил этиш ҳамда 9-синф битирувчилари ва уларнинг ота-оналари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга маънавият ва маърифат ҳамда касбга йўналтириш, ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича раҳбар муовинлари, бўлим бошлиқлари ҳамда кафедра мудирлари, тажрибали педагоглар жалб қилинди, — дейди коллеж раҳбари, техника фанлари доктори, профессор А.Эминов. — Коллежимизда маслаҳат гуруҳи учун махсус хоналар ажратилган бўлиб, бу ерда таълим муассасаси ҳақида сўз юритувчи альбом-буклетлар, стендлар, тайёрлов йўналишлари, қабул ҳақидаги Низомдан кўчирма, 2002 йил битирувчиларининг ҳозирги кунда ўз мутахассислиги бўйича ишлаётганлиги ҳақидаги ахборотлар мавжуд.

Дарҳақиқат, коллеж раҳбари сўзларига қўшимча равишда шуни таъкидламоқчимизки, бу ерда педагогик кенгашнинг қарорига мувофиқ доимий ҳаракатдаги қабул ҳайъати ва касбга йўналтириш маркази фаолият кўрсатмоқда.

Коллеждаги ушбу марказ ишига умумий раҳбарлик қилиш ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Любовь Корташовага юклатилган, касбга йўналтириш ишларини мувофиқлаштиришга эса тажрибали педагог Хурсаной Исломхўжаева масъулдир.

— Бугун коллежимизда иккинчи бор "Очиқ эшиклар куни" ўтказилмоқда, — дейди Хурсаной Исломхўжаева. — Бундан бир ой илгари ана шундай тадбирда иштирок этган 9-синф битирувчилари, уларнинг устозлари ва ота-оналарини катта мажлислар залида тўплаб, коллеж ҳаёти, бу ерда тайёрланаётган мутахассисликлар ҳақида батафсил маълумотлар берган эдик. Бугун эса илм масканимизга келувчилар учун эшикларимиз кун давомида очиқдир. Кувончли томони, бугундан бошлаб коллежда ўқишни истовчилардан илк аризалар туша бошлади. Ўйлайманки, ўқувчи-ёшларни муайян бир касбга қизиқтириш борасида коллеж устозлари билан бир қаторда мактаб ўқитувчилари, синф раҳбарлари, ота-оналар ва маҳалла фаолларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари ўзининг ижобий натижаларини беради.

Шу ўринда алоҳида айтиб ўтиш жоиз, мазкур коллежнинг деярли барча ўқитувчилари, муҳандис-педагоглари пойтахтимиз туманларидаги мактабларга бириктирилган. Коллеж директори А.Эминовнинг хати билан ўқитувчилар маълум бир туман мактабларига касбга йўналтириш ишларини олиб бориш учун мунтазам равишда юборилиб турилади. Касбга йўналтириш марказида эса туманлар бўйича мактаблар дислокацияси, уларнинг манзиллари, раҳбарлари исми-шарифи, телефон рақамлари, бу йил нечта битирувчи синф ўқувчилари мавжудлиги хусусида маълумотлар банки йиғилган.

Гулноз Ҳасанова, коллежнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси:

— Мен касбга йўналтириш ишлари бўйича дастлаб А.Икромов туманидаги 4-, 14-, 44-мактабларда бўлдим. Сўнг Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги 32-, 39-, 40-мактабларига бордим. Биласизми, коллежимизда тайёрланаётган касблар шаҳар мактабларига қараганда қишлоқ мактаблари битирувчиларида катта қизиқиш уйғотди. Мазкур мактаблар жойлашган "Маданият" жамоа хўжалиги кенг тармоқли бўлганлиги учун бу ердаги ёшлар асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш, виночилик технологиялари ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишларини танлашмоқда.

Ҳилола Азимова, ўқув ишлаб чиқариш бўйича уста:

— Мен ҳам ана шу мақсадда Собир Раҳимов туманидаги 24-мактабда бўлиб, у ерда мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича муовини М.Расулова билан ҳамкорликда бевосита мажлислар залида бир вақтнинг ўзида 100 нафар 9-синф битирувчилари билан мулоқот ўтказдик. М.Улуғбек тумани 248-мактабда эса мактаб раҳбари Зоҳида Алматова мактабдаги 9-синф раҳбарларидан ҳар бирини қабулига таклиф этиб, менинг ўқувчилар билан суҳбат ўтказишимни ташкиллаштириб бердилар.

Шу куни "Очиқ эшиклар куни"га ташриф буюрган бир гуруҳ мактаб битирувчиларини суҳбатга чорладик.

— Менинг онам бухгалтер бўлиб ишлайди, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 308-мактабнинг битирувчиси Маржона Турсунова, — шу сабаб, мен ҳам ушбу коллежнинг ҳисобчи-бухгалтер йўналишини танлаяпман.

— Бунга яна бир сабаб, — дея суҳбатга қўшилади унинг дугонаси Динара Тўхтаматова, — коллежнинг мактабимизга, яшаш жойимизга жуда яқинлигидир. Ота-онам ва мен ҳеч иккиланмасдан ушбу коллежни танладик.

— Менинг қандолат, нон ва макарон ишлаб чиқариш технологияси йўналишини танлашимга эса ота-онамнинг шу соҳада хусусий фирма очиш ниятлари туртки бермоқда, — дейди 121-мактаб битирувчиси Дилором Машарипова. — Келгусида ўзимизнинг оилавий бизнесимизга мен ҳам малакали технолог-мутахассис сифатида яқиндан ёрдам бермоқчиман.

— Мактабимиз кўпроқ ижтимоий фанларга йўналтирилганлигига қарамасдан, — дейди 121-мактаб ўқитувчилари Арофат Тўйчиева ва Дилдора Собировалар, — битирувчиларимиз орасидан ушбу коллежни танлаётган ёшлар оз эмас. Бунга уларнинг қизиқишлари, ота-оналари маслаҳатлари, ўзларидан катта акаопалари ёхуд мактабдош, маҳалладош дўстлари сабаб бўлишмоқда. Қолаверса, мактабда касбга йўналтириш ишларининг мунтазам равишда олиб борилиши ҳам яхши самара бермоқда.

Нурлан УСМОНОВ, "Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Kasbga yo'naltirish

МУАЛЛИМЛАРНИНГ МАҲОРАТ МАКТАБИ

Муаллимларнинг вилоят миқёсидаги бу галги танлови Шеробод туманида ўтказилди. Туман маданият саройида бўлиб ўтган танловда муаллимлар ўз касбини улуғлаш, мураккаб педагогик ва психологик вазиятларда одилона ва оқилона йўл тутиши, бўш вақтдан самарали фойдаланиш бўйича маҳоратларини намойиш этиши ва 25 балл жамғаришлари керак эди.

Дастлаб иштирокчилар 1-мактабда тест синовидан ўтишгач, бир соатлик ноанъанавий дарс жараёнини кўрсатиб беришди. Тест саволлари унчалик мураккаб бўлмаган 25 саволдан иборат бўлиб, ҳар бир саволга бир баллдан баҳо қўйилди. Танлов жараёнида ўқитувчилар томонидан тўпланган энг юқори балл 22, энг паст жамғарилган балл эса 8 ни ташкил этди. Ваҳоланки, ўқитувчилар йиғиши мумкин бўлган умумий баҳо меъёри 30 баллни ташкил этарди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳужжат сифатига 10, видеотасвирга 10 баллик тизим асосида баҳо қўйишди.

Барча чиқишлардан сўнг ғолиб номи аниқ бўлди. Яъни Денов туманидаги 80-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилбар Сафарова ғолиб деб топилди. Энди у Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган республика босқичи кўрик-танловида Сурхондарё вилояти шарафини ҳимоя қилади.

Н.ТЎРАЕВ

x x x

Қашқадарё вилоятининг шаҳар ва туман ХТБларида биринчи ўринни қўлга киритишган ўн олти нафар муаллим яқинда Ғузор туманидаги 1-ўрта мактабда вилоят босқичида ғолиблик учун ўзаро беллашишди. Кўрик-танлов иштирокчилари ўз шахсини таништириш, нотаниш синфларда дарс ўтиш, компьютер саводхонлиги, муаммоли вазиятдан чиқиш, "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанидан ҳамда мутахассисликлари бўйича тест топшириқларини ечиш, бўш вақтдан самарали фойдаланиш каби шартларни бажариш бобида ўз маҳорат ва малакаларини намойиш этдилар.

— "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловимиз бу йил олдинги йиллардагиларига қараганда қизиқарли, баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтди, — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, вилоят халқ таълими Бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Жомурод Жиловов. — Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир иштирокчининг дарсларда янги педагогик технология ва ноанъанавий услублар ҳамда кўргазмалиликдан қандай фойдаланаётганлигига, шунингдек, муаллимнинг ўқувчилар фаоллигини оширишга қаратилган тадбир ва воситалардан қанчалик моҳирлик билан фойдаланаётганлигига эътибор қаратдилар.

Кўрик-танлов якунида ҳакамлар ҳайъати хулосаси эълон қилинди. Унга кўра, Қарши шаҳридаги 12-мактабнинг инглиз тили фани муаллимаси Фароғат Маматова кўрик-танлов ғолиби деб топилди. Ғузор туманидаги 50-мактабнинг француз тили фани муаллимаси Дилбар Бекжонова иккинчи ва Шаҳрисабз туманидаги 30-мактабнинг она тили ва адабиёти фани муаллимаси Наргиза Ўроқова учинчи ўринни эгалладилар.

Ғолиблар ва кўрик-танловнинг барча иштирокчилари вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқлари, вилоят ўқув таълим-таъминот корхонаси, вилоят фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси, Ғузор тумани ҳокимлиги ва туман ХТБ томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Абдували ОБИДДИН, махсус мухбиримиз

Yil o'qituvchisi — 2003

ҚИЗИҚАРЛИ ВА ЖОЗИБАЛИ БЕЛЛАШУВ

Самарқанд вилоятнинг ўқувчи-ёшлар ижодиёт саройида «Йил ўқитувчиси — 2003» беллашувининг вилоят босқичи ўтказилади. Кўрик-танловда вилоятнинг Нарпай, Пахтачи, Паст Дарғом, Ургут, Жомбой, Самарқанд, Тойлоқ, Каттақўрғон, Оқдарё, Пайариқ, Темирйўл туманлари ва Каттақўрғон шаҳридан ўз туманларида ғолибликни қўлга киритган вакиллар танловнинг Республика босқичида иштирок этиш учун ўз билимларини яна бир бор чиғирикдан ўтказдилар.

Вилоят мактабларида турли фанлардан сабоқ бераётган ўқитувчилар танловнинг «Билимдонлик баҳси», «Тезкор топқирлик», «Педагогик-вазият», «Касб-ҳимояси» ва «Менинг қизиқарли дунём» шартлари бўйича ўзларининг билим ва истеъдодларини намойиш этишди.

Танловнинг биринчи босқичида, дастлабки икки шарт бўйича энг кўп балл тўплаган 7 нафар ўқитувчи танлов охирига қадар беллашиб, билимда ҳам, маҳоратда ҳам катта тажрибага эга эканликларини кўрсата билдилар.

Танловда ҳамкасбларига нисбатан энг кўп балл тўплаган Каттақўрғон шаҳридаги 6-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Зулфия Шарафиддинова I-ўринни, Паст Дарғом туманидаги 13-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Нодира Каримова II-ўринни, Темирйўл туманидаги 48-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Муҳаббат Ибатхонова эса III-ўринни эгаллади.

Кўрик-танловнинг барча иштирокчилари ва ғолиблари вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда, «Маърифатпарварлар» жамияти вилоят бўлимининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

Н.ШЕРБОЕВА

МАҲАЛЛА — ТАЪТИЛДА МАКТАБ

Бугунги кунда фуқаролик жамияти асосларини қарор топтириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, келажак авлодни баркамол инсонлар сифатида вояга етказиш каби умуммиллий вазифаларни ҳал қилишда ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб бўғини, ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган маҳалланинг муносиб ўрни бор. Шу боис юртимизда маҳаллаларни ривожлантириш, уларнинг мақоми ва нуфузини янада оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. 2003 йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши ҳамда шу асосда "Обод маҳалла йили" дастурининг ишлаб чиқилиши фикримиз далилидир.

Юртимизда халқимизнинг, айниқса, ёшлар, болаларнинг жисмоний бақувват, руҳан тетик бўлиши учун жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллани ҳақиқий тарбия ва инсоний муносабатлар ўчоғига айлантириш учун, ҳар бир маҳаллада ёшларни спорт ва маданий тадбирларга жалб қилиш бўйича педагог-тарбиячи лавозимларининг жорий этилгани айни муддао бўлди. Бугунги кунда маҳаллалар спорт ва бошқа соғломлаштириш тадбирларини ташкил этувчи ва ўтказувчи обод масканларга айланмоғи керак.

Жойлардаги маҳаллалар ишини кузатганимизда, пойтахтимизнинг С.Раҳимов туманидаги "Ачаобод" маҳалласида олиб борилаётган ибратли ишларнинг гувоҳи бўлдик. Педагог-тарбиячи томонидан маҳаллада қатор ишлар амалга оширилган. Маҳалла ҳудудида яшайдиган болаларнинг ўқиш жойлари аниқланган, улар ўқийдиган мактаб ва коллежлар билан ҳамкорликда иш режалар тузилган. Тарбия бутун жамоатчилик иши, бундан ташқари ота-боболаримиз "Бир болага етти маҳалла ота-она" деб бежиз айтишмаган. Ўғил ёки қиз вояга етар экан, унинг хулқ-атвори аввало ўзи яшаётган жой, ёнатрофдагилар таъсири билан шаклланиб боради. Шу боис маҳалла, жамоатчилик, мактаб ва милиция идоралари келажак авлод тарбиясини бирга олиб боришгандагина ҳар томонлама етук, баркамол ёшларни вояга етказиш мумкин бўлади.

— "Маълумки, "Обод маҳалла йили" муносабати билан маҳаллаларга кенг имконият берилмоқда. Агар шу имкониятлардан бола тарбиясига, унинг бўш вақтини тўғри ташкил қилишда маҳалламизда қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди маҳалла оқсоқоли Хайрулла ака Ҳикматов. — Маҳалламизга яқин жойда жойлашган қурилиш касб-ҳунар коллежи ҳамда туман мудофага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти билан ҳамкорликда болаларни соғломлаштириш мақсадида стол тенниси, сузиш, тир (ўқ отиш) тўгараклари ташкил қилинди. Ҳозирги кунда бу тўгаракларга маҳалламизнинг 40 нафарга яқин болалари қатнашмоқда."

Ҳақиқатдан ҳам маҳалла идораси олдида одамлар гавжум. Илгарилари маҳаллага турар жойлардан маълумот олиш, тўй ва маъракалар ўтказиш бўйича маслаҳатлар сўраб чиқилган бўлса, ҳозирги кунда эса маҳалланинг аралашуви орқали кўпгина ишлар ҳал қилинмоқда. Жумладан, ёшларни ишга жойлаш, қизларни қисқа муддатли ўқув курсларга жалб қилиш ишлари, муаммоли вазиятлар юзага келганда уларга керакли маслаҳатларни бериш ва ҳакозолар. Айниқса, ёшларнинг маҳаллага жалб қилиниши эътиборга лойиқдир. Маҳаллада олиб борилаётган тадбирлар, суҳбатлар, учрашувлар самарасидан бўлса керак, вояга етмаган болалар орасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳолатлари қайд этилмаган.

Шу кунларда маҳаллада яшайдиган болаларнинг қанчаси ёзги таътил вақтида уй шароитида дам олаётгани мактаб ҳамкорлигида аниқланиб, маҳаллада 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 476 нафар болалардан таътилнинг 1-ойида 400 нафар, 2-ойида 230 нафар, 3-ойида 350 нафари уйда дам олиши маълум бўлди. Уларнинг барчасини оромгоҳларга жалб этиш имкони бўлмаганини инобатга олиб, уйда дам олаётган фарзандларимизга ҳам эътибор қаратилмоқда. Ҳудуддаги педагоглар ҳамда қўшимча таълим муассасалари билан ҳамкорликда маҳалла ҳудудида тўгараклар ташкил қилишни, спорт мусобақаларини ўтказиш, туман ички ишлар ходимлари, маънавият маркази ходимлари билан суҳбатлар ўтказиш, шаҳримизнинг сўлим масканларига, музей ва бошқа зиёратгоҳ жойларга экскурсиялар уюштириш режалаштирилган.

— Шунингдек, поликлиникалар билан тузилган иш режаларимиз асосида болаларни тиббий кўрикдан ўтказишни ҳам унутмадик, — дейди педагог-тарбиячи Ниғматжон Эргашев.

Болажонларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларга қувноқ кайфият бахшида этиш мақсадида олиб бораётган маҳалла фаолларининг ишини кузатиб, кўзинг қувнайди. Юртимиздаги жами эзгу ишлар дилбандларимизнинг самимий нигоҳларига аталган.

Ф.ХОЛМИРЗАЕВА, Республика Таълим маркази Бош методисти

«2003 — Obod mahalla yili»

ЯНГИЧА УСУЛДАГИ ТРЕНИНГЛАР

Malaka oshirish

Ўзбекистон Очиқ жамият институти — Сорос қўмак жамғармасининг бевосита қўмагида "Альфа ва Омега" нодавлат ва нотижорат ташкилоти ҳамда Тошкент вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарияти ўзаро ҳамкорликда "Мактабда услубий хизматни такомиллаштириш" мавзусида амалий семинар-тренинг ўтказиб, унда Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли туман ва шаҳар ХТБлари тасарруфидаги услубиёт хоналари мудирлари, мазкур институт бўлим бошлиқлари ва ўқитувчилари иштирок этдилар.

— Ушбу семинар-тренинг бугунги кунда жудаям муҳим бўлган ўқитишнинг энг янги технологиялари, ноанъанавий усул-услублар асосида ташкил қилинди, — дейди Сорос жамғармаси халқаро тренерларидан бири, Янгийўл шаҳридаги 16-мактаб раҳбари Муҳаббат Алимова. — Булар сирасига "Мактабда методик хизмат", "Самарали мактаб таърифи", "Ўзгаришлар назарияси", "Бошқарув маданияти", "Педагогик технологиялар", "Методик хизматнинг узвийлиги", "Интерфаол методлар", "Ўзгаришларни қабул қилиш услублари", "Бошқарув услублари" мавзуларида ўтказилган амалий машғулотлар, психологик тренингларни киритсак бўлади...

Шу ўринда таъкидламоқ жоизки, Сорос жамғармаси пойтахтимиздаги А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ билан ҳам мустаҳкам алоқа боғлаган. Деярли ҳар ойда мазкур институтга республикамизнинг барча вилоятларидан малака оширишга келган мактаб раҳбар ходимлари учун "Мактабни самарали бошқариш", "Мактаб фаолиятини мукаммаллаштириш" мавзуларида уч ва беш кунлик семинарларнинг ташкил этилишида ҳам Сорос жамғармаси алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Бундай семинарларда тингловчиларга "Мактаб имиджи", "Мактабларнинг 5 тури", "Коммуникациялар ривожланиши", "Мақсад мезонлари", "Мактаб тараққиётини режалаштириш", "Мактаб менежменти", "Ўз-ўзини баҳолаш", "Раҳбар маданияти" каби мавзулар кенг ёритилмоқда.

Тошкент вилояти ПҚТМОИда мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган семинар-тренингларда Сорос жамғармаси томонидан халқаро тренер номини олган Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицей ўқитувчиси Умар Зиёев, пойтахтимиздаги 103-гимназия ўқитувчиси М.Исҳоқова, А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ўқитувчиси М.Расулова, Самарқанд шаҳридаги 52-мактаб раҳбари Қ.Мажитов ҳамда Янгийўл шаҳри 16-мактаб директори М.Алимовалар ўтказган амалий машғулотлар, тадбиркорлик ўйинлари, қизиқарли тренинглар тингловчиларга ҳар томонлама манзур бўлмоқда.

— Зеро, ана шундай қисқа муддатли тренинглар давомида малака ошираётган ўқитувчи ёки раҳбар ходим маъруза эшитаётган оддий тингловчигина бўлиб қолмай, балки фаол иштирокчига айланиб улгуришаяпти , — дейди Тошкент вилоят ПХҚТМОИ ректори Эркин Сатторов. — Институтимизда замонавий педагогиканинг энг сўнгги янгиликларини тарғиб қилиш, ўқитувчиларнинг янги педагогик технологиялар асосида малакаларини оширишда жудаям қўл келаётган Сорос жамғармаси каби хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга ҳамиша тайёрмиз.

Ушбу тадбир якунида тингловчиларнинг ҳар бири махсус сертификатларга эга бўлиш билан бирга "Моҳир тақдимотчи", "Ажойиб ташкилотчи", "Гуруҳ оқили", "Энг ижодкор тингловчи" каби кўплаб номинацияларга ҳам сазовор бўлишди.

МУХБИРИМИЗ

ҚЎШМА МАГИСТРАТУРА

Самарқанд давлат университетининг хорижий илмий муассасалар, ўқув юртлари билан тузган илмий педагогик ҳамкорлик шартномалари сони қирқтадан ошди. Университет ректорати кейинги пайтларда хорижий алоқаларни узоқ муддатли истиқболли режалар, устувор йўналишга оид мавзулар асосида ташкил қилиш лозимлигини сезди.

Италиянинг Болония университети билан бошланган ҳамкорлик натижаси ўлароқ 2001 йилда маданий ва маънавий қадриятлар, ёдгорликларни сақлаш ва қайта тиклаш факультети шу соҳада мутахассислар тайёрловчи Европадаги биринчи даргоҳ бўлиб, бой тажриба тўплаган, донғи кетган олимпрофессорлар фаолият кўрсатишади.

Ўтган йили қўшма магистратурага археология, музейшунослик, манбашунослик мутахассисликлари бўйича дастлабки тингловчилар қабул қилинди. Ушбу ихтисосликлар ўқув режалари Самарқанд ва Болония университетлари қўшма комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқ учун тақдим қилинган. Режага биноан, магистрантлар ўз соҳаларига оид маърузалар тинглаб, амалиётга киришиб, тадқиқот олиб борадилар. Маърузаларнинг катта қисми Равенна шаҳрида жойлашган маданий бойликларни сақлаш ва қайта тиклаш факультети шу соҳада мутахассислар тайёрловчи Европадаги биринчи даргоҳ бўлиб, бой тажриба тўплаган, донғи кетган олимпрофессорлар фаолият кўрсатишади.

Ўтган йили қўшма магистратурага археология, музейшунослик, манбашунослик мутахассисликлари бўйича дастлабки тингловчилар хорижий профессорлар томонидан ўқилади ва ушбу профессорлар нафақат Италиядан, балки бошқа мамлакатлардан ҳам таклиф қилинади. Ҳозирги кунда италиялик ўқитувчи итальян тилидан сабоқ бермоқда. Испаниялик мутахассис Монте Матана маданий антропология мавзуларига оид махсус семинар ўтказмоқда. Апрель-май ойларида Болония университетидан профессорлар А.Панино, М.Този ва бошқалар ташриф буюришди. Улар археологик тадқиқотларда ахборот технологияларининг қўлланишига оид маърузалар ўқишди.

Хуллас, таълим жараёни ҳақиқий байналмилал руҳда. Бундан ташқари, магистратура талабалари хорижда стажировка ўтиш, қўшма амалиёт экспедицияларига қатнашиш имконига эгадирлар. Европанинг иккита (инглиз ва итальян) тилини ўрганаётган магистрантлардан ўз диссертацияларини инглиз ёки итальян тилида тайёрлаш, уни қўшма ҳайъат ҳузурида ҳимоя қилиш талаб қилинади. Чунки, шартномада магистратура битирувчиларига Самарқанд ва Болония университетлари қўшма дипломини топшириш мўлжалланган.

Болония университети билан тузилган кенг қамровли шартнома — илмий-амалий, алмашинувнинг турли тамойилларини ўз ичига олади. 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб, университет билан тузилган шартнома асосида "Маънавий-маданий ёдгорликларни сақлаш" ихтисослиги бўйича магистратура таълими ҳужжатлари расмийлаштирилди. Болония университетида Осиё ва Африка институтлари билан ҳамкорликда археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда ҳамда 2002 йил сентябрь ойида "Самарқанд: кеча, бугун, эртага" мавзуида халқаро кўргазма уюштирилди. Ушбу кўргазманинг итальянча варианти шу йилнинг 20 июнида Болония ояда очилиши кутилмоқда.

Х.ТЎЙМАНОВА

Xalqaro hamkorlik

Avloniy singari ma'rifat fidoyilarining yangi maktablarni tashkil etishi, xalq ta'limi tizimida jiddiy islohotlarni amalga oshirishi oson kechmadi.

Xabermas nazdida, germenevtika "yolg'on ong"ni tanqid qilishda kommunikatsiya shaklini buzishga qarshi qaratilgan quroldir.

Fanimiz fidoyilari

СЎЗ СЕҲРИНИНГ ШАЙДОСИ

Ўз илмий даҳосининг мислсиз қуввати билан жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк ўзбек олимларининг издошлари бугунги кунда ҳам фаннинг турли соҳаларида самарали ижод қилмоқдалар. Ана шундай ҳассос олимларимиздан бири, ўзбек филологияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўйрик тилшунос, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси (1974), Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1973), филология фанлари доктори (1963), профессор (1976), зҳматкаш тадқиқотчи, бағрикенг ва фидойи инсон Шоназар Шоабдураҳмоновдир.

Талабалик йилларидаёқ ўзбек тилининг ранго-ранг сўзлар оламига шайдо бўлган Ш.Шоабдураҳмонов институтни имтиёзли диплом билан битиргач, ўз билимини ошириш ва илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиш мақсадида 1944-48 йилларда ЎзРФА Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасида таҳсил олди.

У бадиий асар тилининг лисоний хусусиятларини тадқиқ этишга қизиқар, шу боис кўпинча ўзбек адибларининг сўздан фойдаланишдаги ўзига хос маҳоратини таҳлил қилар эди. 1948 йилда бўлажак олимнинг илк илмий мақоласи "Пўлат қуювчи" поэмасининг тили ҳақида" номи билан чоп эттирилди. Шоназар ака аспирантурада ўқиб юрганида атоқли халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуаридаги халқ достонларининг тилини ўрганиш асосида халқ тилининг эпик санъат тараққиётида тутган ўрнини белгилаш борасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борди. Натижада 1949 йилда "Равшан" достони тилининг бадиий хусусиятлари" мавзуидаги номзодлик ишини ёқлади.

Ш.Шоабдураҳмоновнинг шундан кейинги бутун илмий фаолияти ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти билан чамбарчас боғлиқ бўлди. У 1949-51 йилларда шу институтнинг Ўзбек тили секторида кичик илмий ходим, 1951-54 йилларда катта илмий ходим, 1954-98 йилларда Ўзбек диалектологияси бўлимининг мудири лавозимларида хизмат қилиб, ўзбек халқ шеваларининг ўзига хос тил хусусиятлари юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борди. 1963 йилда "Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари" мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1967 йилда унга профессор илмий унвони берилди. 1974 йилда эса тилшунослар орасида биринчи бўлиб ЎзР ФА академиги этиб сайланди.

Ш.Шоабдураҳмонов нафақат етук тилшунос олим, балки истеъдодли фан ташкилотчиси сифатида ҳам Ўзбекистонда филология илмининг тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Ш.Шоабдураҳмоновнинг илмий фаолиятида халқ достонларининг тилини тадқиқ этиш алоҳида ўрин тутади. У "Равшан" достонининг тил хусусиятларини ўрганиш асосида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг халқ тили лексик бойлигидан фойдаланишдаги ўзига хос бадиий маҳоратини очиб берди. Олимнинг "Равшан" достонидаги бадиий фонетика элементлари, (1967), "Эргаш Жуманбулбул достонларида бадиий тасвир ва ифода" (1970), "Эргаш Жуманбулбулнинг "Равшан" достонининг тили ҳақида" (1971), "Халқ донолиги" (1978) каби мақолаларида ўзбек фольклори тилининг поэтик табиатига доир муҳим назарий қарашлар ифода этилган.

Ш.Шоабдураҳмонов ўзбек орфографияси ва ёзув қоидаларини мукаммаллаштириш борасида тинимсиз илмий изланишлар олиб борган фидойи олим. Унинг ҳамкорликда яратган "Орфографик машқлар тўплами" (1949-56) "Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари" (1952-56, ҳамк.) китоблари бир неча марта нашр этилган (1949-56).

Маълумки, ўзбек тилининг шевалари ўзига хос фонетик хусусиятлари ва сўз бойлиги билан туркий тиллар орасида алоҳида мавқега эга. Шунинг учун ҳам диалектология ўзбек тилшунослигининг ниҳоятда қийин ва мураккаб йўналишларидан бири ҳисобланади. Ана шу шеваларни таснифлаш, уларнинг шаклланиш тарихи ва ҳар бир лаҳжага хос бўлган лисоний ҳодисаларни қиёсий тадқиқ этиш, шеваларнинг адабий тил тараққиётида тутган ўрнини кўрсатиб бериш тилшуносдан чуқур назарий билим ва илмий интуицияни талаб қилади. Ш.Шоабдураҳмонов бу оғир ва айни пайтда олимга катта илмий шараф келтирадиган нодир манбани ўрганишга бел боғлаб, катта ютуқларга эриша олган жасур тадқиқотчидир. У XX асрнинг 50-йилларидан эътиборан ўзбек шевалари ва диалектлари бўйича материаллар тўплаб, тавсифлаш ва илмий тадқиқ этиш билан изчил шуғуллана бошлади. "Кўқон шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари" (1957), "Ўзбек шеваларининг лексик составини ўрганиш муаммолари" (1958), "Шаҳар шевалари лексикасидан" (1960), "Таянч шевалар лексикасидан" (1962), "Таянч шаҳар шеваларининг фонетик системаси" (1963), "Ўзбек шаҳар шеваларининг классификацияси" (1965), "Тошкент шевасининг баъзи бир хусусиятлари" (1966), "Лексик дублетлар ва уларнинг адабий тилда нормасини белгилаш" (1963), "Ўзбек тилининг диалектологик атласи" (1969) каби мақола ва "Ўзбек диалектологияси"(1959, ҳамк.), "Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари (1962), "Карлукское наречие узбекского языка" (1983) сингари китобларда ўзбек тилининг диалектал асослари, ўзбек халқининг этногенезиси ва ўзбек адабий тилининг шаклланиш тарихи, халқ шевалари ва диалектларининг туркий ҳамда туркий бўлмаган халқлар тилига муносабати, диалектал фонетика ва лексикология масалалари атрофлича ёритилган. Етук диалектолог олим ўз тадқиқотларида ўзбек халқ шеваларини биринчи марта яхлит ҳолда ўрганиб, тасниф қилди. Ўзбек шеваларини муайян типларга ажратиб, ҳар бир типга хос орфоэпик, морфологик ва лексик хусусиятларни аниқлади. Уларнинг ўзбек адабий тилининг шаклланишида тутган ўрнини белгилаб берди.

Беш жилдлик "Русча-ўзбекча луғат"нинг III, IV, V жилдларини таҳрир қилиб, ўзбек лексикографияси тараққиётига катта ҳисса қўшган Ш.Шоабдураҳмонов ҳозирги ўзбек адабий тили фонетикаси, морфологияси ва лексикасига оид йирик илмий тадқиқотларнинг ҳам муаллифидир.

Олим кейинги йилларда "Ўзбек тилининг этимологик луғати"ни яратиш устида тинимсиз меҳнат қилди ва ўз изланишларининг дастлабки натижаларини "Ўзбек тили ва адабиёти" журналининг "Этимология" рукнида чоп этилган қатор мақолаларида илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилди.

Ш.Шоабдураҳмонов меҳрибон ва талабчан устоз сифатида мамлакатимизга малакали тилшунос мутахассислар тайёрлаб беришдек эзгу ишга ҳам муносиб ҳисса қўшди. Унинг бевосита раҳбарлиги остида йигирмага яқин ёш олим ўзининг номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Устоз олим 18 та докторлик, етмишга яқин номзодлик ишларининг ҳимоясида расмий оппонент сифатида иштирок этиб, илмий тадқиқотларга ҳалол ва принципиал баҳо берди. Унинг ўзбек диалектологияси, орфография ва пунктуация, ҳозирги ўзбек адабий тили бўйича ёзган дарслик ва ўқув қўлланмалари узоқ йиллар мобайнида мамлакатимиз олий ўқув юртлари филология факультети талабаларининг асосий адабиётлари сирасидан ўрин олиб келди.

Шоназар Шоабдураҳмоновнинг қалби ҳозирги кунда ҳам улкан илмий орзулар билан тўла. Биз ўзбек филологиясининг отахон тадқиқотчиларидан бири ҳисобланган муҳтарам домлани муборак ёшлари билан қутлар эканмиз, у кишига мустаҳкам соғлик тилаб қоламиз.

Тўра МИРЗАЕВ,
Маматқул ЖЎРАЕВ

КИТОБ — МАЪНАВИЙ БОЙЛИК

Ta'kid

Атоқли адиб Тоғай Муроднинг бир гапи бор: «Ўғил-қизларимиз қалбан етук, маънавий баркамол бўлиб вояга етсин десангиз, бадиий китоб ўқитинг».

Бу сўзларнинг нечоғли тўғри эканлигига айрим ёшларни кузатиб туриб амин бўлдим. Сир эмаски, бугунги кунда бадиий китоб кўтариб юрган ўқувчиларни онда-сонда учратамиз. Бу жараён эса қишлоқ ёшлари орасида янада яққолроқ сезилади.

Шу боис ҳам қишлоқ мактабида ўқувчиларга она тили ва адабиётдан дарс бериш жараёнида ўқитувчи анча қийинчиликларга дуч келаяпти. Маълумки, адабиёт фани тўла-тўкис бирор бадиий асар мазмунини ўзлаштириш асосида ўтилади. Ўқувчилар эса кўпинча айнан ўша қисса ёки романларни ўқимаган чиқишади. Шундай бўлгач, улар дарсда қандай жавоб берсин?

Ўқувчиларнинг аҳволини кўриб изтиробга тушаман гоҳида. Наҳотки, аҳвол шундайлигича давом этаверса!?

Ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари — «Ўтган кунлар», «Қутлуғ қон», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Асрга татигулик кун», «Ёлғизликнинг юз йили», «Уста ва Маргарита» каби романларни мутолаа қилган ўқувчилар ўнтадан битта. Ўқиганлари ҳам асарнинг мағзи, моҳиятини тўла англаб етмаган бўлади.

Ахир, инсон маънавий ва руҳий оламининг ривожланишида, дунёқарашининг кенгайишида китоб энг муҳим восита-ку! Ёки биз қишлоқ ўғил-қизларини хўжалик ишлари билан кўпроқ банд қилиб қўймоқдамизми? Ёинки, экранга чиқаётган турли хориж телесериаллари, жангари фильмлари ром қилганми уларни? Бунинг устига-устак кўпчилик қишлоқ кутубхоналари ишламай қолаётганлиги, янги ўзбек алифбосидаги китоб заҳирасининг ночорлиги ҳам бир сабаб. Бизнингча, ахтарсак сабаб кўп. Бироқ нима бўлишидан қатъий назар ўғил-қизларимиз бадиий китоб ўқишларини йўлга қўйишимиз зарур. Айни кунда битирувчи синф ўқувчилари қадрдон мактабларига кўплаб китоблар совға қилишаётир. Алалхусус, биз устозлар ҳам бу жараёнда фаоллик кўрсатиб, шогирдларимизга камарбаста бўлсак, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ,
Жомбой туманидаги
15-ўрта мактаб ўқитувчиси

ГЕРМЕНЕВТИКА — ИЖТИМОИЙ — ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ

Tadqiqot

Ҳозирги тезкор замонда бироз ўзгаришга учраётган герменевтика қоидалари нафақат Ғарб фалсафий тафаккурида, балки Шарқ тафсир илмида ҳам қўлланилади. Фақатгина тилга оид бўлиб қолмаган бу фалсафий истилоҳ юнонча "гермес" (юнон афсоналарида худолар ва оддий фуқаролар ўртасидаги алоқачи Гермес) сўзидан олинган. Герменевтика — тушунтириш, таҳлил қилиш, талқин этиш санъати. Ўрта асрларда герменевтика теология илоҳиётшунослик билан боғлиқ бўлган ва бу табиий эди. Чунки, бизда ҳам Қуръони карим ва Ҳадиси шариф тафсирлари шартли равишда ўзига хос Шарқ герменевтикасидир. Фақат матнга (нарса ва ҳодисага) ёндашувда, яъни, тушунтириш, таҳлил этишда бизнинг олимлар иррационалистик йўлдан борганлар. Герменевтика XIX асрда вужудга келди ва таҳлил қилишнинг умумий назарияси сифатида Ф.Шлейермахер, Дильтей томонидан гуманитар билишнинг методологик асоси сифатида майда ёки романларни ўқимаган чиқишади. Шундай бўлгач, улар дарсда қандай жавоб берсин?

Ўқувчиларнинг аҳволини кўриб изтиробга тушаман гоҳида. Наҳотки, аҳвол шундайлигича давом этаверса!?

Ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари — «Ўтган кунлар», «Қутлуғ қон», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Асрга татигулик кун», «Ёлғизликнинг юз йили», «Уста ва Маргарита» каби романларни мутолаа қилган ўқувчилар ўнтадан битта. Ўқиганлари ҳам асарнинг мағзи, моҳиятини тўла англаб етмаган бўлади.

Ахир, инсон маънавий ва руҳий оламининг ривожланишида, дунёқарашининг кенгайишида китоб энг муҳим восита-ку! Ёки биз қишлоқ ўғил-қизларини хўжалик ишлари билан кўпроқ банд қилиб қўймоқдамизми? Ёинки, экранга чиқаётган турли хориж телесериаллари, жангари фильмлари ром қилганми уларни? Бунинг устига-устак кўпчилик қишлоқ кутубхоналари ишламай қолаётганлиги, янги ўзбек алифбосидаги китоб заҳирасининг ночорлиги ҳам бир сабаб. Бизнингча, ахтарсак сабаб кўп. Бироқ нима бўлишидан қатъий назар ўғил-қизларимиз бадиий китоб ўқишларини йўлга қўйишимиз зарур. Айни кунда битирувчи синф ўқувчилари қадрдон мактабларига кўплаб китоблар совға қилишаётир. Алалхусус, биз устозлар ҳам бу жараёнда фаоллик кўрсатиб, шогирдларимизга камарбаста бўлсак, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Ўқувчиларнинг аҳволини кўриб изтиробга тушаман гоҳида. Наҳотки, аҳвол шундайлигича давом этаверса!?

Ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари — «Ўтган кунлар», «Қутлуғ қон», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Асрга татигулик кун», «Ёлғизликнинг юз йили», «Уста ва Маргарита» каби романларни мутолаа қилган ўқувчилар ўнтадан битта. Ўқиганлари ҳам асарнинг мағзи, моҳиятини тўла англаб етмаган бўлади.

Ахир, инсон маънавий ва руҳий оламининг ривожланишида, дунёқарашининг кенгайишида китоб энг муҳим восита-ку! Ёки биз қишлоқ ўғил-қизларини хўжалик ишлари билан кўпроқ банд қилиб қўймоқдамизми? Ёинки, экранга чиқаётган турли хориж телесериаллари, жангари фильмлари ром қилганми уларни? Бунинг устига-устак кўпчилик қишлоқ кутубхоналари ишламай қолаётганлиги, янги ўзбек алифбосидаги китоб заҳирасининг ночорлиги ҳам бир сабаб. Бизнингча, ахтарсак сабаб кўп. Бироқ нима бўлишидан қатъий назар ўғил-қизларимиз бадиий китоб ўқишларини йўлга қўйишимиз зарур. Айни кунда битирувчи синф ўқувчилари қадрдон мактабларига кўплаб китоблар совға қилишаётир. Алалхусус, биз устозлар ҳам бу жараёнда фаоллик кўрсатиб, шогирдларимизга камарбаста бўлсак, фойдадан ҳоли бўлмасди.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ВА ҲАМЗА

Наим КАРИМОВ

Абдулла Авлонийнинг 125 йиллиги муносабати билан

XX асрда таълим тизимида рўй берган оламшумул ўзгаришлар Туркистон миллий уйғониш ҳаракатининг самараларидан биридир.

Мадраса таълими узоқ асрлар мобайнида ўзбек халқига қанчалик катта имконият яратган бўлмасин, XIX асрнинг охирларига келиб, уни ислоҳ этиш, янги давр талабларига мослаштириш масаласи кун тартибидан ўрин эгаллади. Саидрасул Саидазизов, Абдуқодир Шакурий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Исҳоқхон Ибрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Собиржон Раҳимий, Шокиржон Раҳимий сингари маърифатпарварларнинг саъй-ҳаракатлари билан XX аср бошларида талайгина янги усул мактаблари майдонга келди. Ушбу мактабларнинг ва улар учун янги ўқув қўлланмаларининг майдонга келишида Абдулла Авлоний билан бирга Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам муҳим ишларни амалга оширди.

Абдулла Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкентнинг Шайхонтохур даҳасидаги Мерганча маҳалласида дунёга келди. 1885 йилда Ўқчи маҳалласидаги мактабни тугатиб, шу маҳалладаги мадрасада таҳсил кўра бошлади. Орадан икки йил ўтгач, Ўқчи мадрасасини тарк этиб, Шайхонтоҳурдаги Абдумаликбой мадрасасига кўчиб ўтди ва Мулла Умархон Охунддан дарс ола бошлади. Аммо Абдулла Авлоний турмуш тақозоси билан мадраса таҳсилини тугатмай, Исмоил Гаспринскийнинг Туркистонда шу кезларда тарқала бошлаган "Таржумон" газетаси таъсирида 1904 йилда усули жадид мактабини очди. 1907 йили "Шуҳрат", 1908 йили Аҳмаджон Бектемиров номи билан "Осиё" газеталарини нашр этишга киришди. 1908 йили эса Миробод маҳалласида янги усули жадид мактабини ташкил этди. Шу вақтда Тошкентда жами 9 та усули жадид мактаблари мавжуд бўлишига қарамай, Чор ҳокимияти уларнинг фақат 8 тасигагина рухсат берган эди. Бинобарин, янги типдаги мактабнинг очилишига рухсат олиш учун Авлонийнинг уч йил кутиши даркор бўлди.

Авлоний сингари маърифат фидойиларининг янги мактабларни ташкил этиши, халқ таълими тизимида жиддий ислоҳотларни амалга ошириши осон кечмади. Болалар эски мактаб ва мадрасаларда ўн-ўн беш йиллаб самарасиз ўқиганларига, замоннинг эса ёш авлодлардан илмли, маърифатли бўлишни талаб этаётганига қарамай, руҳонийлар ва улар таъсиридаги кимсалар янги мактабларнинг очилишига қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Шунга қарамай, чунончи, Авлоний ўз аҳдида қатъий турди. У "Осиё" газетасининг 1908 йил 9 апрель сонида бундай деб ёзди: "Жумлага маълумдирки, замонамиз илм ва маориф замонидир. Бу сўзни ақли бор кишилар асло инкор этмаслар. Шул сабабли, бошқа миллатлардан тараққий ва толе йўлида ортда қолдиғимиз каби, маишат аҳволларда ҳам кўп даражалар кейинда қолганимизни эътироф қилмоқдалар..."

Авлонийнинг қайд этишича, мадраса таълимидаги асосий нуқсонлардан бири "Чор китоб", "Сабот ул-ожизин", "Маслак ул-муттақин" сингари китобларнинг баъзилари "эътиқододот ва амалияти исломия"га таллуқли мураккаб масалалардан иборат бўлганлиги билан бирга форсий тилда ёзилганлиги сабабли ёш болаларнинг улардан фойдаланиши маҳол эди. "Воқеан, — деб ёзган эди Авлоний, — ўз она тилини дуруст билмаган, эмдигина ҳарфларни бир-биридан айирган бир ёш боланинг қўлига "Чор китоб" бериб, "Сано лил-холиқу Ғаффору афлок"... каби форсий ва арабий лисонларида ёзилмиш энг... жумлаларни ўқитмоқ ила ердан туриб юлдузларга қўл узатмак ёки игна билан қудуқ қазимоқ орасида фарқ йўқдир..."

Мадраса таълимини чуқур таҳлил этиб, ундаги нуқсон ва камчиликлардан сабоқ олган Авлоний 1912 йилда "Биринчи муаллим", 1913 йилда "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ", 1915 йилда эса "Иккинчи муаллим" каби педагогик рисолаларини нашр этди.

Усули жадид мактабларидаги таълимнинг эски мактаб ва мадраса таълимидан афзаллигини намойиш этиш мақсадида ўша йилларда ўқув йили охирида имтиҳонлар ўтказилиб, бу имтиҳонларга ота-оналар, маҳалла аҳли ва таниқли кишилар таклиф этилган. Авлоний мактабида бўлиб ўтган имтиҳонларда таниқли жадид ёзувчиси Мўминжон Муҳаммаджонов ҳам қатнашган бўлиб, у ўз таассуротлари ҳақида бундай хотира қолдирган:

"1910 йилда Авлонийнинг Дегрез маҳалласида очган мактабида талабаларнинг имтиҳондан ўтувини кўриш ва у тўғрисинда ҳақ сўз айтиш учун шаҳарнинг зукко уламо, аҳлиё ва зиёлилари қаторинда мен ҳам таклиф қилинган эдим. Имтиҳондан ўтиши лозим бўлган болаларнинг ота-оналари жимлик сақлаб, имтиҳоннинг бошланишини сабрсизлик билан кутмоқда эдилар. Мактабнинг кичик кўрасига сувлар сепилиб, супурилган, келганлар учун бўйралар солинган. Жамоа тўпланиб бўлгандан сўнг домла Авлоний курсига чиқиб ўтириб, ўз талабаларининг исм-шарифларини айтиб чақириб, имтиҳон қила бошлади. Имтиҳонда талабалар дадил ва жарангли овоз билан жавоб қайтарардилар. Турли илмлардан домланинг ва иштирок этаётган зиёлиларнинг саволларига талабаларнинг тўлиқ жавобини эшитган жамоанинг серзавқ кишилари ўқтин-ўқтин "офарин", "балли", ""домлангга раҳмат", деб қўярдилар..."

Хуллас, Авлоний очган мактаблар яхши самаралар берибгина қолмай, бу мактабларнинг довруғи теварак-атрофга кенг ёйилди. Айниқса, Авлонийнинг бир неча йиллик педагогик тажрибаларининг самараси бўлган "Биринчи муаллим" китоби чоп этилгач, унинг издошлари кўпайди. Буни Авлонийнинг ўзи ҳам хоҳлаган эди. У номи зикр этилган китобида ҳамкасбларига бундай сўзлар билан мурожаат этган: "Муҳтарам муаллим афанди, — ўз она тилини дуруст билмаган, эмдигина ҳарфларни бир-биридан айирган бир ёш боланинг қўлига "Чор китоб" бериб, "Сано лил-холиқу Ғаффору афлок"... каби форсий ва арабий лисонларида ёзилмиш энг... жумлаларни ўқитмоқ ила ердан туриб юлдузларга қўл узатмак ёки игна билан қудуқ қазимоқ орасида фарқ йўқдир..."

Мадраса таълимини чуқур таҳлил этиб, ундаги нуқсон ва камчиликлардан сабоқ олган Авлоний 1912 йилда "Биринчи муаллим", 1913 йилда "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ", 1915 йилда эса "Иккинчи муаллим" каби педагогик рисолаларини нашр этди.

Усули жадид мактабларидаги таълимнинг эски мактаб ва мадраса таълимидан афзаллигини намойиш этиш мақсадида ўша йилларда ўқув йили охирида имтиҳонлар ўтказилиб, бу имтиҳонларга ота-оналар, маҳалла аҳли ва таниқли кишилар таклиф этилган. Авлоний мактабида бўлиб ўтган имтиҳонларда таниқли жадид ёзувчиси Мўминжон Муҳаммаджонов ҳам қатнашган бўлиб, у ўз таассуротлари ҳақида бундай хотира қолдирган:

"1910 йилда Авлонийнинг Дегрез маҳалласида очган мактабида талабаларнинг имтиҳондан ўтувини кўриш ва у тўғрисинда ҳақ сўз айтиш учун шаҳарнинг зукко уламо, аҳлиё ва зиёлилари қаторинда мен ҳам таклиф қилинган эдим. Имтиҳондан ўтиши лозим бўлган болаларнинг ота-оналари жимлик сақлаб, имтиҳоннинг бошланишини сабрсизлик билан кутмоқда эдилар. Мактабнинг кичик кўрасига сувлар сепилиб, супурилган, келганлар учун бўйралар солинган. Жамоа тўпланиб бўлгандан сўнг домла Авлоний курсига чиқиб ўтириб, ўз талабаларининг исм-шарифларини айтиб чақириб, имтиҳон қила бошлади. Имтиҳонда талабалар дадил ва жарангли овоз билан жавоб қайтарардилар. Турли илмлардан домланинг ва иштирок этаётган зиёлиларнинг саволларига талабаларнинг тўлиқ жавобини эшитган жамоанинг серзавқ кишилари ўқтин-ўқтин "офарин", "балли", ""домлангга раҳмат", деб қўярдилар..."

Хуллас, Авлоний очган мактаблар яхши самаралар берибгина қолмай, бу мактабларнинг довруғи теварак-атрофга кенг ёйилди. Айниқса, Авлонийнинг бир неча йиллик педагогик тажрибаларининг самараси бўлган "Биринчи муаллим" китоби чоп этилгач, унинг издошлари кўпайди. Буни Авлонийнинг ўзи ҳам хоҳлаган эди. У номи зикр этилган китобида ҳамкасбларига бундай сўзлар билан мурожаат этган: "Муҳтарам муаллим афанга қараганда, қўқонлик шоир 1908 йилнинг 20 май ва 11 декабрь, 1909 йилнинг 25 май, 1910 йилнинг 20 июль, 1 август, 7 сентябрь, 2 октябрь ва 1911 йилнинг 22 январь кунлари Тошкентда бўлган. Тахмин қилиш мумкинки, Ҳамза Бухорога боришдан аввал ҳам бир мунча муддат Тошкентда яшаган ҳамда шу вақт (11 декабрь) мобайнида Мунаввар қори билан учрашган ва уни ўзига пир деб сайлаган. 1909 йил майидан бошлаб 1911 йил январининг сўнгги кунларига қадар Тошкентда бўлиб, "миллий анжуманлар"да иштирок этган.

Афсуски, Ҳамзанинг шу муддат орасида Абдулла Авлоний билан учрашганига оид бирорта ҳужжат йўқ. Лекин Ҳамза архивидаги бир ҳужжат унинг Авлоний билан яқин ижодий алоқада ва ҳамкорликда бўлганидан шаҳодат беради. Бу литографик китобдан йиртиб олинган бир саҳифа бўлиб, унинг орқа томонига қора сиёҳ билан қуйидаги сўзлар ёзилган:

"1915 йил 5 февралда тошкентлик ўртоғим Абдулло Авлонийга ёзилмиш мактуб дебочасинда ўлан бир рубоийдир. Бу ёзувда "Янги саодат" нашрини сўралган эди:

Эй булбули миллат, ёзурам
сенга саломим,
Сўнг хизмати миллат ила
бу арзи паёмим.
Воллоҳ аминамки,
мурод кавсари тўлмай,
Чиқмас караминг ҳавзина
ботганда бу жоним".

Бу ҳужжатдан маълум бўлишича, Ҳамза 1915 йил 5 февраль куни Авлонийга хат орқали мурожаат этиб, ундан "Янги саодат" асарини нашр этишга ёрдам беришини сўраган. Бу хатнинг руҳи Ҳамза билан Авлоний ўртасидаги дўстлик муносабатлари кўқонлик шоирнинг Тошкентдалик кезларида бошланганидан ва ўта самимий бўлганидан далолат беради. Ҳамзанинг 1914-1915 йилларда ёзган "Енгил адабиёт", "Ўқиш китоби" ва "Қироат китоби" билан Авлонийнинг номи юқорида зикр этилган асарлари ўртасидаги яқинлик бу фикрнинг мутлақо тўғри эканини тасдиқлайди. Айтиш мумкинки, Ҳамза ўзининг педагогик рисолаларини яратишда Авлонийнинг "Биринчи муаллим", "Иккинчи муаллим" ва айниқса, "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" китобидан андоза олган, аксар ҳолларда эса тошкентлик устозининг педагогик ғояларидан самарали фойдаланган.

"Иккинчи муаллим" рисоласида Авлоний мактаб тўғрисида болаларга бундай шеърий тушунча берган:

Мактаб уйи — дориломон,
Мактаб ҳаёти жовидон.
Мактаб сафойи қалби жон,
Ғайрат қилуб ўқинг, ўғлон!..

Ҳамза Авлонийнинг "Биринчи муаллим" рисоласидаги шакл ва мазмундан "Енгил адабиёт" рисоласида кенг фойдаланиб, чунончи, мактаб ҳақида болаларга бундай ёрқин тасаввур беради:

Мактаб — миллат макони,
Гавҳар, ёкутни кони.
Мактаб бўлмаса битар
Миллат ному нишони.

Шубҳасиз, ҳар иккала шоирнинг мактаб ҳақида болаларга берган тушунчалари фақат юқорида келтирилган сатрлардангина иборат эмас. Улар мактабнинг жамият, инсоният ва ёш авлод ҳаётида тутган ўрнини бир неча ўқув соатларида болаларга тушунтиришга ва уларга мактабсиз, билимсиз яшаш мумкин эмаслигини англатишга, бу фикрни уларнинг мурғак шуури ва қалбига қуйишга ҳаракат қилганлар.

Авлоний дастлабки икки рисоласида болаларда ахлоқ тарбиясини шакллантиришга қаратилган кичик-кичик ҳикояларни берган. Умуман, жадид маърифатпарварлари мумтоз ўзбек ва форс-тожик адабиёти наларидаги ибратли ҳикоятлардан кенг фойдаланган ёки улар таъсирида ўзларининг ҳикоя ва масалларини яратган ҳолда усули жадид мактабларининг ўқувчиларига ахлоқий тарбия ва билим беришга ҳаракат қилганлар.

Шарқда таълим ва тарбия азалдан эгизак тушунчалар ҳисобланган. Болага таълим беришдан аввал уни шарқона ахлоқ мезонлари асосида тарбиялаш, бу тарбиялана бошлаган болага диний ва дунёвий билимларни бериш муҳим, деб топилган. Шарқона таълим ва тарбиянинг бу асослари жадид мактабларида ўз кучини фақат биргина фарқ билан сақлаб қолган. Бу фарқ эса дунёвий билимларнинг диний билимларга нисбатан катта мавқега эга бўлганлигидадир. Авлоний ҳам, Ҳамза ҳам, шубҳасиз, бошқа жадид маърифатпарварлари ҳам шу қонуниятга қатъий риоя қилганлар.

Авлонийнинг педагогик қарашлари ўзбек ва форс-тожик мумтоз адабиёти намояндаларининг таълим ва тарбияга оид асарлари таъсирида шаклланган. Адиб асарларидан бирининг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" деб номланиши тасодифий эмас. Авлоний Саъдий Шерозийнинг "Бўстон" ва "Гулистон" асарларининг ўзбек (туркий) тилидаги замонавий нусхасини яратмоқчи бўлган. Аслида, Авлоний нафақат Саъдий Шерозий, балки Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий ва бошқа шоирларнинг ўзбек тилидаги дидактик мазмун билан йўғрилган асарларидан ҳам баҳраманд бўлган. Худди шу ҳол Авлоний орқали Ҳамзанинг педагогик асарларида ҳам жилва бериб туради.

Авлоний асарларидан андоза олган Ҳамза "Енгил адабиёт", "Ўқиш китоби"га, дидактик шеърлардан ташқари, ибратли масал ва ҳикоятларни ҳам кўплаб киритган. Бу нарса, шубҳасиз, муаллифга болалар руҳиятига яқинлашиш, айтмоқчи бўлган фикрини улар онгига осонлик билан етказиш, ўзининг тажрибали, билимдон, бинобарин, донишманд киши эканлигига уларда ишонч қозониш имконини берган. Иккинчи синф ўқувчиларига мўлжалланган "Қироат китоби"да эса, Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" рисоласида кўрганимиздек, Ҳамза яхши ва ёмон хулқлар тўғрисида мухтасар маълумотлар берган.

"Қироат китоби" илм тўғрисидаги лавҳа билан бошланади. Ҳамза илмли киши билан илмсиз киши ўртасидаги фарқни кўрсатиш ниятида илмсиз кишининг қиёфасини бундай гавдалантиради: "Илмсиз кишини бутун инсон демоқ айни хатодур. Илмсиз кишини сўзламоқдан бошқа вақтда ҳайвондан заррача айирмаси бўлмас..." Ҳамза шундай сўзлардан кейин: "Илмсиз ҳар киши учса ҳавога, Кўнгил берса анингдек ҳуднамога" деган байтни келтиради. Ниҳоят, илмсиз киши ҳаётидан олинган бир воқеани ҳикоя қилиш билан мазкур мавзуга нуқта қўяди.

Энди Авлонийнинг илм тўғрисидаги қарашлари билан танишайлик. Авлоний ёзади: "... Илм — дунёнинг зийнати. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдир. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни ўткур қилур. Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан аюруб берур... Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур..." Илмга берилган бундай таъриф ва тавсифни шоир қуйидаги байт билан хулосалайди:

Илм — бир дарё, ичи тўлмуш
дуру гавҳар билан,
Қиймату қадрин қачон билгай
ани жоҳил илан.

Ҳар иккала муаллифнинг нафақат илм, балки бошқа яхши ва ёмон хулқлар ҳақида болаларга берган тушунчаларини ўзаро қиёслаш шуни кўрсатадики, Ҳамза, тошкентлик биродаридан фарқли ўлароқ, мавзуни ёритишга катта тайёргарлик билан келмаган. Аксинча, у ўз олдига камтарона вазифа қўйиб, асосан Авлонийнинг педагогик рисолаларидан ибрат олган ҳолда Қўқонда ўзи ташкил этган мактаб ўқувчиларига билим ва тарбия бермоқчи бўлган ва шу мақсадда таълим ва тарбияга оид рисолаларини яратган. Ҳамзанинг 1914-1915 йилларда ёзилган мазкур рисолаларини нашр этмагани ва ҳатто нашр этишга ошиқмаганининг сабаби, бизнингча, шунда: у бу рисолаларни мукаммаллаштириш истагида бўлган. Аммо кўп ўтмай, 1916 йил воқеаларининг бошланиши ва бу воқеаларнинг Ҳамза олдига янги ижодий вазифаларни қўйиши шоир дилидаги орзу ва режаларнинг рўёбга чиқишига имкон бермади.

Ҳамзанинг ижодий ва педагогик фаолияти яқин-яқингача рус адабиёти ва педагогикаси билан боғлиқ ҳолда ўрганилиб келди. Ҳатто Авлонийнинг педагогик фаолиятига бағишланган бир рисолада муаллифлар бундай деб ёздилар:

"Х.Ҳакимзода рус педагогларининг шогирди, уларнинг педагогик фикрларини давом эттирувчи эди.

Х.Ҳакимзода ўзбек алифбеси ("Енгил адабиёт")ни, ўқиш китоби ("Ўқиш китоби")ни ва адабий ўқиш китоби ("Қироат китоби")ни тузиб, янги ўзбек ўқув адабиётини бошлаб берди".

Биз олиб борган кузатишлар шундан далолат берадики, Ҳамзанинг юқорида тилга олинган педагогик рисолалари рус педагогларининг эмас, балки Абдулла Авлонийнинг ўзи ташкил этган мактаблар учун чиқарган ўқув қўлланмалари таъсирида майдонга келган.

Умуман, Ҳамза шоир, ёзувчи, драматург ва педагог сифатида тошкентлик жадид маърифатпарварлари муҳитида шаклланган.

1996 yilda O'zbekiston ingliz tili o'qituvchilari Assotsiatsiyasi tashkil etilishi ham ezgu maqsadlarni ko'zladi.

Katta jamoamizning tiniq oynasi hisoblangan "Termiz universiteti" nomli gazeta ilmiy-nazariy, metodik va tanqidiy maqolalardan tashqari, badiiy-ijodiy namunalarni ham keng yoritib bormoqda.

Ma'rifat

ИСТИҚЛОЛНИНГ ТОТЛИ НЕЪМАТИ

Х.АЛЛАҚУЛОВ,
Термиз давлат университети ректори, профессор

Қадимдан Термиз маънавият, маърифат ва илм маркази бўлган. Унинг бағрида дунёга машҳур кўплаб алломалар етишиб чиқиб зиё нурини олам узра таратган. Бир вақтлар Термизда кўплаб мадрасаи олиялар фаолият кўрсатган. Хоразмдаги Маъмун академияси сингари бу қадимий шаҳарда ҳам Қизлар академияси бўлган ва унда ўз даврининг илмга чанқоқ қизлари фан сирларини эгаллашган. Бу анъана кўп вақтлар давом этиб келди ва ҳозирги Термиз давлат университетига келиб уланади. Бугун ҳар томонлама ривож топган ва Ватанимизга юксак малакали, билимдон мутахассислар тайёрлаб бераётган, вилоятимизда ягона ҳисобланган бу ўқув ва илм маконининг ички мазмуни ва ташқи қиёфаси мустақиллик шарофати туфайли тубдан ўзгарди.

Университетда ҳозир 14 та факультет ва 48 та кафедра мавжуд бўлиб, етти мингга яқин талаба, аспирант таҳсил олмоқда, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда. Уларга 600 нафарга яқин профессор-ўқитувчилар таълим-тарбия бериб келишмоқда. Шундан 25 нафари фан доктори, профессорлар, 200 нафарга яқин фан номзодлари, доцентлардир. 30 га яқин мутахассислик бўйича халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун кадрлар тайёрланмоқда. 40 дан зиёд турли фан кабинетлари, 10 га яқин илмий лаборатория талабалар ихтиёрида. Айниқса, "Чигитни лазер ёрдамида нурлантириб, пахта ҳосилдорлигини ошириш муаммолари," "Нематодлар", "Ховдак" қўрғонидан олинаётган йодни халқ хўжалиги учун ишлатиш муаммолари" ва бошқа мавзулардаги илмий тадқиқотлар энг муҳим масалаларни ечишга қаратилган.

Таълим тизимини бугунги замонавий техника воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам компьютер, интернетдан унумли фойдаланиш масаласи қўйилди ва "Ахборотлар технологияси маркази" ташкил этилди. Ҳозир ҳар бир факультет, кафедра компьютер билан таъминланган. 11 та компьютер синфларида машғулотлар олиб борилмоқда. Профессор-ўқитувчилар учун яна алоҳида "компьютер хоналари" очилди ва уларда профессор-ўқитувчилар дарсликлар, ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари, илмий ишларини бажаришади, дастурлар тузишади. Компьютерлар халқаро интернет тармоғига уланган.

Кейинги йилларга келиб, олимларимизнинг кашфиёт, тадқиқотлари кўлами анча кенгайиб бормоқда. Масалан, биргина 2002 йилда 3 та дарслик, 15 та ўқув қўлланмаси, 28 та монография, ўнлаб рисола, мингдан зиёд илмий-назарий, методик мақолалар турли, шу жумладан, хорижий нашрларда чоп этилди. 3 та патент олишга муваффақ бўлинди. Фундаментал, амалий инновацион илмий тадқиқот ишлари танловида қатнашиб келаётган профессор-ўқитувчиларимиз яхши натижаларга эришиб келишмоқда ва ҳар йили янги-янги лойиҳалар бўйича грантлар олишга муваффақ бўлишмоқда.

Chorlov

Университетда иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими ташкил этилиб, 200 нафарга яқин талабага чуқурлаштирилган билим берилмоқда. 200 минг дона китоб фондига эга бўлган фундаментал кутубхона ва ўнга яқин ўқув заллари талабалар ва профессор-ўқитувчилар ихтиёрида.

Ҳар йили ўтказиладиган республика фан олимпиадаларида эришилаётган ютуқларимизни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Жорий йилда мамлакатимиз миқёсидаги фан олимпиадаларида муҳандислик, молия, тарих, психология, педагогика ва география фанлари ва мутахассисликларидан талабаларимиз биринчи, бошқа соҳалардан ҳам фахрли ўринларни эгаллашди.

Фаол ўқиётган талабаларимиз Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий номидаги, шунингдек, республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг махсус стипендияларига сазовор бўлишган. Талаба қизлар орасидан Зулфия номидаги республика давлат мукофоти соҳибалари ҳам бор.

Университет жамоасининг хорижлик олимлар билан алоқаси яхши йўлга қўйилган. Биргина 2002-2003 йиллар давомида 20 га яқин профессор-ўқитувчиларимиз ISAR, ACCELS, TEMPUS, TASIS, Евразия, УВКБ, СОРОС фондлари, ЭКОСАН, Исроилнинг МАШАВ, Конрад Аденауэр ва бошқа халқаро ташкилотларнинг грантларига эга бўлишиб, Россия, Жанубий Корея, Голландия, Сингапур, Германия, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, шунингдек, Қозоғистон каби мамлакатлар олий ўқув юртларида малака ошириб ва стажировкада бўлиб қайтишди. Хориждан ўзлаштирилган тажрибалар самараси амалиётда ўз аксини топаётганлигини қайд этиш зарур. Германия академик хизматлар алмашинуви (ДААД) томонидан немис тили кафедрасига юзлаб адабиётлар, харита, газета, журнал, видеокассеталар тақдим этилди. Чет тиллар факультетининг талабалари таркибидан ДААД грантини ютиб, Германия университетлари магистратурасида ўқишни давом эттираётган қобилиятли ёшлар кўп.

Университет қошида Термиз академик лицейи, бизнес-инкубатор мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда етук профессор-ўқитувчилар дарс беришмоқда. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетида вилоят ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари учун курслар ташкил этилган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ишлар ҳам мазмун-моҳияти жиҳатидан бугунги кун талаби даражасида. Волейбол, баскетбол, кураш, теннис залларида машғулотлар мунтазам равишда олиб борилмоқда. Катта стадион, ёзги теннис кортлари ёшлар билан гавжум. Миллий кураш, каратэ, дзю-до бўйича тўгараклар ташкил этилган. Талабаларимиз орасида жаҳон миқёсига чиққан талай ёшлар бор. 2002 йили Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Тўрабой Ўтаев олтин медал соҳиби бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтарди. Жисмоний тарбия факультетининг 2-курс талабаси Суҳроб Дўстов Термиз шаҳрида улуғ аллома Ал Ҳаким-ат-Термизий хотира соврини учун ўтказилган кураш бўйича халқаро турнир чемпиони деган юксак номга сазовор бўлди.

Термиз давлат университети Осиё университетлари Федерацияси аъзолигига қабул қилинди ва у Жанубий Кореянинг Сун-Мун ва Кенг-Бук университетлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Катта жамоамизнинг тиниқ ойнаси ҳисобланган "Термиз университети" номли газета илмий-назарий, методик ва танқидий мақолалардан ташқари, бадиий-ижодий намуналарни ҳам кенг ёритиб бормоқда.

2002-2003 ўқув йилида Термиз давлат университетига кириш учун абитуриентларнинг тўплаган ўтиш баллари

Йўналиш (ихтисослик) номи	Таълим шакли			
	Кундузги		Сиртқи	
	Бюджет	Шартнома	Бюджет	Шартнома
Математика	100,20	80,30	—	101,30
Физика; касбга ўргатиш	75,40	68,10	78,60	74,40
Кимё	91,00	75,20	—	—
Биология; экология ва табиатдан фойдаланиш	93,90	79,20	—	91,30
География	105,50	86,90	—	—
Ўзбек филологияси	94,20	81,40	—	85,00
Рус филологияси	81,80	75,40	—	—
Миллий истиқлол ғояси, маънавият асослари ва ҳуқуқ, психология	108,70	86,90	—	—
Иқтисодиёт	118,10	87,70	—	127,80
Иқтисодиёт (рус гуруҳи)	84,70	68,80	—	—
Педагогика ва бошланғич таълим услубиёти	79,20	68,30	89,00	82,20
Мактабгача таълим	80,70	69,90	—	—
Молия	132,70	106,50	—	—
Тупроқшунослик	89,60	74,00	—	—
Роман-герман филологияси (инглиз тили)	119,20	100,30	—	—
Роман-герман филологияси (инглиз тили, рус гуруҳи)	145,10	93,00	—	—
Роман-герман филологияси (немис тили)	90,80	70,50	—	—
Тарих	128,00	105,00	—	115,70
Касбга ўргатиш (иқтисодёт йўналиши бўйича)	104,70	93,60	113,5	87,90
Касбга ўргатиш (қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича)	80,50	71,40	—	—
Ер усти транспорт тизимлари	101,10	79,70	—	84,70
Касбий-педагогик тайёргарлик (кимёвий технология)	75,10	68,10	—	—
Мусиқа педагогика	125,40	76,50	—	106,8
Жисмоний маданият	119,30	96,00	—	—
Амалий математика ва информатика	108,40	92,40	—	—

Мустақиллик — олий неъмат, барча соҳалар бўйича имконият манбаи. Хусусан, университетимиз ҳам истиқлол туфайли чексиз ютуқларга эга бўлмоқда. Халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун олий малакали мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Бу эса Сиз, азиз ёшларга ҳам тааллуқли эканлигини унутманг.

Қадрли абитуриентлар! Билим ва иқтидорингизни синаб кўринг. Тест-синовлардан муваффақиятли ўтиб, талаба деган юксак номга сазовор бўлинг.

Университетимизга марҳамат.

Манзил: 732011, Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, 43.
Телефон (37622) 2-87-16, 2-83-40 факс: 2-84-13 (м)

ФАКУЛЬТЕТ ВА ИХТИСОСЛИКЛАР

Университетда 13 та факультет фаолият кўрсатиб келмоқда. Унда 30 га яқин йўналишлар бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрланади. (Бакалавр йўналишлари бўйича:)

ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
5220100-ўзбек филологияси (кундузги, сиртқи)
5220100-рус филологияси (кундузги)

ФИЗИКА -МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
5440100-физика (кундузги)
5460100-математика (кундузги, сиртқи)
5480100-амалий математика (кундузги)

ТАБИИЁТ — ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
5420100-биология (кундузги, сиртқи)
5440100-география (кундузги)
5620100-агрокимё ва агротупроқшунослик (кундузги)

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
5220200-тарих (кундузги, сиртқи)

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
5220100-инглиз филологияси (кундузги)
5220100-немис филологияси (кундузги)

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ
5340100-иқтисодиёт (кундузги, сиртқи)
5141900-касбий таълим (иқтисодий йўналиш. Кундузги, сиртқи)

МОЛИЯ-МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛЬТЕТИ
5300600-молия (кундузги)
5341200-менежмент (кундузги)

МУҲАНДИС—ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ
5221100-транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш (кундузги, сиртқи)

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ
5140900-касбий таълим (соҳалар бўйича. Кундузги, сиртқи)

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА МУСИҚА ФАКУЛЬТЕТИ
5141600-бошланғич таълим (кундузги, сиртқи)
5141700-мактабгача таълим (кундузги)

КИМЁ ФАКУЛЬТЕТИ
5440400-кимё (кундузги, сиртқи)
5850200-экология ва табиатдан фойдаланиш (кундузги бўлим)
5141900-касбий таълим (қишлоқ хўжалиги йўналиши. Кундузги)
5141900-касбий таълим (кимё технологияси. Кундузги)

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
5141900-жисмоний маданият ва жисмоний тарбия (кундузги, сиртқи)

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
5310200-психология (кундузги)
5141900-миллий истиқлол ғояси, маънавият асослари ва ҳуқуқ йўналишлари (кундузги)

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2003 йил 11, 18, 25 июль, 1, 8, 15, 22, 29 август, 5, 12, 19, 26 сентябрь кунлари соат 11.00да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида кимошди савдоларини ўтказади

Савдоларга:

1. Тошкент шаҳрининг қуйидаги туманларида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган ер участкаларига эгалик ҳуқуқи:

— М.Улуғбек тумани, Олмачи кўчасида жойлашган майдони 0,04 га, бошланғич нархи 2288000 сўм ва майдони 0,014га, бошланғич нархи 800800 сўм;

— М.Улуғбек тумани, Гулсара кўчасида жойлашган ҳар бирининг майдони 0,04 га, бошланғич нархи 1032000 сўм ва майдони 0,014га, бошланғич нархи 800800 сўм;

— М.Улуғбек тумани, Матқобулов кўчасида жойлашган майдони 0,04 гектардан бўлган 2 та ер участкаси, бошланғич нархи 1912000 сўм.

Ер участкалари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан 3 кун олдин тўхтатилади.

2. Тошкент шаҳар Яккасарой туман суд ижрочилари бўлинмаси тақдим этган Тошкент шаҳри, Яккасарой туманида жойлашган уй-жойлар қўйилади:

— Ж.Шоший 1-тор кўчаси, 11, 13-уйлар, бошланғич нархи 6222382 сўм;

— М.Мироқилов кўчаси, 30-уй, бошланғич нархи 33718912 сўм;

— У.Носир кўчаси, 58-уй, 1-хонадон, бошланғич нархи 2458379 сўм;

— Муқимий кўчаси 62-62 "А"-уйлар, бошланғич нархи 1605304 сўм;

— У.Носир кўчаси 39-уй, 7-хонадон, бошланғич нархи 2174144 сўм;

— Эҳтиром 1-тор кўчаси, 16-уй, бошланғич нархи 5412149 сўм;

— Нукус кўчаси, 15 "А"-уй, бошланғич нархи 4701838 сўм;

—Нукус кўчаси, 23, 25-уйлар, бошланғич нархи 12512747;

— Нукус кўчаси, 16 "А"-уй, бошланғич нархи 2613660 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 5 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 а-уй, 402-хона.
Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.

ҲАРАКАТ МАҚСАДГА ҲАМОҲАНГ

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ўқув юртларида инглиз тили ўқитилаётгани, унга бўлган қизиқишнинг ортиши ва ўқитувчиларнинг янгича метод, малака ва фикр алмашишлари учун қулай имкониятлар бор экани сир эмас. 1996 йилда Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари Ассоциацияси ташкил этилиши ҳам эзгу мақсадларни кўзлади. Бу эса ўз навбатида инглиз тили ўқитувчиларининг таълим соҳасидаги баъзи муаммоларни ҳал қилиш, адабиётлар олиш, таълим бериш методикасини муҳокама қилиш, хориждан келган мутахассислар билан ҳамкорликда семинарлар ўтказишда қўл келмоқда. Айни пайтгача мазкур Ассоциациянинг Фарғона, Самарқанд, Қўқон, Бухоро каби шаҳарларда ўз бўлимлари мавжуд эди. Жорий йилда бу яна биттага кўпайди. Яъни Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари Ассоциациясининг Қашқадарё вилоят бўлими очилди. Айтиш жоизки, бу бўлим янги бўлишига қарамай, ҳозиргача муайян ишларни амалга оширишга улгурди. Жумладан, жорий йилнинг апрель ойида СОРОС фонди ва АҚШ элчихонасининг тил ўргатиш маркази ходимлари билан ҳамкорликда Қарши шаҳрида инглиз тили ўқитувчилари учун семинар ўтказилиб, дарсда қўлланиладиган турли ўқитиш методлари ҳақида гапирилган эди. Мазкур ой бошларида Қарши шаҳрида яна бир анжуман ўтказилди. Уни Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари Ассоциацияси президенти Аббос Ирисқулов кириш сўзи билан очди. Анжуманда бугунги кунда дунёда нуфузли бўлган инглиз тилини мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида ўқитишни такомиллаштириш долзарб масала экани таъкидланди. Шундан сўнг ўқитувчилар икки гуруҳга бўлиниб, АҚШ элчихонаси ходимлари Рифат Гофуров ва Жоэл Узарскиларнинг методика юзасидан тайёрлаган маърузаларини тингладилар. Мазкур семинардан Қашқадарё вилоятидаги инглиз тили ўқитувчилари ўзлари учун керакли маълумотлар олдилар.

Қашқадарё вилоят бўлими келгусида АҚШ элчихонаси, СОРОС фонди, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорлик қилишни режалаштирмоқда. Умид қиламизки, бу ташкилот орқали барча инглиз тили ўқитувчилари учун қулай имкониятлар яратилади, улар инглиз тили ўқитишнинг янги методлари устида ишлайдилар ва бу борада мунтазам фикр алмашиб турадилар.

Нилуфар ЖУМАЕВА,
Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари Ассоциацияси Қашқадарё вилоят бўлими президенти

УНИВЕРСИТЕТДА БИЗНЕС-КУРС

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида иқтидорли талабалар билан ишлашга катта эътибор берилмоқда. Ўтган беш йил мобайнида таржимонлик ва инглиз филологияси (бу йил эса, биринчи марта халқаро журналистика) факультетларининг III курсларидан талабчанлик билан тест усулида энг билимли талабалар танлаб олиниб, университет қошида ташкил қилинган бир йиллик бизнес-курсда ўқитилди. (Бу йил бизнес-курсни 30 талаба муваффақиятли тугатди.) Улар маъмурий бизнес, менежмент, маркетинг, бизнес одоби, халқаро муносабатлар ва раҳбарликка тайёрлов фанларидан махсус таълим олдилар.

Дарслар АҚШ, Буюк Британия ва австралиялик мутахассислар томонидан олиб борилди. Бугунгача 200 дан ортиқ талаба мазкур курсларни битириб чиқди. Битирувчиларга диплом билан бирга курс гувоҳномалари ҳам топширилади. Улар ҳозирда республикамиз ва унинг ташқарисида турли жабҳаларда хизмат қилмоқдалар. Кўпгина талабалар эса дунёнинг турли мамлакатларида (АҚШ, Буюк Британия, Япония) магистрлик даражасини қўлга киритганлар.

ЎзДЖТУ бир қанча халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. АҚШ элчихонаси ҳузуридаги ижтимоий муносабатлар идораси, Британия кенгаши, TASIS, TEMPUS, ACCELS, IREX, OSI каби ташкилотлар шулар жумласидандир.

Курсда ҳар бир фанга 52 соат дарс ва унга қўшимча равишда уйда, кутубхонада шуғулланиш учун 52 соат (жамъи 104 соат) вақт ажратилган. Йил давомида ҳаммаси бўлиб 416 соат ажратилган.

Бизнес-курсда Дэвид Байерс, Эван Белл (Шотландия), Кедрик Гиббс (Австралия) сингари устозлар сабоқ бермоқдалар. Бу ўқитувчиларни Ўзбекистон ҳудудида рўйхатдан ўтган Академик ривожлантириш бўйича ҳамкорлик нодавлат ташкилоти йўллаган (ташкилотнинг Ўзбекистондаги бош директори доктор Ф.Шенкел). Ўқитувчилар талабаларнинг инглиз тилини жуда яхши билишлари, теран равишда эркин ва мустақил фикрлаш қобилиятларини эътироф этдилар.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, талабалар юқорида санаб ўтилган барча фанлардан таълимни Ўзбекистонда олмоқдалар. Мамлакатимиз учун кам маблағ сарфлаб халқаро андозаларга жавоб берадиган мутахассисларга эга бўлишнинг аҳамияти нечоғли катта эканлигини айтмаса ҳам бўлади.

Университетнинг бу дастурни янада ривожлантириб, истиқболда уни алоҳида факультет ёки институтга айлантириш режаси ҳам йўқ эмас. Ўйлаймизки, ушбу махсус курсни якунлаган барча талабалар уларга таълим берган хорижлик мутахассислар билан бирга Ўзбекистондаги янги ривожланаётган олий таълим тизимининг етакчи гуруҳи бўлиб қолади.

Беҳзод ФАЗЛИДДИНОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетининг II курс талабаси

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти 2003 йил 23-27 июн кунлари IV — "Талаба ёшлар ижодиёти кўрик-фестивали" ва абитуриентлар учун "Очиқ эшиклар куни"ни ўтказади. Тадбирлар соат 10.00-17.00 гача бўлади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ю.Ражабий 77, (мўлжал: "Космонавтлар" метро бекати).

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти томонидан 1990 йилда Ўрмонова Насиба Закиржоновна номига берилган ПВ №850089 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

АНДИЖОНДА СПОРТ БАЙРАМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Андижонда бўлиб ўтаётган "Баркамол авлод" спорт ўйинларидаги беллашувларда бугун финалчилар куч синашадилар. Беш кун давом этган спортнинг 14 тури бўйича мусобақалар шиддатли ва муросасиз кечди. Таъкидлаш керакки, жорий йилда ўтказилаётган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларига таълим муассасалари ўқувчилари анча жиддий тайёргарлик кўрганлар. Буни вилоятда бўлиб ўтаётган финал мусобақаларидаги шиддаткор ўйинлардан ҳам билса бўлади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Нуроний отахонларнинг ташрифи айни кунларда жуда гавжум, ёшларнинг ҳайқириқлари, томошабинлар олқишлари билан тўлиб тошган спорт коллежини яна-да файзли, шуқуҳли қилиб юборди. Уларнинг чин дилдан қилган покиза дуолари, самимий тилаклари, албатта, ижобат бўлишига ишонамиз. Бу борада ҳам элимизнинг ажойиб нақли бор: «Дуо билан эл қўқарар...»

СУРАТЛАРГА КЎЧГАН ТИЛАКЛАР

«Баркамол авлод – миллат келажаги» мавзусидаги республика касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган расмлар кўргазмаси ғолиблари аниқланди.

«Баркамол авлод» республика Ташкилий қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган кўргазманинг асосий мақсади, мамлакатимиз ёшлари ўртасида спортнинг оммавийлигини кенг тарғиб қилиш, ўқувчилар онгида соғлом турмуш тарзи ҳамда спортнинг инсон ҳаётидаги тутган беқиёс ўрни ҳақида кенг тасаввурлар уйғотиш ва «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ҳақида тўлароқ маълумотлар беришдан иборат эди.

«Баркамол авлод» мусобақалари ўтказилаётган энг асосий иншоот – Андижон Олимпия заҳиралари спорт коллежининг иккита катта фойесидан жой олган ёш рассомлар кўргазмасини ўн минглаб ёшлар, спортчилар, ота–оналар ҳамда жамоатчилик вакиллари кўришди.

Дарҳақиқат, кўргазмани томоша қилар экансиз, мамлакатимиз ёшларининг спортсоғломлаштириш борасида нечоғли ёркин тасаввурлари мавжудлигини, улар акс эттирган мавзуларнинг нақадар теран, чуқур мазмунли ифодалаганлигини сезиш қийин эмас.

Масалан, Андижон вилояти, Асака педагогика коллежи ўқувчиси Ҳалимжон Темировнинг «Баркамол авлод – миллат пойдевори», Навоий маданият ва санъат коллежи ўқувчиси Ўткир Турдиевнинг «Сув ўйини», шу коллеж ўқувчилари Ойбек Мамадалиевнинг «Баскетболчилар», Воҳид Фаҳриддиновнинг «Боксчилар», Нукус педагогика коллежи ўқувчиси Илёс Искандаровнинг «Бадиий гимнастика», Бухоро технология касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Анвар Саъдуллаевнинг «Бокс» каби суратлари ўзининг мазмундорлиги, рангларининг ёрқинлиги билан томошабинлар эътиборини қозонмоқда.

Куни кеча рассомлар, муаллим ва спорт мутахассисларидан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати кўргазмани яна бир бор кўздан кечириб, ғолибларни аниқладилар. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра,

Андижон вилояти ёш рассомларининг ишлари энг юқори баҳога сазовор бўлди. Суратларда жонли ҳаётнинг экс эттирилгани, мавзуларнинг ранг-баранг ва томошабинни фикрлашга ундаганлиги туфайли андижонлик ёш рассомлар фахрли 1-ўрин соҳиби бўлдилар ҳамда 150 минг сўм миқдоридаги мукофот билан тақдирландилар.

Иккинчи ўринни Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари ёш рассомлари эгалладилар. Ҳар иккала вилоят вакилларига 100 минг сўмдан мукофот пуллари тақдим этилди. Учинчи ўринни Тошкент шаҳри, Навоий ҳамда Сирдарё вилоятлари ёш рассомлари баҳам кўришди. Бу вилоятлар ғолибларига 50 минг сўмдан мукофотлар берилди.

Кўргазмадан жой олган суратларни кўздан кечирган ҳар бир томошабин мамлакатимизда ёш авлод саломатлиги, умуман баркамоллиги борасида амалга оширилаётган қутлуғ ишларни кўргандек бўлади. Ёш рассомлар ўз асарларида ўз кўнгилларида кечган ўй-фикр ва тилакларни ифода этганлар гўё. Кўргазмадаги ижодий сафарлар мамлакатимизнинг эртанги нурафшон куни – баркамол авлоднинг аниқ ва тиниқ қиёфасини тасвирлаб турибди.

АНДИЖОННИ СЕВИБ ҚОЛДИМ

«Баркамол авлод – 2003» мусобақаларининг республика финал босқичида иштирок этаётган ёш спортчилар мана бир неча кундирки, Андижон вилоятининг турли касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларида истиқомат қилишмоқда. Спортчилар мусобақалардан сўнг турли дам олиш ва кўнгилочар дастурларда иштирок этмоқдалар. Вилоятнинг диққатга сазовор масканлари, хушманзара гўшалари бўйлаб сайру саёҳатга чиқмоқдалар.

Дилафрўз Раҳимова, Бухоро вилояти қўл тўпи бўйича қизлар терма жамоаси аъзоси, Бухоро тиббиёт коллежи ўқувчиси:

— Андижон вилоятида биринчи маротаба бўлишим. Бу вилоят ҳақида кўп эшитганмиз. Андижон шаҳридаги мухташам бинолар ва иншоотларни телевизор орқали кўрганмиз. Андижонликлар бизни жуда илиқ кутиб олишди. Биз истиқомат қилаётган Куйганёр академик лицейида спортчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ҳар куни кечқурун вилоят санъаткорлари концерт дастурларини намойиш этиб, кўнгилларимизни хушнуд этишмоқда. Андижон таомлари ҳам жуда мазали бўлаяпти.

Гулмира Кўшаева, шу жамоа аъзоси, Бухоро тиббиёт коллежи ўқувчиси:

— Андижондаги Боғи Бобур мажмуи, ўлкашунослик музейларига уюштирилган саёҳатлар бизда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, мусобақаларнинг очилиш маросими тантаналари бир умр ёдимдан чиқмаса керак.

Маҳбуба Сафарова, Қашқадарё вилояти қўл тўпи бўйича қизлар терма жамоаси аъзоси, Қамаши педагогика коллежи ўқувчиси:

— Андижон вилояти аҳолисининг самимийлиги, меҳмондўстлиги бизга маъқул бўлаяпти. «Андижон» теннис корти, Олимпия заҳиралари спорт коллежи, Оқёрдаги саноат касб-ҳунар коллежи каби мухташам бинолар, уларда ўқувчи-спортчилар учун яратилган шарт-шароитлар бизни ҳайратга солди. Шаҳардаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи, болалар боғи каби дам олиш масканлари бизни мафтун этди. Биз ғўзал ва мафтункор Андижонни севиб қолдик.

Нигора Шокирова, Бухоро вилояти қўл тўпи бўйича қизлар терма жамоаси мураббийси:

— Спортчилар ва мураббийларга яратилган шароитларнинг яхшилиги боис, аксарият мусобақаларни ғалаба билан якунладик. Умуман, андижонликлар бу нуфузли мусобақаларга жуда пухта хозирлик кўрганлар. Бу ҳар дақиқада, ҳар куни намоён бўлмоқда. Ўзбекистонимизнинг бир бебаҳо гавҳари ҳисобланган Андижон аҳлидан кўп нарсалар ўргандик. Самимият, дўстона кайфият, бағрикенглик учун ташаккур!

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Енгил атлетика мусобақаларида Тошкент вилояти жамоаси вакиллари катта маҳоратга эга эканликларини амалда исботладилар ва умумжамоа ҳисобида "Баркамол авлод" спорт ўйинларида дастлабки биринчиликни қўлга киритиб, жами 437 очко жамғаришга муваффақ бўлдилар. Ушбу спорт турида иккинчи ўрин майдон эгалари ҳисобига ёзилди (409 очко). Учинчи ўрин эса фарғоналик енгил атлетикачиларга насиб этди. Ушбу жамоа ҳисобига 403 очко қайд қилинди.

СТОЛ ТЕННИСИ

Стол тенниси мусобақаларида дастлабки ғолиблар номи маълум бўлди. Ўғил болалар бахсида Андижон вилояти жамоаси вакили А. Ҳошимов биринчиликни қўлга киритган бўлса, Тошкент вилояти вакили Ю.Макевич иккинчи, яна бир Андижон вилояти вакили Ё. Абдураҳмонов учинчи ўринни эгалладилар. Қизлар ўртасидаги беллашувларда эса шоҳсупанинг юқори поғонаси пойтахтлик Л.Кимга, иккинчи ва учинчи ўринлар Сирдарё ва Андижон вилояти жамоалари вакиллари С.Сирожиддинова ва М.Эрматоваларга насиб этди.

ОҒИР АТЛЕТИКА

Янги турлардан бири саналган оғир атлетика мусобақаларида шу куни 62 ва 69 кг вазнли полвонлар ўртасидаги курашда мезбон вилоят вакили Азизжон Аҳмадалиев 235 кг оғирликдаги штангани даст кўтариб, барча рақибларини ортда қолдирди. 69 кг.ли полвонлар ўртасида эса рақибларига нисбатан анчагина оғир вазнни кўтаришга эриша олган Қорақалпоғистон Республикаси (272,5 кг) вакили Баҳром Мелдибоев нафақат ҳакамлар, балки мухлислар томонидан ҳам катта олқишларга сазовор бўлди. Боиси, у 245 кг.ли тошни кўтарган Баҳодир Ғофуровдан 27,5 кг оғир штангани кўтаришга муваффақ бўлди. Учинчи ўрин эса Хоразм вилояти вакили Шокиржон Малваев (220 кг) га насиб этди.

Оғир атлетика мусобақаларида шу куни кўпгина рекорд натижалар қайд қилинди. 77 кг. вазнга эга бўлган ўсмирлар ўртасида энг юқори натижани самарқандлик Рамз Самдилов қайд этди. У умумий миқдорда 270 кг. вазндаги штангани кўтариб, тенгдошларини ортда қолдирди. 2-ўринни эгаллаган мусобақанинг Тошкент вилояти аъзоси Жўрабек Зоиров 250 кг. натижани қайд этди. Навбатдаги ўринларни Қорақалпоғистон (235 кг), Фарғона (230 кг) ҳамда Андижон (230 кг) вилояти вакиллари эгалладилар.

ВОЛЕЙБОЛ

"Баркамол авлод" спорт мусобақаларидан жой олган волейбол мусобақалари Марҳамат туманидаги қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежида ўтказилмоқда. Волейбол мусобақаларининг ўғил болалар ўртасида чорак финал баҳсларини Жиззах ва Хоразм, қизлар беллашувида эса Навоий-Қорақалпоғистон жамоалари бошлаб бердилар. Ўйин натижаларига кўра Жиззах ва Қорақалпоғистон жамоалари кейинги турда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Шу кунги ўғил болалар беллашувларида Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Фарғона, Навоий ва Андижон вилояти волейболчиларига омад кулиб боқди. Қизлар беллашувларида эса Жиззах, Фарғона, Тошкент шаҳри, Андижон ва Наманган вилояти вакиллари ярим финалда қатнашадиган бўлдилар.

ТЕННИС

Вилоят теннис кортида бўлиб ўтаётган катта теннис беллашувларида финалчилар номи аниқланди. Ўғил болалар ўртасидаги якка тартибдаги беллашувларнинг сўнгги марраларигача матонат билан етиб келган Тошкент шаҳри вакили Азиз Абдураззоқов андижонлик рақиби Хушнуд Мирзаевга қарши кортга тушди ва 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради. Ярим финалга етиб келган яна бир андижонлик теннисчи Дониёр Усмонов эса қашқадарёлик Алексей Намозовга қарши кортга тушиб, ўз ҳамшаҳари билан финалда учрашишдан маҳрум бўлди ва икки сет натижасига кўра 0:2 ҳисобида ўйинни бой берди. Шундай қилиб, теннис бўйича ўғил болалар беллашувида финалда андижонлик Хушнуд Мирзаев қашқадарёлик Алексей Намозовга қарши кортда беллашадиган бўлди.

Қиз болалар ўртасида теннис мусобақаларининг ярим финал беллашувларига ҳам икки нафар андижонлик теннисчи йўлланмани қўлга киритган эди. Аммо уларнинг бири — Камила Мирзаолимова ушбу турда рақиби — пойтахт жамоаси вакили Велена Мамутовага имкониятни бой берди ва 0:2 ҳисобида мағлубиятга учради. Яна бир андижонлик теннисчи Анна Федяева эса вилоят шарафини ҳозиргача муносиб ҳимоя қилмоқда, деб айтиш мумкин. У ярим финалда бухоролик Наргиза Насуллаева билан кортда беллашиб, 2:0 ҳисобида ғалабага эришди ва финалда Велена Мамутова билан курашадиган бўлди.

БЕЛБОҒЛИ КУРАШ

Хонобод шаҳридаги янги кураш манежида белбоғли кураш беллашувлари ўз ниҳоясига етди. Шу куни гиламга тушган 120 нафардан ортиқ полвонлар беллашувида умумжамоа ҳисобида мезбонлар мутлақ ғалабага эришдилар. Иккинчи ўрин наманганлик, учинчи ўрин эса Фарғона вилояти курашчиларига насиб этди.

Етти вазнли полвонлар беллашувларида наманганлик Шуҳрат Мирзаев, Дониёр Имомов, Тошкент вилояти вакили Холдор Дадаматов, мезбон Дониёр Ҳакимов, Мирзоҳид Зиёев, Оятулло Ҳакимов, самарқандлик Азизжон Миркомиловлар олтин медални қўлга киритдилар.

ШАХМАТ

Шахмат мусобақаларида 9-июнь куни бешинчи тур натижалари маълум қилинди ва шунга асосан жамоаларнинг рейтинг натижалари эълон қилинди. Унга кўра биринчи ўринни ҳамон Тошкент вилояти жамоаси эгаллаб турибди (4,5 очко). Навбатдаги ўринларни Самарқанд, Қашқадарё, Андижон вилояти вакиллари банд этганлар. Уларнинг ҳисобига 3,5 очкодан ёзилган. Бешинчи ўринда Сурхондарё вилояти (3 очко) жамоаси бормоқда.

БАСКЕТБОЛ

Андижон алоқа касб-ҳунар коллежида ўтказилаётган баскетбол (ўғил болалар) ярим финал беллашувлари Тошкент шаҳри ҳамда Қашқадарё жамоалари бошлаб бердилар. Таъкидлаш жоизки, спортнинг кўп турларида пешқадамлик қилаётган пойтахтликлар қашқадарёлик рақибларини 79:43 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Хоразмликларга қарши майдонга тушган Сирдарё вилояти жамоаси эса 65:24 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Бухоро ҳамда Жиззах вилояти баскетболчилари ўртасидаги учрашув 76-64 натижа билан якун топди. Қизлар ўртасидаги баҳсларда Сурхон воҳаси жамоаси Сирдарё вилояти жамоаси устидан 42:36 ҳисобида устунликка эришди. Шунингдек, Жиззах-Хоразм 28:39, Навоий-Фарғона 27:35, Тошкент шаҳри-Самарқанд 47:28, Қашқадарё-Қорқалпоғистон Республикаси 16:43, Наманган-Тошкент вилояти учрашувлари 36:44 ҳисоби билан якунига етди.

ФУТБОЛ

Миллионлар ўйини номини олган футбол мусобақаларида Жиззах вилояти жамоаси самарқандликларга қарши майдонга тушдилар. Шиддатли ва муросасиз кечган ўйинда самарқандлик ёш футболчилар 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Наманган-Андижон вакиллари учрашувида эса асосий ва қўшимча вақтда ҳам ҳисоб очилмаганлиги боис, ҳар икки дарвозага пенал тилар белгиланди. Ва 3:1 нисбатда Наманганлик футболчилар майдон эгаларини бош эгиб чиқишга мажбур этдилар. 2:2 дуранг натижа қайд этилган Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри беллашувида ҳам пенал тилар серияси белгиланди ҳамда 6-5 ҳисоби билан шимолликлар қўли баланд келди. Айнан Наманган-Андижон учрашувига ўхшаб асосий ва қўшимча вақтда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолган. Тошкент ва Бухоро вилоятлари чарм тўп усталари мусобақасида ҳам пенал тилар белгиланиб, 6-5 натижа билан пойтахт вилояти вакиллари зафар қозондилар. Бундан ташқари, Фарғона-Қашқадарё вилояти жамоалари учрашуви 1-0, Сирдарё-Сурхондарё учрашуви эса 4-1 натижа билан якунига етди.

ҚЎЛ ТЎПИ

Қизлар ўртасидаги қўл тупи баҳсларининг ярим финал учрашувида ғолибликка асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этилаётган Наманган вилояти гандболчилари Тошкент вилояти вакилларига қарши майдонга тушдилар. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларга қадар шиддатли ва муросасиз кечди. Ҳисоб 15:15 натижа билан ўйин якунига етиб бораётган бир пайтда пойтахт вилояти жамоасининг сўнгги ҳаракатлари гол билан якун топди. Иккинчи жуфтликда мезбонлар фарғоналик тенгдошлари устидан 24:14 ҳисобида ғалаба қозондилар. Бугун финалда Тошкент вилояти ва мезбонлар жамоаси ғолиблик учун курашадилар.

БОКС

Спорт ўйинларидан жой олган бокс мусобақалари ҳам ниҳоясига етди. 140 нафар ҳаваскор боксчилар иштирокида 8 вазн тоифасида ғолиблар аниқланди.

48 кг. вазн тоифасида Андижон бокс мактаби вакили Раҳмонбек Тошматов ҳамда фарғоналик Эркин Жўраев рингга кўтарилди. Шу куни андижонлик ёш боксчининг омади келди ва рақибини рингдан бош эгиб чиқишга мажбур этди. Бундан ташқари, Андижон вилояти вакилларидан Ф.Тожибоев (54 кг), С.Тожибоев (57 кг), Р.Жўрабоев (60 кг) лар ўз жамоаларига олтин медаллари шодасини тухфа этди. 51 кг. вазнга эга чарм қўлқоп усталари учрашувида жиззахлик Ж.Каримов фарғоналик рақиби Б.Каримов устидан ғалабага эришди ва ўз вазн тоифасида чемпионлик унвонини қўлга киритди. 64 кг. да беллашган боксчилар Р.Раззоқов (Наманган) Э.Зокировлар (Жиззах) бахсида омад Наманган вилояти вакили Рустамга кулиб боқди.

69 кг. вазнда рингга чиққан Жўрабек Мелибоев эса пойтахт вилояти вакили Ғулом Аслановни мушкул вазиятга солиб қўйди. У ўз рақибини ўйинни муддатидан олдин тўхтатишга мажбур этди. Андижонлик Дмитрий Ли 75 кг вазнда бухоролик тенгдоши Аббос Отаевдан мағлубиятга учради.

Умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти жамоаси биринчи, Тошкент вилояти ҳамда фарғоналиклар иккинчи, учинчи ўринларни банд этдилар.

ЭЪТИБОРГА ЯРАША НАТИЖАЛАР

«Баркамол авлод» спорт ўйинларини бевосита томоша қилиш учун Андижонга ташриф буюрган меҳмонлар ва раҳбар ходимлар фурсатдан фойдаланиб, ўзларининг хизмат вазифалари доирасига кирувчи ишларни ҳам бажаришга интилмоқдалар. Жумладан, Андижон Давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С.Ғуломов бошчилигида Фарғона водийсидаги олий ўқув юртлари ректорлари, малака ошириш ва жисмоний тарбия факультети деканлари иштирокида семинар-кенгаш ўтказилди.

Семинар Президент Ислом Каримов раислигида Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши мажлиси якунлари, у юртбошимиз томонидан белгиланган чора-тадбирларга бағишланди. С.Ғуломов семинар қатнашчиларига батафсил маълумот бериб, мамлакатимиз раҳбари халқимизнинг келажагини спорт билан боғлиқликда кўраётганлигини таъкидлади.

— Шу маънода, гап спорт мусобақаларида қатнашиб, медаллар олиш ҳақида кетаётгани йўқ, - деди вазир. — Гап оммавий спорт ҳақида кетмоқда. Эътироф этиш керакки, жойларда бу соҳада реал аҳвол талаб даражасида эмас. Ишни яхшилаш учун бу жараёнга олий ўқув юртларини ҳам кенгроқ жалб қилиш зарур. Айниқса, қишлоқ жойлардаги мактабларга амалий ёрдам кўрсатиш керак. У ерда ишлаётган жисмоний тарбия ўқитувчиларининг малака оширишлари замон талаблари даражасида бўлишини таъминлашимиз, бунинг учун эса малака оширишнинг сифатини тубдан яхшилашимиз керак.

С.Ғуломов спортнинг ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашдан ташқари, унинг жиноятчиликнинг олдини олишда ҳам муҳим профилактик восита эканлигини таъкидлаб, айни кунда қатор олий ўқув юртларининг меҳрибонлик уйларига кўрсатаётган ҳомийлик ва ўзаро ёрдам ишларини маъқуллади, бу ишларни яна ҳам кучайтириш лозимлигини айтди. Олий ўқув юртлари аввалига ўзларига яқин маҳаллаларга эътибор қаратишлари ҳам мақсадга мувофиқ. Маҳалла болаларини ўзларидаги спорт иншоотларига чақириш, олий ўқув юртидаги спорт мусобақаларига маҳалла оқсоқоллари ва болаларни ҳам таклиф қилиш, тарғибот ишларини олиб бориш зарур. Бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, жисмоний тарбиянинг самарадорлигини ошириш учун унинг педагогик, психологик, илмий асосларини яратиб бериш керак.

Йиғилишда ОЎЮ талабалари ўртасида ўтказиладиган навбатдаги "Универсиада" мусобақаларининг бошланишига ҳам бир йилча вақт қолаётгани айтилиб, 1- ва 2-босқич мусобақаларини талабаларнинг ёзги ва қишки таътил кунларида ўтказиш таклиф қилинди. Бу мусобақаларнинг ўқув жараёнига халақит бермаслигидан ташқари, талабаларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишини ҳам таъминлайди. Шу ўринда, семинар- кенгашда талабаларнинг ёзги спорт-соғломлаштириш лагерлари ва улардаги шарт-шароитлар масаласи ҳам кўрилди.

Оммавий ва узлуксиз спорт тизимини ривожлантириш ишларини фаоллаштириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Президентимизнинг таклиф ва тавсиялари асосида қатор тадбирлар ишлаб чиқилаётгани таъкидланди. Жумладан, 2003 йил қабул режаларига университетлар тизими учун «Бошланғич таълим ва жисмоний тарбия», педагогика олийгоҳлари учун «Мактабгача тарбия ва болалар спорти» йўналишларини киритиш, жисмоний тарбия ва спортнинг турлари бўйича магистратура ўринларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ „деб топилди.

АНДУ талабаларининг, айниқса, спорт соҳасидаги республика ва халқаро миқёсдаги ютуқларига эътибор қаратилиб, М.Абдуллаев, Р.Чагаев, Ҳ.Ҳайдаров, Б.Султонов, Т.Шириев ва бошқа талаба-спортчиларнинг бутун республикамиз шон-шуҳратининг юксалишига муносиб ҳисса қўшаётганлигига юксак баҳо берилди.

Ҳ.КАРИМОВ
Андижон Давлат университети доценти

«Баркамол авдод — 2003» спорт мусобақаларининг 10 июнгача бўлган натижалари

	ВИЛОЯТЛАР	СТОЛ ТЕННИСИ		КУРАШ		БЕЛБОҒЛИ КУРАШ		ЕНГИЛ АТЛЕТИКА		СУЗИШ		БАДИЙ ГИМНАСТИКА		БОКС		ЖАМИ	
		Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	Ў	О	ОЧКО	ЎРИН
1	Қорақалпоғистон Р.	12	3	14	1	8	7	14	1	14	1	11	4	7	8	25	14
2	Андижон в.	1	15	4	11	1	15	2	13	1	15	7	8	1	15	92	1
3	Бухоро в.	8	7	1	15	11	4	7	8	9	6	2	13	5	10	63	6
4	Жиззах в.	10	5	3	12	13	2	9	6	12	3	14	1	4	11	40	9
5	Қашқадарё в.	13	2	7	8	10	5	6	9	8	7	12	3	13	2	36	11
6	Навоий в.	14	1	9	6	12	3	13	2	4	11	3	12	12	3	38	10
7	Наманган в.	3	12	8	7	2	13	8	7	3	12	9	6	8	7	63,5	5
8	Самарқанд в.	3	12	2	14	5	10	5	10	10	5	5	10	10	5	65,5	4
9	Сурхондарё в.	11	4	6	9	14	1	11	4	13	2	13	2	9	6	28	13
10	Сирдарё в.	7	8	13	2	7	8	12	3	7	8	10	5	14	1	35	12
11	Тошкент в.	6	9	11	4	4	11	1	15	6	9	6	9	2	13	70	3
12	Фарғона в.	2	13	10	5	3	12	3	12	2	13	4	11	3	12	78	2
13	Хоразм в.	5	10	12	3	6	9	10	5	11	4	8	7	6	9	47	8
14	Тошкент ш.	9	6	5	10	9	6	4	11	5	10	1	15	11	4	62	7

ЎЙИНЛАР ДАВОМИДА РЕКТОРЛАР КЕНГАШИ

МУСОБАҚАЛАР ҚИЗҒИН ТУСГА КИРДИ

Андижонда ўтказилаётган «Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинларининг барча турлари бўйича мусобақалар қизғин тус олди. Айниқса, қизлар ўртасида ўтказилаётган қўл тўпи беллашувларининг чорак финалида худди шундай кўтаринки руҳ билан ўтказилаётган ўйинлар томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда. Ярим финалга чиқиш учун бўлган баҳсларда Фарғона вилояти қизлар жамоаси ўзларининг ниҳоятда чиройли ўйинларини кўрсатишди. Шу куни Жиззах вилояти жамоаси билан беллашувда фарғоналик қизлар ўзларининг чаққон ўйинлари билан ўз рақибларидан устунликларини яққол намоён этдилар. Ўйиннинг биринчи қисми тугаганда фарғоналиклар 20:8 ҳисобида жиззахликлардан устун келишди. Ўйиннинг иккинчи қисми ҳам тўлалигича фарғоналикларнинг устунлигида ўтди. Шундай қизиқарли ўтган ўйин 30:15 ҳисобида фарғоналикларнинг ютуғи билан тугади. Энди фарғоналик қўл тўпи бўйича қизлар жамоаси ярим финалда ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ

«Баркамол авлод — 2003» мусобақаларига мезбонлик қилаётган Андижон вилояти бугун — жаҳонга ўзининг спорт соҳасидаги катта ютуқлари билан машҳурдир. Чим устида хоккей бўйича «Андижанка» аёллар жамоаси Европа чемпионлари Кубоги соҳиби, 1980 йилги Олимпиада ўйинларининг бронза медали совриндори, Халқаро турнирлар ғолиби бўлган. Чим устида хоккей бўйича «Звезда» эркаклар жамоаси Ўзбекистон Республикасининг 23 карра чемпиони бўлган.

Андижонда хизмат кўрсатган спорт устаси, Европа чемпиони, Жаҳон кубоги ғолиби, Жаҳон рекордчиси, енгил атлетикачи Светлана Ўлмасова ва унинг жамоадоши Замира Ахтямова, бокс бўйича Европа чемпиони Феликс Пак, самбо бўйича Европа чемпиони Мелс Ан каби машҳур спортчилар тарбияланганлар.

Олимпиада ўйинларида андижонлик спортчилар мунтазам иштирок этганлар. Улар орасида Сеул Олимпиадасининг оғир атлетика бўйича қумуш медаль совриндори Ноил Муҳаммадиёров, чим устида хоккей бўйича Игорь Давидов, Москва Олимпиадасининг чим устида хоккей бўйича бронза медали совриндорлари — Лейля Аҳмерова, Нелля Горбаткова, Алина Хам, Валентина Заздравных кабилар бор.

Андижонликлар 37 та спорт тури бўйича турли даражали мусобақаларда иштирок этмоқдалар, 40 дан ортиқ спорт турини ривожлантирмоқдалар. Вилоятда 70 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ишлаб турибди, уларда 37 минг ўқувчи турли спорт турлари билан шуғулланмоқда. 32-мактабда футбол бўлими мавжуд. Олимпиа заҳиралари коллежи ва ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари эса юқори малакали спортчиларни тайёрлайдиган асосий масканлардир.

Теннис бўйича вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 1995 йилда ташкил қилинган Олимпиа заҳиралари коллежида теннис бўлими ишлаб турибди. Вилоятда теннисчиларни тайёрлаш ва оммавий теннисни ривожлантириш маркази ҳисобланган Андижон теннис клубида ҳам юқори малакали спортчиларни тайёрлаш оммавий теннис бизнинг Атланта шаҳрида бўлиб ўтган XXVI ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этди. 1997 йил боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев Осиё қитъасининг энг моҳир боксчиси деб топилди. М.Абдуллаев, Р. Чагаев Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё ўйинлари ғолиби бўлган эдилар. Ў.Ҳайдаров кумуш медаль совриндори бўлди. Таиланд қироли кубоги учун ўтказилган турнирда Р.Чагаев ғолиб чиққан бўлса, Ў.Ҳайдаров бронза медалини қўлга киритди. 1999 йил вилоят боксчилари учун унутилмас воқеаларга бой йил бўлди. Тошкентда бўлиб ўтган ХХ Осиё чемпионатида М.Абдуллаев, Р.Чагаев, С.Михайлов, Т.Турғунов ғолиб чиқдилар. М.Абдуллаев ва Ў.Ҳайдаров АҚШнинг Хьюстон шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медални, Тўлқин Турғунов кумуш медални қўлга киритишди.

2000 йили андижонлик 7 нафар спортчи Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган XXVII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, боксчи М.Абдуллаев ўз вазн тоифасида ғолиб чиқди ва олтин медаль соҳиби бўлди. Сергей Михайлов эса бронза медали билан тақдирланди.

2001 йили вилоят спортчилари халқаро ва республика мусобақаларида 268 та совринли ўринларни эгалладилар. Мустақиллик йилларида Андижон вилоятида 15 нафар халқаро спорт усталари етишиб чиқди. Мустақил мамлакатимиз терма жамоаси таркибида ҳозир 150 нафардан ортиқ вилоят спортчилари бор.

Саҳифа материалларини "Ma'rifat"нинг махсус мухбирлари О.СИДДИҚОВ, К.АЛИОХУНОВ, М.ИСРОИЛОВ, Бурҳон РИЗОҚУЛОВлар тайёрлади.

Shunda sezdimki, o'quvchilar maktabdagi voqealarni oqizmay-tomizmay ota-onalariga yetkazar ekanlar. Direktorning bu tanbehsiz tanbehi men uchun bir umr saboq bo'ldi. O'quvchilarga gapiradigan bo'lsam, har bir gapimni aql tarozisida o'lchaydigan bo'ldim.

Bu konteynerga elektron «burun» o'rnatilgan bo'lib, u iskovich itlardan ming karra sezgirroqdir. U faqat jinoyatni ochishda emas, balki qanday sodir bo'lganligi haqida ham taxminlar beradi.

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР АНЖУМАНИ

12-14 июнь кунлари Сурхондарё вилояти Узун туманида «Ижодкор ўқитувчилар»нинг анъанавий анжумани бўлиб ўтади.

Республикамиз барча вилоятларининг, Қорақалпоғистон республикаси ҳамда Тошкент шаҳри мактабларининг ижодкор ўқитувчилари иштирок этадиган ушбу анжуман ҳам ҳар галгиларидек қизиқарли ўтади, деб ўйлаймиз.

Республикамизнинг таниқли, эл севган шоир ҳамда ёзувчилари ижодкор ўқитувчилар ишини баҳолаб борадилар.

Анжуман қатнашчилари ижодларидан намуналарни «Қўнғироқ чалингунча» саҳифасида сизга илиндик.

СЕВГИ

Севги!
Ўзингсан ҳаётчун муҳташам қаср,
Тўлқинсан, чақмоқсан қудратли туйғу!
Сенинг исканжангга гар тушса аср,
Сўқир кўзлардан ҳам қочади уйқу.
Севги!
Сен асал туйғусан, муқаддас орсан.
Ўсмирлик даврининг қонидаги нур.
Энг сара тиғдан ҳам ўткир озорсан.
Ёшлик осмонида чақнаган сурур.
Севги!
Сен борсан тирикдир бу борлиқ, дунё,
Демакки, умр ҳам эмас бесамар.
Пойинг болиш қилсин армону риё,
Ҳажрнинг тиғлари тилмасин камар.
Севги!
Сен буюк фаришта маконинг беҳишт,
Сенга дуч келмишдир жами тирик зот.
Мен ҳам ёшлигимда қўйганман бир ғишт,
Ҳозир буви бўлган ўша паризод!

Худойберди НАВРЎЗ,
Хатирчи туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси

* * *

Кўзларимнинг дардин сўрама,
Беҳаловат жоним бор.
На бир қайғу унда муқим,
На бир шодлик оним бор.

Гоҳ у хаёл оғушида,
Нурсиз тошга айланар,
Гоҳо боқиб ҳар нигоҳга,
Дўст излашга шайланар.

Кўз кўнгилнинг кўзгуси деб,
Боқар жумла инсонга.
Бемаънолик тўнин кияр
Етолмаса имконга.

Шунда ногоҳ қабоқ тортиб,
Дил ғуборин ҳайдайди.
Билмам мени ё кўзгулар,
Ёки кўзим алдайди.

Дўстмамат САМАДОВ,
Каттақўрғон туманидаги 75-мактаб ўқитувчиси

СОҒИНЧ

Соғинч — мен кашф этган ҳақиқат,
Кутиш бўлса кундалик бир иш.
Иккисининг моҳиятида,
Пайдо бўлиб ортади ташвиш.

Тонг отиши азалий одат,
Кун ботишда йўқдур янгилик,
Шу ўртада савоб қилдикми?
Сўнг айтишга бир арзигулик.

Муҳаббатни авайлаб-асраб,
Пайдо қилди бизни ҳақ таоло,
Бор жисмимиз вужудимизни,
Сўнг шу дардга қилди мубтало.

Севмоқ асли бизга касби-кор,
Тоза бўлсин иймон, ихлос, тан.
Бизлар пайдо қилган ишқ асли,
Руҳимизга сўнг бўлар Ватан.

Отаназар ҚУРБОНБОЕВ,
Қўшкўпир туманидаги 22-мактаб директори

ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

Гўзвоқ

Hikoya

Чатоқ бўлди-да. Кўз очиб юмгунча... Фалокат... Онаси: «Вой шўрим!» деб чинқириб юбордими ёки инградими? Агар, инграган бўлса, Жамшид берида туриб қандай эшитди экан?!

У томорқада ишлаётган эди. Чарчагач, нафас ростлаш ниятида олма дарахтининг соясига келиб чўнқайди. Хумор қилди. Чўнтагидан сигарет қутисини чиқариб, ичига бармоғини тиқди. Қараса, ҳеч ваҳо қолмапти. Бўш қутини ғижимлаганча хийла вақт ўйланиб турди. Кейин ҳовли томонга юзланди ва ҳаккалаб ўйнаб юрган сингилчасига кўзи тушди.

— Барно!

Биринчи синфда ўқийдиган Барно сочларини селкиллатганча чопқиллаб келди.

— Ма, сенга бир сўм. Бориб, сигарет олиб кел! Магазинчига, Жамшид акам айтди, яхшисидан бераркансиз дегин, хўпми?

— Хўп.

Жамшид синглисининг чиройли кўзларига қаради, суйди.

— Қани, бир югур-чи, мен қараб тураман, неча минутда келар экансан.

— Бўпти.

Барно кўйлакчасининг этагини ҳилпиратганча пилдираб кетди. Унинг селкиллаган тим қора сочлари бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Жамшид ишга тутинди. Ҳадеганда Барно келавермади. Хумори тарқаб синглисини унутди. Орадан қанча вақт ўтди — билмайди, бир маҳал кимдир дарвозани уриб, бўғиқ овозда чақиргандай бўлди. Кейин дарвозани очди. Кейин... «Вой, шўрим қуриди!» дея чинқириб юборди. Шундагина Жамшид сергак тортди. Ҳамон онаси фиғон чекар эди: «Энди нима қиламан? Бу бало қаерда қараб турган экан?!»

— Нима?.. Нима бўлди?! — Жамшид уририб-суриниб дарвоза сари талпинди.

Онаси ўзини қўярга жой тополмас, ух торта-торта:

— Мени тезроқ олиб бор, — дерди нуқул.

—Қаёққа? Нима бўпти ўзи?!

— Бало бўпти. Барнони машина уриб кетибди. Касалхонага олиб кетишибди. Бўлсанг-чи ахир! Қандай қилай энди, шунисиям бормиди ҳали...

Шундай бўлган эди. Кейин кўпчилик бўлиб касалхонага боришди.

— Тўхтанглар, ҳовлиқманглар, — деди навбатчи врач эшикни тўсиб, — ҳеч нима бўлгани йўқ. Қизча соппа-соғ, тинчлансангларчи!

Онаси ҳайдовчига ёпиша кетди.

—Холажон, мен... Мен... ахир... ҳеч кутмай...

Барнонинг олдига онасию Жамшиднигина киритишди. Шу пайт қаёқдандир отаси ҳам етиб келди.

Қизча йиғиди тўхтади, бошини девор томонга буриб индамай ётаверди. Онаси чойшабни тўғирлаб:

— Нега чиқувдинг кўчага, қизим? — дея сўрарди.

— Мен юборувдим, — Жамшид бошини эгди, — сигарет опкел деб жўнатувдим.

— Ўзинг борақолсанг бўлмасмиди, болагинам.

— Муштдай қизни...

— Қаёқдан билай. Ҳар куни мактабга ҳам қатнардику, ахир.

— Майли, бўлар иш бўлипти, гапни кўпайтиравермanглар, — деди отаси, — кўза кунда эмас, кунида синади, шунисигаям шукр. Шофёрга ҳам даъвомиз йўқ, денглар, — у дағал қўлларини Барнонинг манглайига қўйди, — қизим, тез кунда оппоқ бўлиб кетасан, оёғингнинг эти сал-пал лат ебди, холос...

Ҳаммаси шундан бошланди..

Онаси Барнонинг ёнида қолди. Ота-бола уйга қайтишди. Келаси куни эрталаб Жамшид ишдан бир-икки соатга жавоб олди-да, яна касалхонага борди. Чойнак-пиёла, қанд-курс келтирди. Кўнгил сўрайтуриб, сингилчасининг кўзига тик қарай олмади. Барно ҳам унга бир нима демади.

Тоза ёмон бўлди-да. Ҳаммаси кўз очиб-юмгунча юз берди-я. Ростдан ўзи бора қолса бўлмасмиди? Эринди. Айтарлик сабаб бўлса ҳам майли эди, шу сигаретни деб... Ана энди бу оворагарчилик — онаси хафа, отаси хуноб, ўзи сарсон... Сингилчасининг кўнгли совуб кетмаса эди ундан. Аҳалли бир оғиз гап айтмади-ку, ахир.

Жамшид бошини эгиб ишга йўл оларкан, шуларни ўйлади...

Кунлар ўтаверди. Барнонинг эти яхши экан, жароҳати тез тузала бошлади. Жамшид кунига ишдан касалхона орқали қайтадиган бўлди. Ҳар куни қўйнида қоғозга ўралган нарса билан палатага кириб келарди. Сингилчасининг кўнглини овламоқчи бўлиб турли ширинликлар ҳам, ўқув қуролларию илгарилари ваъда қилса-да, олиб бермай юрган ўйинчоқларни ҳам кўтариб борди, бироқ акасидан хафа эканлигини Барно барибир яширолмас, совғаларга беэътибор, очилиб гапирмасди ҳам...

Ниҳоят у соғайиб касалхонадан чиқди. Оз-моз оқсоқланиб бўлса-да, мактабга қатнай бошлади. Кечқурунлари Жамшид уни ўзига оғдиришга уринар, ўқишларидан сўрар, ёдлаган шеърларини айттирар, ўзи ўргатар, енгилгина иш буюрар, гапга солар эди, бироқ барчаси кутганидек табиий чиқсада, ака-сингил орасидаги кўз илғамас тўсиқ йўқолмас ва бу барчани бирдай ташвишга солар, дилларни хуфтон қиларди.

— Қўявер, — дерди отаси Жамшидга, — ёш бола, юрганида оёғи оғрир, шунда эсига тушиб... Тузалиб кетганидан сўнг унутиб юборади.

— Худди катта одамдек гина қилади-я қизи тушмагур, — бошини чайқарди онаси.

Барно акасидан ўзини тортиб юрди...

Жамшид қилган гуноҳидан озорланиб ич-этини ерди...

Ёлғиз қолганида хотини ҳам унинг дардига шерик бўлиб жим ўтираверарди. Жамшид синглиси батамом тузалиб кетгач ҳам гинасини унутишига ишонмас эди. Анов куни илгари ҳатто варақлаб ҳам кўрмаган, даҳлизнинг гоҳ у, гоҳ бу бурчагида ётадиган муқовасиз китобни ўқиб чиқди-да, бунга иқрор бўлди. Қандайдир педагогнинг «Бола қалби нозик, беғубор...» деб бошланадиган бу китобини арта-арта яшириб қўйди.

—Эсингдан чиқаргин, қизим, — деди бир куни она, — аканг шундай бўлсин деганми? Туш кўрибдими ахир... Соғайиб кетдинг-ку. Оёғинг ҳам энди оғримайди.

—Хафа эмасман, — суйкалди Барно.

—Хафа бўлма, қизим, аканг сенинг суянадиган тоғинг, ишонган боғинг бўлади. Уни бунча қийнамагин, дилини оғритма.

Барно барибир акасидан ўзини тортиб юрди.

Якшанба куни Жамшид томорқада ишлаётган эди. Помидор кўчатларини энди ўтказиб бўлай деганида, қиз боланинг қийқириғидан сачраб кетди. Юраги увушиб дарвоза томонга қаради. Барно пилдираб келар эди. Бир тутам тим қора сочи елкаси оша селкиллар, кўйлакчасининг этаги шамолда ҳилпирар эди. Қўлида эса бир қути сигарет.

— Мана, — деди югуриб келгач, — магазинчига Жамшид акам айтган, яхшисидан беринг, дедим. Кейин у шуни берди, қаранг.

Жамшид «қулт» этказиб ютинди. Бир нафас тили калимага келмай қолди. Вужуди титраб кетди. Кейин:

— Вой шайтон-ей, одамни тамом қилдинг-ку, а? Шунчалик бўлмайди-да, — дея олди, холос.

— Мана, олинг.

Жамшид ҳайрон эди. Чимчилаб кўрсамикан ўзини, агар туш кўраётган бўлса... Синглисига тикилди, унинг кўзларида илгариги зиё чақнар, илгариги беғуборлик, илгариги меҳр...

— Пулни ким берди? — сўради Жамшид.

— Кеча отам ўн беш тийин берган эди, йиққан пулим тўппа-тўғри бир сўм бўлди. Ўшанда пулингизни йўқотиб қўйгандим-да. Машинага урилиб кетсам, қўлимдан тушиб қолибди. Касалхонадан келиб хўп изладим, тополмадим. Кейин йиғиб юравердим...

— Касалингни олсин!..

— Бугун магазинга борсам, одам жудаям кўп экан. Навбатда турувдим, бир киши мени чеккага суряпти. Амаки, мен ҳам навбатда турибман, сурманг, дедим. Ҳалиги киши, ийе, билмабман-ку, турақол қизим, деди. Кейин навбатга туриб олдим мана шуни... — Барно шундай деб ширин жилмайди...

Исҳоқ ИСМОИЛОВ,
Ғаллаорол туманидаги
10-мактаб ўқитувчиси

Xullas...

60 ЙИЛДАН КЕЙИН ЯНА ЗАГСГА

Павел ва Тамара Тропинлар бундан 60 йил муқаддам ўз никоҳларини расмийлаштириш учун Кишинёв шаҳар фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш идорасига кириб келган эдилар. У пайтлар ҳозирги келин-киёвларникига ўхшаб дабдабалар қаёқда?

Яқинда 60 йиллик никоҳ эгалари яна ўша идорага кириб келишди. Уларнинг ниятлари холис бўлиб, никоҳ расмийлаштириш учун келаётган ёшларга ўзларини намуна қилиб кўрсатишдир. Фарзандлари орқасидан неваралик, чеваралик бўлган бу отахону онахонларга ёш келинкуёвлар чиндан ҳам ҳавас қилишарди.

Чол-кампирларнинг такрорий ўтказилган тўйида яна 19 жуфт никоҳ соҳиблари ҳозиру нозир бўлишди. Шаҳар мэри нияти холис отахону онахонларни қабул қилиб, уларнинг суратларидан ЗАГС идорасида стенд ташкил қилишга кўрсатма берди. Бу токи, «қўйди-чиқди» жанжаллар туфайли оиласини барбод қилаётган ёш эр-хотинларга ибрат бўлсин.

ЭЛЕКТРОН БУРУН

Кўпгина хорижий мамлакатларда теваракатрофда «ҳидини» қолдираётган жиноятчиларни қидириб топиш бўйича информацион технологиялар яратилмоқда. Масалан, АҚШда махсус контейнерларга электрон «бурун» ўрнатилган бўлиб, у искович итлардан минг карра сезгирроқдир. У фақат жиноятни очишда эмас, балки қандай содир бўлганлиги ҳақида ҳам тахминлар беради, деб хабар қилади шведларнинг «Экспрессен» газетаси.

ЕТТИ СОАТ ЁҒОЧ ОЁҚДА

Евпатория театри актёрлари 72 км масофани ёғоч оёқда босиб ўтишга қарор қилишди. Евпатория қирғоқларидан Симферополь шаҳридаги марказий майдонгача бўлган оралиқ масофа 72 км.ни ташкил қилар экан.

Хўш, артистларни ёғоч оёқда юришга мажбур қилган нарса нима?

Шаҳарликлар учун бу йил катта сана: 2500 йиллик тантана. Ҳали бундай марафонни ҳеч ким ташкил қилган эмас. Актёрлар ана шундай марафон билан Гиннеснинг рекордлар китобига «тушмоқчи».

Бу ғоянинг ташаббускори эса театрнинг асосчиларидан бири, раққос Дайнер Киттелдир. У биринчи бўлиб ёғоч оёқни ўзи кийди, махсус оёқ кийимини Райнер Германиядан келтирган эди.. Ташаббускор марафон иштирокчиларининг вазни бир хил бўлишига ҳам аҳамият берди. Шундай қилиб, марафончилар 30 даражалик ҳароратда 7 соату 51 дақиқада Симферополга етиб келдилар. Демак, марра уларники!

ana shunaqa gaplar

РАҚАМЛАР РАНГЛАНГАНДА

1. Мен бирман, биринчиман,
Рақамлар севинчиман.
Мени ёзиб кўринг-а,
Ҳар бир қўлнинг тинчиман.

2. Мен иккиман мураккаб,
Осон деб бурмангиз лаб.
Думи гажак иккиман,
Билмасларга даккиман.

3. Букчайиб турган учман,
Сонлар ичида кучман.
Ялқов ўқувчиларга,
Билинг, росаям ўчман.

4. Ҳисобда ютқазма, ют,
Икки карра икки тўрт.
Чала ўқиганларнинг
Иши доим бўлар мўрт.

5. Рақамлар кўрки бешман,
Одоб-ахлоққа хешман.
Тутсам кимнинг қўлини,
Ёритаман йўлини.

6. Илдизларим бақувват,
Ака-укага бойман.
Олтовлон ола бўлса,
Нетай, ҳолига войман.

7. Етти ўлчаб бир кесиш,
Асли менинг одатим.
Етти юлдуз ҳам фалак,
Бу менинг саодатим.

8. Шаклим ҳам жуда қизиқ,
Кўплар икки нол дейди.
Панжалари бириккан,
Кучга тўла қўл дейди.

9. Бирликларнинг тўнғичи,
Тўққизвой мен бўламан.
Укаларим эркалатиб,
Орқасидан юраман.

Фотима КАРОМАТОВА,
Қамаши туманидаги 42-мактаб ўқитувчиси

УМР

Умр — ишонч,
Умр — қувонч,
Умр — бойлик,
Фақат уни бир хиёнат яксон айлар.

Умр — шодлик,
Умр — тинчлик,
Умр — дунё,
Фақат уни бир хиёнат барбод айлар.

Умр — соғлик,
Умр — вафо,
Умр — севги,
Фақат уни бир хиёнат барбод айлар.

Умр — баҳор,
Умр — шодлик,
Умр — бир гул,
Фақат фарзанд, ота-она обод айлар.

Матлуба МАМАДАЛИЕВА,
Оқ олтин туманидаги
19-мактаб ўқитувчиси

«ЛОЖУВАРД» КРОССВОРДИ

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ



Энига: 5. Ўзбек халқ рақс куйи. 7. Сўз бойлиги. 9. Ахборот воситаси. 15. Ёзма иш. 17. Бухоро вилоятидаги шаҳар. 19. Қон сўрувчи жонивор. 26. Кузпишар мева. 28. Тўшама жиҳоз. 30. Марказий Осиёдаги пойтахт шаҳар. 36. Истак. 38. Каспий денгизига қуйилувчи дарё. 40. Спорт мусобақаси. 42. Ўзбек халқ мақоми. 47. XVIII аср француз файласуф ёзувчиси. 49. Металл. 51. Йил ҳисоби тури. 57. Газлама тури. 59. Ҳарбий қисм. 61. Тўпли спорт ўйини. 63. Мусиқа ёзуви. 68. Узум нави. 70. Йиртқич. 72. Ёзув асбоби.

Бўйига: 1. Газаламага пардоз бериш ашёси. 2. Дон туйиладиган анжом. 32. Ижодкор. 11. Ҳал қилувчи спорт мусобақаси. 12. Давлатнинг бирор соҳасини бошқарувчи масъул шахс лавозими. 13. Гўзал аёл, фариштa. 14. Миқдор. 22. Абдурауф Фитратнинг шеърий тўплами. 23. Замондош кишилар. 24. Оила бунёд бўлишидаги маросим. 32. Болгариядаги шаҳар. 33. Автомобиллар пойгаси. 34. Юпка, энсиз узун ёғоч. 35. Эзгулик йўлидаги фаолият. 43. Инерт газ. 44. Ялтироқ қимматбаҳо тош. 45. Жуғрофияда фойдаланиладиган ўқув куроли. 53. Абхазиядаги дарё. 54. Сув манбаи ҳудуди. 55. Бадиий асарда воқеанинг ривожлана бошланишига сабаб бўлган ҳодиса. 56. Рангли металл. 64. Йирик йиртқич. 65. Мақолдан: "Доно дурдан ..." 66. Бирор мавзуга оид анжуман.

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 4. Мамлакатимиздаги водий. 6. Электр қуввати ўлчови бирлиги. 8. Бирор нарсанинг асосий хусусиятлари белгиланган кўрсаткич. 10. Ун корхонаси. 16. Қадимий шарқдаги шаҳар майдони. 18. Олма нави. 20. Табиий фан. 25. Ҳаво ранг тусли маъдан, безак буюми ашёси. 27. Маҳаллий воқеаларга оид матбуот хабари. 29. АҚШ парламенти номи. 31. Белгиланган ходимларга эга бўлган ташкилот. 37. Сув жониворлари сақланадиган идиш. 39. Хорижда фаолият кўрсатувчи расмий давлат вакили лавозими. 41. Эртапишар полиз экини. 46. Даниялик болалар адиби. 48. Мудофаа мақсадида қурилган воситалар мажмуи. 50. Металл синч. 52. Қовун нави. 58. Табобатда ишлатиладиган спирт. 60. Мусиқа асбобидаги асосий парда. 62. Қадимий ҳинд тили. 67. Туркиядаги йирик шаҳар. 69. Тошкўмир нави. 71. X аср тарихчиси, "Бухоро тарихи" асари муаллифи. 73. Водийдаги вилоят.

ТАНБЕҲСИЗ ТАНБЕҲ

Qatra

Дарс беришни энди бошлаган даврим эди. Ўқитувчи эканимдан маст, бир синф ўқувчига нима десам сўзим ўтади, айтганимни бажармаса, хоҳласам ураман, хоҳласам «2» баҳо қўяман. Қўйингки, ўзига бино қўйган ўқитувчиман. Қиш кунлари эди. Мактабда умумий ота-оналар мажлиси бўлди. Мажлис ўтгач, эртаси куни минбарга узатилган юмалоқ хатлар таҳлил қилинарди. Мактаб директори ҳар бир хат устида бир-бир тўхталиб, йўл қўйилган хатоларни такрорламасликка чақирар эди. «Ўқувчининг оғзига латта тиқиб, бошига уриш мумкинми?» деган хат устида тўхталса, шунақаси ҳам бўларканми, деб шундай шарақлаб кулдимки, атрофдагилар беихтиёр менга қаради. Директор ҳам жилмайиб қўйди ва кейинги хат ҳақидаги фикрларини айтди. Сездирмайгина ҳалиги хатни менинг қўлим тагига қистириб кетди. Директорнинг бу ишидан ҳайрон бўлдим ва сездирмайгина хатни очиб ўқидим. Не кўз билан кўрайки, ўша мен шарақлаб кулган хат. Ўша вақтдаги ҳолатимни тасвирлай олмайман, ер ёрилсаю ерга кириб кетсам. Директорнинг кўзларига қарай олмайман, юзларим лов-лов ёнади. Ўша мажлис бўладиган кун 7-синфда ўқийдиган бир сергап, тўполончи болага «Ҳадеб гапираверсанг, шу латтани оғзингга тиқиб қўяман» деб танбеҳ берган эдим. Бу берган танбеҳимнинг жавоби эди. Шунда сездимки, ўқувчилар мактабдаги воқеаларни оқизмай-томизмай ота-оналарига етказар эканлар. Директорнинг бу танбеҳсиз танбеҳи мен учун бир умр сабоқ бўлди. Ўқувчиларга гапирадиган бўлсам, ҳар бир гапимни ақл тарозисида ўлчайдиган бўлдим.

Ёқут МЎМИНОВА,
Юнусобод туманидаги
274-мактаб ўқитувчиси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган,

ИНДЕКС: 149, 150. Г-476.
Тиражи 26856. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Насиба ЭРҲОНОВА,
Навбатчи: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00